



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 20 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 83 (7382)

О'qituvchi — 2001



Табиатга, атроф-муҳитга теранроқ бир боқиб кўринг-а? Унда ҳар куни биз эътибор бермайдиган тоза ҳаво, ёзда ўз меvasи ва сояси, баҳорда ўзгача чиройи билан бизга аъло кайфият бағишлайдиган турли дарахтлар, гуллар умуман, табиат гўзаллиги, унинг нозик мўъжизаси эмасми?

“Йил ўқитувчиси-2001” кўрик-танловининг иштирокчиси, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муҳайёхон Ҳалимова ана шу билимларни болалар онгига сингдиришда ўзига хос йўлни танлади. Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110-мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига “Атрофимиздаги олам” фанидан “Ўлкамизда куз” мавзусини ўтиб, ўғил-қизларни

фаолликка ундай билди. Айниқса, ўқитувчи дарснинг илк дақиқалариданоқ, болалар эътиборини жалб қила олганлиги ва машғулотни ноанъанавий тарзда олиб борганлиги кўпчиликда ҳайрат уйғотди. Биз юқорида табиатни бежиз тилга олмадик. Чунки Муҳайёхон табиат гўзаллигидан баҳра олиб ижод қилади, изланади, изланишларини эса дарсларда қўллайди. Хуллас, Муҳайёхон Ҳалимованинг нотаниш синфда ажойиб дарс ўта олгани таҳсинга сазовордир.

Суратда: изланувчан муаллима М.Ҳалимова “Атрофимиздаги олам” фани дарсида.

Бурҳон Ризоқулов олган сурат.

Bir tumanda ikki manzara

Излаган имкон,
изламаган баҳона топади
2-бет

Ўқувчиларни касб-хунарга
йўналтириш ва психологик-педагогик ҳудудий(вилоят, туман, шаҳар) ташхис Маркази тўғрисида
намунавий Низом
4-бет

Она тили —
миллий онг манбаи
5-бет

Бепарволикка
берилмайлик
8-, 9-бетлар

ТЕРРОРИЗМНИНГ МАЪНАВИЙ ТАЪСИРИ

унга фақатгина халқларнинг
тараққийпарвар ғояларигина қарши
тура олади

XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошларида жаҳон сиёсий тизимидаги ўзгаришлар, яъни икки ғоявий қарама-қаршилиқнинг бартараф этилиши жараёнида келиб чиққан муаммолар ўзининг долзарблиги билан ечимини кутмоқда. Шулардан бири XXI асрнинг вабоси ҳисобланган террорчиликдир. Уни ер юзидан томири билан кўпориб ташлашни жаҳон ҳамжамияти ҳозирги пайтда тўлиқ англаб етди. Шу сабабли унга қарши курашда жаҳондаги барча соғлом кучларнинг бирлашувини ҳозирги вазият талаб қилмоқда.

Munosabat

Шу йилнинг 11 сентябрида Америка Қўшма Штатларида содир этилган кўпуровчилик ҳаракати жаҳон ҳамжамиятига террорчиликнинг мудҳиш оқибатлари нақадар оғирлигини кўрсатди. Айнан шу сабабли жаҳон ҳамжамияти бу иллатга қарши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан курашга отланди. Бу борада ҳозирги пайтда минтақамизда олиб борилаётган ҳаракатлар ва бу ҳаракатларни талқин қилишда

турлича ёндашилмоқда. Айниқса минтақамизга алоқаси бўлмаган буюк давлатчилик шовинистик қарашлардан воз кеча олмаётган баъзи бир оммавий ахборот воситалари вакилларининг вазиятга нотўғри ёндашуви турли миш-мишларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг 5 октябрдаги баёноти воқеаларни тўғри тушунишга асос сифатида хизмат қилади. Баёнотда мустақил сиёсатни ўз

кучимиз билан ҳимоя қила олишимиз, жаҳон ҳамжамияти билан

ҳамкорликда ўзимизнинг мустақил фикримизга ва ўзаро қарши курашишга ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга эканлигимиз ҳар қандай ноҳолис қарашларга зарба беради. Айнан шу сабабли баёнотдаги фикрлар мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламларига вазиятни тўғри тушунтириб беришда ёки тушуниб етишда асос сифатида хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

Маълумотларга кўра АҚШнинг разведкачи махсус ҳарбий бўлинмаси ходимлари Афғонистоннинг жанубий қисмида фаолият бошлаганлар. Бу АҚШ томонидан куруқликда олиб бориладиган ҳаракатларнинг дастлабки босқичи деб ҳисобланмоқда.

“Ал-Қаида” террористик гуруҳининг кўзга кўринган вакилларида бири Абу Башир ал-Масрий кўлида портлаган граната етказган жароҳат оқибатида ҳалок бўлди. Ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан бери бу “Ал-Қаида” ташкилотининг дастлабки йирик йўқотиши бўлди, деб ҳисобланмоқда.

Ҳиндистон ва Россия томонлари Дехлида икки кунлик музокара ўтказиб, Афғонистондаги аҳвол ҳамда келажак Қобул ҳукуматининг қандай бўлиши кераклигини муҳокама қилдилар. Дехли ҳам, Москва ҳам АҚШнинг давом этаётган ҳарбий ҳаракатларини қўллаган ҳолда, Афғонистоннинг бўлғуси ҳукуматида собиқ президент Бурҳониддин Раббоний сезиларли роль ўйнашини хоҳлашапти. Вашингтоннинг фикрига кўра эса келиб чиқиши тожик бўлган Раббоний Афғонистоннинг пуштун аҳолиси ўртасида етарли равишдаги қўллаб-қувватлашга эриша олмайди.

АҚШ президенти Жорж Буш Хитой раҳбари Цзян Цземин билан Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги Шанхай саммити олдидан музокара ўтказди. Музокаралардан сўнг Буш ҳар икки томон халқаро терроризм келтириб чиқарадиган оқибатлар ҳақида умумий қарашларга эришдилар, деб айтди.

ТЕРРОРИЗМНИНГ МАЪНАВИЙ ТАЪСИРИ

унга фақатгина халқларнинг
тараққийпарвар ғояларигина
қарши тура олади

(Давоми.
Боши 1-бетда)

XXI асрнинг вабоси ҳисобланган терроризмга қарши бирлашиб курашиш ҳеч қандай давлат мустақиллигига, унинг халқи турмуш тарзига салбий таъсир қилмайди, аксинча халқнинг осойишта яшаши ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини англаб етишига хизмат қилади. Айнан шу сабабли минтақани ўз таъсир доирасида бўлишини истовчи сиёсий кучлар бу ҳаракатни иложи борица ўз манфаатидан келиб чиқиб талқин қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Манфаат устуворлиги нуқтаи-назаридан ёндашув ўз-ўзидан маълумки халқаро терроризмга сабаб бўлган. Энди бу иллат XXI асрнинг вабоси сифатида бутун инсониятга таҳдид солмоқда.

Бугунги халқаро терроризм XX асрдан терроризмдан тубдан фарқ қилади. Чунки у кучли харбий куроллар билангина эмас, балки тажовузкор ғоялар билан ҳам куролланган. Шу сабабли уни ер юзидан илдиз-илдизларигача қўпориб ташлаш учун унга қарши курашда турлича янги услубларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, манфаатлар устуворлигини ўзига андоза қилиб олган шовинистик гуруҳларга қарши кучли назарий ва амалий зарба берилиши керак. Чунки, тарихдан маълумки, айнан шу гуруҳлар манфаатлари устуворлиги халқаро терроризмнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Халқаро терроризм қайси ҳудудда бўлмасин шу ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий тизимига салбий таъсир қилади. Шу сабабли унинг олдини олишда ёки йўқ қилиб юборишда ҳудуддаги ўзининг майдонида эга бўлган барча давлатларда кучли ички ғоявий тизим шакллантириш керак. Яъни терроризмнинг маънавий таъсирини зарба бера оладиган миллий манфаатлар-

дан келиб чиқиб шакллантирилган ғоя бўлиши лозим. Айнан шу ғоя атрофида халқларнинг бирлашиши терроризмнинг кучсизланишига олиб келади.

Бизга маълумки, ҳозирги замон халқаро терроризми нарқобизнес, гиёҳвандлик, диний экстремизм билан бирлашиб кетган. Шу сабабли юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унга қарши кураш турлича ёндашувни талаб қилади. Нарқобизнес ва гиёҳвандликка қарши кучли қонун ёки бошқа услублар билан курашилса, экстремистик ғояларга қарши давр талаби даражасидаги ғоялар билан курашиш керак.

Тарих гувоҳлик бермоқдаки, қайси давлатларнинг ҳудудларида халқаро терроризмнинг таянч нуқталари бўлган бўлса ўша мамлакатларда тинчлик, барқарорлик бўлмаган ва бу шу мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига салбий таъсир кўрсатган. Шу сабабли Юртбошимиз И.Каримов нафақат республикамизда, балки марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ушбу муаммони бир неча йилдан буён катта минбарлардан қайта-қайта таъкидлаб келмоқда.

Ўзбекистон халқи ўз ижтимоий тараққиёт йўлини ўзи танлаб олган. Шу сабабли бундай ғаразли ин-формацион хуружлар, қандайдир манфаатлар асосида шаклланган ҳаракатларга қарши бирлик ва ҳамжиҳатликда кескин курашмоғимиз керак. Бу курашда вазият биздан албатта огоҳликни талаб этади.

Гуландом БОКИЕВА,
Ўзбекистон Олий
Мажлиси «Миллий
тикланиш»
демократик
партияси
фракцияси аъзоси
Илҳом
ДИЛМУРОДОВ,
«Миллий тикланиш»
демократик
партияси аъзоси,
доцент

Биринчи манзара ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда мактабнинг ўрни бекиёс. Зеро, ўқувчи энг зарур билимлар пойдеворини шу ерда эгаллайди, ўқиб ўрганади. Биз шу йилнинг 10 октябрь куни Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 42-мактабга ташриф буюрганимизда мазкур мактаб маъмурияти томонидан ўқувчиларнинг билим сирларини чуқур эгаллашлари йўлидаги амалга ошираётган ишлари эътиборимизни тортди.

Замонавий типда қурилган ушбу таълим масканида айни кунда 1669 нафар ўқувчиларга 70 нафар фидойи ўқитувчи таълим-тарбия бериб келишмоқда.

— Ўқувчиларнинг билим сирларини эгаллашларида, комил инсон бўлиб вояга етишишларида китобнинг ўрни бекиёс — деди суҳбатда мактабнинг илмий бўлим мудири Маҳмуд Солиев. — Шу боисдан ҳам биз ўқувчиларни ўқув дарсликлари билан тўлиқ таъминлаш йўлида ўз ички имкониятларимиздан фойдаланиш баробарида мактаб кутубхонасидан самарали фойдаланиб келаямиз. Ҳозирда кутубхонага 670 нафар ўқувчи аъзо бўлиб, улар жаҳон ва ўзбек адабларининг турли мавзудаги бадиий ва илмий асарларини мутолаа қилишлари билан бирга янги ташкил этилган "Президент асарлари" бурчагидан жой олган

тира олади. Мактаб узок бўлса, оиласи бошқа ерга кўчса...

Ҳа, бир ҳисобдан бу вақтлар ҳам ўқувчининг ўз сеvimли ўртоқларию меҳрибон муаллимларидан, илк бора қадам қўйган қадрдон мактабдан узоклаштириши мумкин. Бироқ, яна шундай бир сабаб борки, ўқувчи излаган, истаган нарсасини ушбу илм масканидан тополмаса, бу ҳолатнинг яна тақдорланиши тайин.

Ҳар қандай ота-она ўз жигаргўшасини комил инсон бўлиб вояга етишишини, эл қорига ярайдиган, она Ватанига содиқ фарзанд бўлишини орзу қилиб яшайди. Шу мақсадда фарзандини ёшлигидан ўқитади, таълим-тарбия беради. Ёшига етгач эса илм ўчоғи — мактабга, меҳрибон, билимдон ўқитувчи қўлига ишониб топширади.

Ҳар йили янги ўқув йили бошланиши олдида Зангиота туманидаги кўплаб ота-оналар ҳам ўз фарзандларини қўлларидан тутганча, хурсанд ҳолда С.Раҳимов номли 34-мактабга етаклашлари замирида ҳам худди ишонч, ўша мақсад этади. Бироқ мазкур мактаб ота-оналарнинг бу ишончини оқлай олаётими? Илмга ташна, мурғак қалбларга улар истаган меҳрни, илмни бера олишяптими? Шу ва шу каби саволларга жавоб излаб ушбу мактаб-

Мактабда учинчи соат дарслари бошланганлигини билдирувчи кўнғироқ садоларининг янграб ўтганлигига 10 минут бўлаяпти. Бироқ, бизга ўзларини 6 "В"-синф ўқувчиларимиз деб таништирган хонада бор-йўғи бармоқ билан санарли болалар дарс тинглашаётганлиги эътиборимизни тортди. Дарс ўтаётган математика фани ўқитувчисининг айтишича, ўқувчиларнинг кечикишларига сабаб бундан олдин жисмоний тарбия дарси бўлганлигида эмиш. Тўғри, балки бу ҳам ўқувчиларнинг дарсга кечикишларига қайсидир маънода сабаб бўлгандир. Лекин дарс соатининг учдан бир қисми ўтган бўлишига қарама-қарши ўқитувчи машғулотларни бошламаганлигига ажабланасан киши. Чунки бизнингча, эндиги қолган вақт мобайнида ўқитувчи ўқувчиларга на янги мавзунини тушунтира олади, на ўтилган мавзунини мустаҳкамлаб ўқувчиларга масалалар бажартира олади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг чироксиз ним қоронғу синф хонада ўтирганлигини қандай баҳолаш мумкин. Бу ҳолат аввало синф раҳбари, қолаверса, мактаб маъмуриятининг эътиборсизлигини, лоқайдлигини исботламайдими?

Комил шахсни тарбиялаш мақса-

ИЗЛАГАН ИМҚОН, ИЗЛАМАГАН БАҲОҶОНА ТОПАДИ

Юртбошимизнинг 50 дан ортик асарлари билан танишиш имкониятига эгадир.

Дарҳақиқат, ўқувчиларнинг дарслик фанларини ўзлаштиришлари баробарида бугунги дунё сахнасида бўлган воқеа ҳодисалар билан ҳам мунтазам танишиб боришлари муҳим. Шу мақсадда мактабда кўплаб тадбирлар амалга оширилиб борилаётганлиги таҳсинга лойиқ.

— Кунни кеча бутун дунёни ларзага солган АҚШдаги мудҳиш террористик ҳаракатлар—деди М.Солиев.—Бизнинг мактабимиз ўқитувчию ўқувчиларни ҳам қалқитиб юборди. Мазкур воқеа юзасидан аввало ўқитувчилар жамоаси ўртасида кенгаш ўтказилиб республикамизнинг бу вазиятга муносабати кенг таҳлил этилди ва ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Албатта, ўқитувчиларнинг, бундай тезкорлиги, ҳар бир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлиши давр талаби. Бундан ташқари мактабда "Ўлкашунослик" музейи ташкил этилганлиги ёшларнинг тарихимизни, ота-боболаримизнинг жаҳон илм-фанига қўшган хиссаларини англаш орқали ўзлигини таниш имконияти вужудга келмоқда экан. Бунинг натижасида эса мактаб ўқувчиларининг аждодларига муносабати ворис бўлиш мақсадидаги ўқиш ва изланишлари бу ишларнинг самараси, десак янглишмаймиз.

Эътиборлики, мактабда қосибчилик устахонаси ҳам очилган бўлиб, унда ўқувчилар бу хунарнинг сирасорларини эгаллайдилар. Қолаверса, мактаб илмий бўлим мудирининг таъкидлашича, ушбу устахона кам таъминланган оила фарзандларига ҳолис хизмат қилса, иккинчи томондан усталарнинг меҳнати орқали топилган маблағнинг бир қисми мактаб фондиди бойитишга йўналтирилган.

Бир сўз билан айтганда, излаган имкон топар, деганларидек, мактаб жамоасининг юрт келажаги бўлган фарзандларимизнинг камол топтириш йўлидаги, саъй-ҳаракатлари кун сайин бўй кўрсатиб бормоқда.

Иккинчи манзара НЕГА ЎҚУВЧИЛАР ЎЗГА МАКТАБГА КЕТМОҚДА?

Дарҳақиқат, нега? Ҳозиржавоб ўқувчи бу саволга кўплаб сабаб кел-

га ҳам ташриф буюрдик. Тўғриси, мактаб ҳовлисидаги кирибоқ ўқувчиларнинг чанг-тўзон кўтариб, бақирчақир билан ўйнаб юришганларини кўриб, таъбимизда бироз хира тортди. Аммо, 45 минутли дарсдан сўнг 5 дақиқа танаффус пайтида болалар хоҳлаганча ўйнаб кулиб, ҳордиқ чиқаришлари яхши-да деган андиша бизга анчайин таскин берган бўлди. Лекин ўқитувчилар хонасидаги чеккасини сичкон кемиргандек кемтик бўлиб кетган, стол устида тартибсиз ётган дарс жадвалини ўқиб таажжубимиз янада ортди. Чунки, дарс бошланиб кетганлигига 20 минутдан ошган бўлиб, боалаларнинг шовқин-сурони ҳалигача тингани йўқ эди. Бу ҳолнинг сабабини сўраб мактаб маъмурларини қидирганимизда эса на директорни, на илмий мудирини топдик. Қарангки, ҳайрият мактабда ҳар ҳолда бири-икки ўқитувчи бор экан. Улар бизга пешвоз чиқиб, мактаб директори С.Тошўжаевнинг юқори синф ўқувчилари билан пахта йиғим-теримида эканлигини билдираркан, ўқувчиларни тинчлантирган бўлиб синф хонага бир амаллаб қаматию, кўз ўнгимизда ўқувчиларнинг жим ўтиришларини тайинлаб, илмий-бўлим мудирини ахтариб ғойиб бўлди. Ҳолбуки, бундай вазиятда ўқитувчи бу юмушни бирор вақти холи ўқитувчига тайинлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, ўқитувчининг биринчи вазифаси ўқувчиларга сабоқ бериш ҳисобланади.

Мудирни кутиб ўқитувчилар хонасида ўтирар эканмиз, ўқувчилар "чанғалидан" зўрға "соғ" қолган "5 В sinf jurnal"ни кўриб, вақтинча журнал вазифасини бажараётган дафтарга ичимиз ачишиб кетди. Ахир, ўқувчилар билимини белгиловчи бу дафтарга эътиборсиз ўқувчию ўқитувчиларнинг бундай хатти-ҳаракатларини оқлаб бўлармиди? Энг ажабланишли томони шундаки, ўқитувчининг биринчи чораги якунланишига ҳам санокли кунлар қолган бир пайтда мактабда ханузгача синф журнали ва дарс жадвалининг хўжақўрсингагина тўлдирилганлигини тушуниш қийин.

Ниҳоят, илмий-бўлим мудири Абдусамат Абдуллаев кўриниш бергач, биз ўз таажжубимизни яшириб воқеалар ривожини кузатиш мақсадида у киши билан дарс жараёни кечаётган синф хона томон юрдик.

дида ҳукуматимиз томонидан таълим ислоҳотида юқори даражада эътибор берилётган айни бир пайтда С.Раҳимов номли 43-мактаб маъмуриятининг, қолаверса, туман халқ бўлими ходимларининг фарзандларимиз тақдирига бу қадар масъулиятсизлик билан ёндашишга тинчликни ҳафсаламизни пир қилди. Бироқ, балки ҳамма вақт ҳам ахвол шундайлигича кечмас, деган андишада ҳам-суҳбатимиз, мактабнинг илмий-бўлим мудири А.Абдуллаевдан мактаб ўқувчиларнинг туман, вилоят ва республика фан олимпиадаларидаги иштироки билан фикрқаннимизда у кишининг жавоби фикримизга янада ойдинлик киритди.

— Бизда ҳам иқтидорли, илмга чанқоқ ўқувчилар кўп, деди А.Абдуллаев. — Аммо уларнинг кўпчилиги юқори синфларга ўтгач, шаҳар мактабларига кетиб қолишмоқда.

Дарҳақиқат, ўқитувчи ҳақ гапни гапирди. Зеро, ўз келажагини ўйлаган ўқувчи ўзига керакли билимни уйига яқин илм ўчоғидан ололмагач, ота-онасидан, яқинларидан айрилиқда бўлса-да, ўзга, илмга бўлган ташналигини қондирадиган билим масканига ошкмайдимми? Зотан, бу тўғрида илмнинг қадрига етган ота-боболаримиз ҳам "Билимни Чиндан бўлсада қидир" дея авлодларига насихат қилганлари рост. Шундай экан, муаллимнинг бироз афсус билан айтган ушбу гапидан мамнун бўлсак арзийди. Чунки ёшларимизнинг илм истаб орттирган ташвишлари улардаги интилишни, изланишни акс эттиради.

Ҳа, бугунги кунда кўплаб толиби илмларнинг шаҳардаги, вилоят ва туман марказларида замонавий типда қад ростлаётган, барча жиҳозларга эга зиё масканларига интилаётганлиги ҳақиқат. Сабаби оддий. Дунё илм-фани бугун шиддат билан ривожланишда. У ўқувчидан ортда қолмасликни талаб қилади. Биз юқорида келтирган таълим маскани эса ўқувчиларнинг бу истак-эҳтиёжларини тўла қондира олмаётган экан. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги ривожланиш ўқитувчи гарданига улкан масъулият юклайди. Унинг изланишини ўқувчиларига замон талаблари даражасида таълим-тарбия беришини талаб қилади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
Маърифат мухбири

Истиқлол йилларида тарих фани ўқитилишига жиддий эътибор берилди. Чунинчи, бундан уч йил олдин тарих фанини янада чуқурлаштириб ўргатиш мақсадида Тошкент шаҳрида 2 та, Сурхондарё вилояти, Бухоро ва Урганч шаҳарларида 1 тадан тарих фанига ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилган эди. Шу йиллар мобайнида мазкур мактабларда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Ўқитишнинг турли усул ва услублари ишлаб чиқилди. Ўқил-қизлар илмий изланишларга жалб этила бошланди. Биргаликдаги изланишлар натижаси ўлароқ, тарих мактабларида "кичик академия", "аспирант", "илмий даража", "реферат" каби янгича терминлар ишлатилаётгани қувонарли ҳолдир.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатдики, фанлар ўртакдаги узвийлик айрим ҳолларда таъминланмаган. Ўқувчиларга археология, этнография ва ўлкашунослик соҳасини ўргатишда дарслик ва ўқув қўлланмалари йўқлиги тўғрисида айрим муаммолар ҳам пайдо бўлди. Ихтисослашган мактаблар битирувчилари билим кўрсаткичлари ҳам юқори даражада эмас, яъни тарих мактабларидан олий ўқув юрталарига кираётганлар сони 5 фоздан ошмапти. Демак, уларнинг аксарияти олий ўқув юрталарига кира олишмапти. Айримлари эса тарих соҳасини танлашмасдан шарқшунослик, юридик, дипломатия институтларига ҳужжат топширишмоқда. Тарих мактабларидаги ўқитувчилар ўқувчиларида тарих фанига тўла завқ уйғота ол-

маётирлар. Хуллас, тарих фанига ихтисослаштирилган мактаблардаги натижалар кўпчиликни қониқтирмапти. Яқинда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 9-мактабда ўтказилган "Тарих фанига ихтисослаштирилган мактабларнинг фаолияти, долзарб муаммолари"га бағишланган республика илмий-амалий семинарида ана шу каби масалалар хусусида фикр юритилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг би-

ки, деди у, институтда муаллифларга дарслик қўлёзмасининг хато ва камчиликлари рўйи-рост кўрсатилади. Аммо улар ёзган дарслигини қайта кўриб чиқишни ўзларига эп билмаётирлар. Натижада дарслик савиясига путур етмоқда.

Семинарда РТМ бўлим бошлиғи Наргиза Исмаева "Тарих фанига ихтисослаштирилган мактабларда таълим самарадорлиги ва ҳозирги кун талаби", ЎзДЖТУ кафедра мудир,

чоракликларни реферат усулида олиш, берилган вазифанинг ижросини таъминлаш, мазкур тадбирни доимий "Тарих фани" анжуманига айлантириш, ўқитувчилар масъулиятини ошириш, ўзлаштириш сифатини ойма-ой таҳлил қилиб бориш сингари таклифларни ҳам ўртага ташлашди.

Куннинг иккинчи ярмида баҳс-мунозаралар шўъба йиғилишларида ҳам давом эттирилди. Юнусобод туманидаги 9-мактаб директорининг ўқув-

Dolzarb mavzu

ҳамда "Сиёсатшунослар" клуби аъзоларининг олиб бораётган ишларига эътиборни қаратишди. Гап шундаки, улар семинар иштирокчилари ҳузурига ҳам ташриф буюришиб, ўз зукколикларини намойиш этдилар. Шу ўринда бу зукко ўқувчиларга ЎзФА Тарих институти илмий ходими Илҳомжон Жамол ҳожми амалий ёрдам бериб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиз...

Умуман, баҳс-мунозара, мулоқотлар узоқ давом этди. Ялпи йиғилишда илмий-амалий семинар тавсиялари билдирилган таклифлар асосида қайта ишлаб чиқилди. Семинар якунида тавсияларни вилоятларга ҳам етказишга келишиб олинди.

Семинар жараёни бизда ҳам баъзи бир мулоқозларни уйғотди. Назаримизда, тарих фанига ихтисослаштирилган мактаблар худди 216-мактабдагидек, ўз худудларидаги институтлар жамоеси, олимлар билан алоқаларни йўлга қўйишлари зарур. Жоиз топилса, ўзаро шартномалар ҳам тузиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина фанлараро алоқадорлик таъминланади, дарсликлар тақчиллиги, кадрлар муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ёхуд бу мактаблар жойларда худудий таянч ўқув масканларига айлана боради. Ахлуқус, тарих фанига ихтисослаштирилган мактабларга қўйилётган талаб ҳам тўла бажарилади.

Курбонбой
МАТКУРБОНОВ

ТАРИХ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛАЯПТИМИ?

ёхуд тарих фанига ихтисослаштирилган мактаблар худудий таянч ўқув масканларига айлана оладими?

ринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов юзага келган мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда тарих фанини ўқитиш самарадорлигини яхшилаш бўйича таҳлилий фикр юритар экан, мазкур фан ўқитувчилари вазифаларига ҳам батафсил тўхтади. Уларни терроризмга қарши тарғибот-ташвиқот олиб боришда фаол бўлишга, тарих фанини воқелик билан боғлаб ўтишга ундади.

Шундан сўнг сўз Ўзбекистон ФА Тарих институти директори Дилором Алимовага берилди. У институт томонидан ихтисослаштирилган мактабларга берилаётган илмий-амалий ёрдам ҳақида гапира туриб, дарслик муаллифлари масъулиятини алоҳида қайд этди. Гап шунда-

педагогика фанлари номзоди Турғун Тошпўлатов "Тарих фанини ўқитишда интеграцион дарсларни ташкил қилиш" мавзуларида маъруза қилишди. Қашқадарё вилояти Китоб тумани ХТБ методисти Абдуқоҳшор Расулов эса йиғилганларга шу тумандаги 22-мактабда тарих фани бўйича амалга оширилган илғор тажриба хусусида сўзлаб берди.

Мунозараларда сўзга чиққанлар ихтисослаштирилган мактабларни мактаб-интернат шаклида ташкил этиш, уларни етук кадрлар билан таъминлаш, тарих дарслари самарадорлигини ҳар чоракда таҳлил этиб бориш, муаммоларни баҳамжиҳатликда бартараф қилиш, тарих мактабларида

тарбия ишлари бўйича ўринбосари Муҳаббат Тўраева "Тарих дарсларини ташкил этишда илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш" (I шўъба), Бухоро шаҳридаги 6-мактаб директори Маҳмуд Исмаев "Тарих ва унга ёндош фанларни ўқитишда тасвирий санъат воситаларидан фойдаланиш" (III шўъба), Ҳамза туманидаги 216-мактаб тарих фани ўқитувчиси Мавжуда Воҳидова "Тарих ва тарихга ёндош фанларни ўқитиш жараёнида миллий истиқлол ғоясини синдирилиши" (IV шўъба) мавзуда ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди. Айниқса, иштирокчилар илғор муаллима Мавжуда Воҳидова ташаббуси билан 216-мактабда ташкил этилган "Кичик академия"

"Болалар, бугунги "жамжи ошхона" ҳамда меҳнат таълими машғулотларимизни нутқ ва тафаккурни ривожлантириш машқлари билан қўшиб олиб борамиз. Сизлар ўзларингиз тайёрлаётган нарсаларни қатнаштириб эртақ тўқийсизлар. Келишдикми? Қани бошладик!". Шундай деганича тарбиячи уйинни бошлаб берди.

Бир столга пичоқ, тахтача, қирғич, олма, узум, картошка, туз, пиез, сабзи кабилар билан бирига тугмача, қайчи, игна, ип, материал бўлаклари қўйилган столлар атрофидаги бир-бирдан ширин болалар жонланиб қолишди.

Жавоҳир ўртага чиқиб:

— Қадим-қадим замонда турна билан тулки дўст бўлган экан. Шунда тулки турнага меҳмонга чақирибди. У турнанинг олдига ёёлмаслиги учун олмани паррак-паррак қилиб кесибди-да, яси тарелкага солиб қўйибди, — деди ва айтганларини амалда қилиб кўрсатди. Турна бўлган Абдулазиз ўзича:

— Ҳали шошмай тур Тулки, сеням бир кун боғлаб тушираман, — деди ва Тулкига қараб:

— Тулқивой, энди сен эртага меникига меҳмонга бор, — деганича йўлга тушибди. У ҳовлисида сабзи қовлаётган Қизил шапкачани кўриб қолибди ва:

— Нима қилаяпсан, — дебди.

Қизил шапкача (Саодат):

— Мен касал ётган бувимга мана бу нарсалардан салат тайёрлаб бермоқчиман. Кел, менга ёрдамлашиб юбор, — деди ва иккаласи пиширилган сабзи, картошка, қизил лавлагини тўрт бурчак қилиб тўғрашди. Саодат унга майонез, туз, мурч қўшиб аралаштирди. Тайёр салатни чиройли қилиб идишга солганича Қизил шапкача билан турна йўлга тушибди, — деб давом эттирди.

Жавоҳир. Эртаққа Азиза қўшилди:

— Улар кетишадиганда турнани бир ёмон овчи отиб оёғини чўлок қилиб қўйибди. Оғриққа чидай олмай йиғлаётган турнани Қизил шапкача олиб кетаётган экан, олдидан уйча чиқиб қолибди. Уйга киришса, оппоқ кийинган кампир ўтирган экан.

Турна билан Қизил шапкача:

— Ассалому алайкум, бувижон, — дейишди.

Кампир (Азиза):

— Келинлар, мен ўзи сизларни кутаётган эдим. Қани Турнавой оёғингни боғлайлик-чи, сен эса Қизил шапкача хўв анави картошкалардан мазалигина овқат пиширин.

Қизил шапкача:

— Хўп бўлади, — деганича артилган картошкани тахтачага қўйиб тўғрай бошлади.

Бу орада эртаққа Шохрух қўшилди:

— Қизил шапкача овқат пишираётганда кампир ўтин олиб келиш учун ташқарига чиқибди ва хафа бўлиб келаётган йигитга кўзи тушибди.

Шохрух:

— Ассалому алайкум.

Кампир:

— Катта бўлинг! Нима хизмат билан келдингиз?

Шохрух:

— Мени ўғай онам уйдан ҳайдаб юборди, майлими бувижон сизникида яшасам.

Кампир:

— Майли. Фақат бир шартим бор. Менинг кўзларим кўрмай қолган. Сен менга мана бу тугмачани қадаб бер. Агар шартимни бажарсанг, сенинг айтганинг бўлади.

Шохрух:

— Хўп бўлади, бувижон, — дея кўйлакнинг узилган тугмасини қадаб бошлади.

Кампир:



— Ҳой қизим, овқатинг пишдимми? — деди.

Ёғга ташланган юпқа-юпқа картошкаларни кўзгаётган Қизил шапкача:

— Ҳозир бувижон, ҳозир, — деб қўйди.

Шохрух тугмачани қадаб кампирга олиб келди.

Кампир:

— Раҳмат, раҳмат. Бунинг эвазига ҳозир сенга "очил дастурхон"ни совға қиламан, — деди.

Бу пайтга келиб Қизил шапкачанинг картошкаси пишиган, турнанинг ҳам оёғи тузалиб кетган эди. Қизил шапкача дастурхон тўшалган столга эртаққа қатнашмаётган болалар ёрдамида нон-чойни, тайёрланган салатни, қовурилган картошкани, олма бўлақларини чиройли қилиб қўйди.

Кампир йигитга (Шохрухга):

— Мана бу "Очил дастурхон" сенга, Қизил шапкачага: мана бу кўйлак, Турнавойга: Мана бу кўза, — деди.

Улар:

— Раҳмат, — дейишди.

Бехзод чиқиб:

— Шундай қилиб ҳозир ҳам булар бахтли ҳаёт кечирар экан. Улар ҳар куни "Очил дастурхон"нинг овқатларини мазза қилиб ейишаркан, — деб атрофида ўтирган тўртала ўртоғини кўрсатганича эртақни яқунлади.

Мана шундай қилиб, янги эртақ ҳам тўқилди. Бу Чилонзор туман 89-болалар боғчаси тарбиячиси, "Йил

тарбиячиси—2000" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолибаси Наргиза Расулованинг ИМЭН - ихтиро муаммоларини ечиш назарияси бўйича нутқ ва тафаккур ривожлантириш машғулоти ошхона ҳамда меҳнат машқлари билан биргаликда ўтказган намунавий машғулоти эди. Бир вақтнинг ўзида болалар қандай қилиб ҳам фикрлаш, ҳам ошхона ва меҳнат машқларини ундай олаятти деган хаёлга ҳам боришингиз мумкин. Бу масалани бир вақтнинг ўзиде еча бўларкан. Яъни, ёш бўлса-да тажрибали тарбиячи ҳафтада икки марта "Жажжи ошхона"да болаларга пичоқни қайси қўлда, қандай ушлаш, сабзавот, меваларни турли шаклда бўлақларга бўлиш, тўғраш, тарелкаларга қўйиладиган нарсаларни қай тарзда безаш усулларининг оддий, осон ва жуда содда кўринишларини ўргатар экан. Меҳнат тарбияси машғулотларида эса болалар фақатгина қоғозли ўйинчоқлар ясаш билан чегараланмасдан, игна-ипни ушлаш, қайчини ишлатиш, тугмачалар қадаш, кўғирчоқларга кўйлақлар тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш каби вазифаларни бемалол бажаришади.

— Мана бундай ишларни қилишда гуруҳимдаги болалар катта тайёрлов ёшида бўлганлиги учун унчалик қийналишмайди. Сиз ҳозир кўрганингиздек бир ўк билан уч куёни урапмиз. Бунда бир вақтнинг ўзиде болалар ҳам қўлда, ҳам тафаккурда, ҳам ҳаракатда иш бажаришади. "Жажжи ошхона"ни ташкил қилаётганда бир оз иккилангандим. Йўқ, ёши кичикроқлар бошида қўлларини кесиб олиб, тузларни кўп қўшиб қўйишарди. Ҳозир ҳаммаси нимани қанча қўйишгача билади. Энг асосийси, болалар ушбу машғулотда ҳечам зерикмайди. Ўзимнинг ўғлим ҳам шу гуруҳда тарбияланади. Бир куни ўзи уйда қолганда помидор, бодринг, майонездан салат тайёрлабди. Еб кўрсам бирам мазалики. Ортиб қолган помидорни эртага боғчага олиб бораман деб яшириб ҳам қўйибди. Ҳа, айтгандай, машғулот учун керакли нарсаларни болаларнинг ўзлари кўтариб келишади, — дея Наргиза опа завқланганича гапириб берди.

Албатта. Мактаб остонасида турган болажонларга тарбиянинг бу кўриниши кони фойда. Чунки озгина бўлса-да, ҳосил қилинаётган кўникмалар келгусида меҳнат таълими дарсларидан қийналмаслигига, уйдаги юмушларга ҳам бефарқ бўлмаслигига, қолаверса, ўзларининг кийимларини кийиши, ёқаларини тўғрилаш, узилган тугмаларини қадаб олиш каби ишларни мустақил қила олишига катта ёрдам беради. Айниқса бу машғулотларнинг ИМЭН машғулотлари билан қўшиб олиб бораётганлиги диққатга сазовор. Натижада эса чаққон, кенг фикрли ва зийрак авлод шаклланади.

Насиба ЭРХОЛОВА

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ҳудудий(вилоят, туман, шаҳар) ташхис Маркази тўғрисида намунавий Н И З О М

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 10 октябрдаги 147-сонли буйруғи билан тасдиқланган

I. Умумий қоидалар.

1.1. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ҳудудий ташхис Маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган.

1.2. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ҳудудий ташхис Маркази (бундан кейин матнда Марказ деб юритилади) ҳар бир вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари тузилмасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, психологик-педагогик ташхис қилиш, уларнинг туғма лаёқати, касбий мойилликлари ва қобилиятларини аниқлаш, касбий ахборот ва маслаҳатлар бериш, мактабдан кейинги таълим йўналишларини тўғри танлашларида қўмаклашиш, ўқувчиларни ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш ва таълим муассасаларидаги тиббий, психологик, дефектологик хизматни яхшилаш, болаларни 6 ёшдан бошлаб мактабда ўқишлари тўғрисида хулосалар бериш, ўқувчилар ва ота-оналарга ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоий мослаштиришда психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган.

1.3. Марказ ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази Низоми ва мазкур Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади ҳамда ўзининг номи ёзилган муҳрига, штампига ва ўз лавҳасига эга бўлади.

II. Марказнинг асосий вазифалари ва иш мазмуни

Ҳудудий Марказлар ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Марказининг илмий-методик раҳбарлигида:

2.1. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига замонавий ишлаб чиқариш турлари, касблар, меҳнат бозоридagi ҳолат, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари, касблар бозорининг мазмуни ва истиқболлари, касбларга қўйиладиган талаблар тўғрисида ахборотлар ва маслаҳатлар берилишини;

ўқувчиларнинг туғма лаёқатлари ва касбий мойилликларини ҳамда ақлий қобилиятларини мунтазам равишда психологик-педагогик ташхис қилиб борилишини;

ҳар бир ўқувчи ҳақида, унинг лаёқатлари, мойилликлари, қизиқишлари, ақлий ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар банкнинг ташкил этилишини;

касб-хунарлар таснифлагичида мавжуд бўлган, шунингдек, мазкур ҳудудда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тайёрлов йўналишлари, касблари ва ихтисосликлари бўйича ахборотлар тўплалишини ва тарғибот қилинишини ташкил этади.

2.2. 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига йўналтириш бўйича умумий ўрта таълим мактабларида ташкил қилинган комиссияларнинг ишини мувофиқлаштиради ва тавсияномаларнинг тўғри берилишини назорат қилади.

2.3. Янги психологик-педагогик ташхис методикаларини тажриба синовдан ўтказишда, илмий-услубий қўлланмалар, тавсияномалар яратишда иштирок этади, Марказ ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Рес-

публика ташхис Маркази илмий Кенгаши тасдиғидан ўтган ишланмаларни амалиётга жорий қилади.

2.4. Ҳудуддаги иқтидорли болалар банкни яратади, мактаб психологлари орқали уларнинг интеллект кўрсаткичларининг динамик ривожланишини таҳлил қилиб боради.

2.5. Марказ умумий ўрта таълим муассасаларини касб-хунарга йўналтирувчи, психолог ва тиббий мутахассислар билан таъминлашида ҳудудий халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, мактаблар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади.

2.6. Марказ ўз ҳудудидagi жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни аниқлайди, улар ҳақида маълумотлар банкни яратади, мактаб жамоаси, ота-оналарга мазкур тоифадаги болаларни тегишли махсус муассасаларда таълим олишлари учун тавсия беради, уларга психологик, педагогик ва тиббий ёрдамни ташкил этади.

2.7. 6 ёшли болаларни умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфларида ўқишга етуқлигини аниқловчи мактаб комиссияларининг ишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Психологик-педагогик ташхис методикаларидан тўғри фойдаланиш ва ташхис ишларини ташкил этишда уларга амалий-услубий ёрдам беради.

2.8. Йилда бир марта ҳудуддаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказишда таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ҳамкорлигидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

2.9. Ўқувчиларнинг туғма лаёқатлари, касбий мойилликлари ва қизиқишлари бўйича касб-хунарга йўналтиришда ҳудуддаги ўқув марказлари ва мактабдан ташқари муассасалар билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради, эҳтиёжга қараб уларга маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатади.

2.10. Мазкур ҳудудда фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг турли шаклига мансуб бўлган корхоналар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, меҳнат органлари, маҳалла кўмиталари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатади.

2.12. Ҳудуддаги ташхис марказлари, умумий ўрта таълим мактабларининг касбга йўналтирувчи, психолог, дефектолог ва тиббий ходимларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ишларини ташкил этади.

III. Марказ ходимларининг масъулиятлари, ҳуқуқлари ва вазифалари.

Марказ ходимларининг таркиби психолог, касб-хунарга йўналтирувчи, дефектолог ва врачдан иборат.

3.1. Марказ раҳбари.

3.1.1. Олий маълумотли, таълим тизимида маълум тажрибага эга бўлган мутахассис бўлиб, мавжуд йўналишлардан бири: касб-хунарга йўналтирувчи ёки психолог вазифасини олиб боради. Раҳбар ушбу Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосидаги вазифа ва талабларни бажаришга масъул. У Марказ ходимларининг иш тақсмоти ва тартибини белгилайди, Марказнинг иш режасини тузади, ходимлар томонидан хизмат вазифалари тўғри бажарилишини назорат қилади. Юқори ташкилотлар учун таҳияллар ва ҳисоботлар тайёрлайди.

3.1.2. Вилоят Марказларининг раҳбарлари Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Республика Маркази томонидан, туман, шаҳар Марказларининг раҳбарлари тегишли ҳудудий халқ таълими бўлимлари томонидан тайинлана-

ди. Улар вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари Кенгашларининг аъзоси ҳисобланади ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимларига ўз ваколати доирасидаги масалалар ва муаммолар бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3.1.3. Ўз ҳудудидagi умумий ўрта ва мактабгача таълим муассасаларидаги тиббий, дефектологик, касбий, психологик ва педагогик ташхис натижаларига асосланиб берилган тавсиялар, йўлланмалар ва бошқа масалалар бўйича тушган аризалар, шикоят ва таклифларни кўриб чиқади, зарур ҳолларда тегишли муассасалардан мутахассисларни жалб этиб ҳамкорликда чоратадбирлар кўради ва таклиф қилиб беради.

3.2. Касб-хунарга йўналтирувчи.

3.2.1. Олий маълумотли, касб-хунар таълими ва касб-хунарга йўналтириш соҳасида маълум амалий тажрибага эга мутахассис бўлиб, Республика Маркази билан келишилган ҳолда вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлими томонидан тайинланади.

3.2.2. Касб-хунарга йўналтирувчи умумий ўрта таълим мактабларидаги касб-хунарга йўналтирувчи раҳбарга амалий, услубий ёрдам беради. Ҳар бир мактабга туман, шаҳар, вилоятдаги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, улардаги тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлари, турли касб-хунарлар тўғрисидаги, касб-хунарга йўналтириш хонасини жиҳозлаш, давлат, нодавлат ва бошқа турдаги корхоналар тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаб беради.

3.2.3. Умумий ўрта таълим мактабларининг академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва ўқув марказлари билан ҳамкорлигини ёритувчи шартнома лойиҳаларини, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича турли тавсияномалар ва анкеталарни тайёрлайди.

3.2.4. Мавжуд касб-хунарлар рўйхатлари ва таснифлагичлар, ҳудуддаги касблар ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёжлар бўйича маълумотлар тайёрлайди, касб-хунарга йўналтириш бўйича викториналар, суҳбатлар ўтказишнинг йўл-йўриқлари тўғрисида тавсиялар беради, 9-синфни битирувчилари бозор иқтисоди шароитида касб-хунарларни эгаллаш, рақобат ва касбий рақобат тушунчаларини ёритувчи амалий-услубий материаллар билан таъминлайди.

3.2.5. Касб-хунарлар моҳияти ҳақида ўқувчилар, ота-оналар ўртасида тарғибот ишларини тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этади, ўқувчилар билан турли касб эгалари иштирокида маъруза, суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказишда, экскурсиялар ташкил этишда услубий ёрдам кўрсатади.

3.2.6. Мактабларда касб-хунарга йўналтириш хоналари ва бурчаклари ташкил этилиши бўйича тавсиялар беради, улар фаолиятини мунтазам назорат қилади, даврий равишда ҳисобот олиб, таҳлил қилади.

3.2.7. Ҳар йили ҳудуддаги умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида "Энг яхши касбга йўналтириш хонаси" кўрик-танловини ташкил этади.

3.3. Марказ психологи.

3.3.1. Олий маълумотли психолог ёки қайта тайёрлов курсларида ўтган педагог мутахассис бўлиб, Республика ташхис Маркази билан келишилган ҳолда вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлими томонидан тайинланади.

3.3.2. Психологик-педагогик бўлимларни тарғиб қилиш, ташхис методикаларини амалиётда қўллаш ҳамда уларнинг махсус таёргарликка эга бўлмаган шахслар томонидан қўлланилишига йўл қўймаслик ва ташхис натижаларининг сир сақланишига масъулдир.

3.3.3. 6 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлик даражасини аниқлаш, махсус методикалардан тўғри фойдаланиш, психологик тўғри ва аниқ ташхис этишда амалиётчи мутахассисларга методик ёрдам беради, психологик-педагогик ташхис ишларини назорат этади.

3.3.4. 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига йўналтириш бўйича ҳудудий комиссиялар билан болаларнинг мактабга тайёрлигини белгилайдиган мактаб комиссияларига услубий ёрдам беради.

3.3.5. Ўз ҳудудидagi умумий ўрта таълим муассасалари психологлари иш фаолиятларини мувофиқлаштиради, уларнинг касбий малака оширишларини ташкил этади, психологик хизматнинг долзарб муаммоларига бағишланган семинарлар ўтказишда, янги психологик ва касбий ташхис методикаларининг психологлар томонидан мукамал ўзлаштирилишини таъминлайди.

3.3.6. "Энг яхши психологик хизмат хонаси" ва "Йилнинг мактаб психологи" кўрик-танловларини ташкил этади.

3.4. Марказ дефектолог

3.4.1. Олий маълумотли мутахассис ёки қайта тайёрлов курсларида ўқиган педагог ходим бўлиб, вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан тайинланади.

3.4.2. У дефектологик ташхис методикаларини тарғиб қилиш, қўллаш ва уларни махсус таёргарликка эга бўлмаган шахслар томонидан қўлланилишига йўл қўймаслик ва ташхис натижаларини сир сақлашга масъулдир.

3.4.3. Ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариладиган барча ишларни белгилувчи иш режасини тузади, уни вилоят тиббий-психологик-педагогик комиссияси ва халқ таълими бўлимининг йиллик иш режалари билан мувофиқлаштиради.

3.4.4. Ўз ҳудудидagi психик ёки жисмоний ривожланишида нуқсонли бор 14 ёшгача бўлган болаларни врач, психолог билан ҳамкорликда аниқлайди, ҳисобга олади ва нуқсон турига кўра тегишли муассасаларда таълим-тарбия олишига тавсиялар беради.

3.4.5. Нуқсонли болалар ва ёшлар билан касб-хунарга йўналтирувчи ва касбий тушунчалар берувчи махсус суҳбатлар ташкил этади, улар учун касб-хунар коллежларида махсус гуруҳлар очиш бўйича юқори органларга таклифлар қилинади.

3.4.6. Аниқланган нуқсонли болаларнинг ота-оналари билан уларнинг келгусидаги ҳаёт тарзини белгилаш, соғлиқни тиклаш, таълим олиш ва уларнинг касбий мойилликлари асосида ишга жойлаштириш мавзуларида маслаҳатлар беради, суҳбатлар уюштиради.

3.4.7. Ташхис хулосаларига асосланган ҳолда ривожланишида нуқсонга эга бўлган болалар, ёшларга вилоят тиббий-психологик-педагогик комиссиясида якуний ташхис қўйиш учун йўлланма беради.

3.5. Марказ врач

3.5.1. Олий маълумотли, тажрибали тиббий мутахассис бўлиб, соғлиқни сақлаш бўлими билан келишилган ҳолда халқ таълими

бўлими томонидан тайинланади.

3.5.2. Марказ врач ҳудудий шароит ҳамда болалар ва ўқувчиларнинг соғлиқ ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш бўлими билан келишиб йиллик тиббий хизмат режасини тузади.

3.5.3. Мактабларни тиббий мутахассислар (мактаб врач, стоматолог ва ҳамшираси) билан таъминланишида соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари ва мактаб раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади.

3.5.4. Мактаб тиббий ва санитария хизмати савиясини кўтариш мақсадида тегишли амалий-услубий ёрдам уюштиради.

3.5.5. Ўз ҳудудидagi умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасида жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни аниқлайди, уларни соғломлаштириш ишларини ташкил этади ва якуний ташхис қўйиш учун вилоят тиббий-педагогик-психологик комиссиясига йўлланма беради.

3.5.6. 6 ёшли болаларнинг тиббий кўригини ўз ҳудудидagi ташкил этади, комиссиянинг ишида мунтазам қатнашади, комиссияларнинг фаолиятини таҳлил этиб, якуний ҳисоботлар тайёрлайди.

3.5.7. Ота-оналар, ўқитувчилар, ёшлар ва ўсмирлар орасида ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болалар туғилишини олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради, соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғибот этади.

IV. Марказни бошқариш, молиявий ва моддий-техник таъминлаш.

4.1. Ҳудудий ташхис Марказлари фаолиятига илмий-услубий раҳбарлик ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази томонидан амалга оширилади. Вилоятлар ташхис Марказларининг раҳбарлари ва ходимлари халқ таълими бошқармасининг тавсияси ва Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Республика ташхис Маркази томонидан, туман, шаҳар ташхис Марказлари раҳбарлари ва ходимлари вилоят ташхис Маркази билан келишилган ҳолда тегишли халқ таълими бўлими томонидан тайинланади.

4.2. Марказ вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари тузилмасидаги алоҳида бўлим бўлиб, уни моддий, молиявий, кадрлар билан таъминлаш, иш самарадорлигини назорат этиш, даврий равишда ҳисоботларини тинглаш ва ташкилий раҳбарлик қилиш, шунингдек, моддий, маънавий рағбатлантириш халқ таълими бошқармаси(бўлими) томонидан амалга оширилади.

4.3. Марказ қошида психологик, касбий ва тиббий маслаҳат хоналарини ташкил этиш ва уларни зарур моддий-техника негизи, компьютер техникаси, нусха кўчириш ускуналари, бошқа турдаги алоқа воситалари ва жиҳозлар билан таъминланиши маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

4.4. Марказ ўзининг вазифаларига қўшимча равишда бажарадиган ишларини фуқаролар, ташкилот, муассаса ва айрим шахслар билан тузилган шартнома асосида хўжалик ҳисобида амалга оширади. Бундай хизматлардан тушадиган маблағлардан ўрнатилган тартибда ходимларни моддий рағбатлантириш ва Марказнинг моддий негизини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Неъматов 1941 йилнинг 22 ноябрида Бухоро шаҳрида туғилган. У тажрибали амалиётчи, филология фанлари доктори, БухДУ профессори Асқар Фуломов билан ҳамкорликда республикамиз умумтаълим мактаблари юқори синфларида расмий равишда амалга жорий қилинган V-VIII синфлар "Она тили" дастур ва дарсликлари муаллифидир.

— Ҳамид ака, биринчи ўқитувчингизни эслайсизми? Улар қайси жиҳатлари билан сизда ўчмас, илқ таассурот қолдирган?

— Бу саволнинг жавоб беришим жуда қийин. Мен беҳад бахтиёр кишиман, чунки жуда кўп мураббий ва ўқитувчилар, устозлар менда ўчмас таассурот қолдиришган. Билимга қизиқиш, сўзга яширинган маънони ўқиш, зоҳирий ва ботиний маъноларни ўқишга майл менда 6-9 ёшлигимда отам Фуломқодир Неъматуллабой Авазбойи Урганжий ўғлининг меҳмонхоналарида бўладиган қизгин бахсу мунозаралар, ҳамсахонлик, шохномахонлик, ҳофиз ва бедилхонлик, навоийхонликлар жараёнида шаклланиб кетган. Отам мусулмон одатига кўра, 4 ёш 4 ойлигимда алиф ва абجدни ўргатган эдилар. Шунинг учун илк ўқитувчиларим деб отам ва у кишининг давраларида бўлган орифларни биланаман. Улар қаторида албатта, шоиртабиат, жуда кучли хотира соҳибаси онам — Муҳаббатбону маъно Хофиз, Бедил, Навоий, Фузулий газалларида байтнинг ташқи (ишқий) ва ички (илохий) мазмунини ўқиш йўллари ўргатганлар. Бу ўқитувчилар туфайли мен зоҳирийликка берилмаслик, фаҳмга берилмаслик, ўйлаб, фикрлаб, зоҳирий замирида яширинган ботинийни очишни, фаҳмни идрок билан баҳолашни, ҳодиса остида ётган моҳиятни кўришга интилишни англадим.

Мақтаб ўқитувчиларимдан менинг қалбимда сўнмас, ўчмас из қолдирган сиймо адабиёт ўқитувчимиз, эски мактаб билан бирга Абдурауф Фитратнинг жадид мактабида таълим кўрган, яқка суҳбатларимизда соатлаб "Хамса"дан парчалар ёддан ўқийдиган, Қумушнинг Отабекка хатини сўзма-сўз айтиб берган, 1954 йилда "Тамила"нинг ислох этилган арабча нашрини, "Ўтган кунлар"нинг, "Техрони махуф"нинг лотинча нашрларини яширинча бериб ўқитган юксак билим ва заковат эгаси Амон Бакиров бўлганлар. Мақтабнинг юқори синфларида менга мен севган ва мени севган ўқитувчиларим Надежда Зенкина, Раҳмат Қосимов, Маҳди Носиров, Бўри Мирхондов, Хусайн Чўлибоев каби билимдон мураббийлар катта таъсир кўрсатдилар ва тарбия бердилар.

—Ўзбек тилига қизиқингиз, тил билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб боришингизга қандай омиллар туртки берган?

—Бу омиллардан асосийларини санаб ўтдим—отамнинг меҳмонхоналаридаги зиёлиларнинг мумтоз асарларимиз, адиллар, ғазал ва баъзан бир байтдаги битта сўз устида бўлган бахсу мунозаралар, Навоий, Низомий, Ҳофиз ёки Румийнинг бир байти устида баъзан икки-уч кеча давом этадиган мунозаралар менда болаликдаёқ адабиётга, сўзга муҳаббат уйғотган эди. Бу ерда тахминан 7-8 ёшлигимда рўй берган бир воқеа ва 1995 йилда химоя қилган шогирдларимиздан бири — Шоира Орифжонованинг "Ўзбек тилида градуонимия" мавзусидаги номзодлик диссертациясини эслаш кифоя.

Меҳмонхонадаги суҳбатлардан бирида (бу суҳбатда эсимда, Шоназар Соҳибов ва домла Халим Ибодов каби машоққлар ҳам иштирок қилган эдилар) бахс бу дунёнинг азоблари оғирми ёки у дунёда дўзах азоблари оғирми, деган мавзуда бўлди. Айримлар дўзах азоблари даҳшатларини муболағалар билан тасвирлай бошладилар. Суҳбатга Шайх Зангула аралашдилар ва бу дунё азоблари у дунё азобларидан оғирроқ экан-

лигини тушунтирдилар. Биринчи асослари, биз у дунёда Ҳаққа бу дунёдагидан кўра яқинроқ турамиз, шунинг учун азоб ҳам енгилроқ бўлади. Чунончи, дўзах ўти мусулмонга саратон куёшидек таъсир этади. Шайх фикрларини Мир Алишердан бир байт келтириш билан асосладилар:

**Бордур Навоий бекесе,
ўт ичра андоқ ким хасе,
Чун ўртадинг они басе,
қуйдурма дўзахда яно.**

Шайх шарҳладиларки, бу дунёда одам ўртанар, дўзахда эса қуяр. Ўртанмоқ сўзида маъно (ёниш, қуйиш) куймоқдан кўра кучлидир. Шунинг учун у дунё азоби (жумладан қуйиш) бу дунё азобидан (жумладан, ўртанишдан) енгилроқдир.

Шундай бир шарҳ бора-бора сўзларда маънонинг даражаланиши масаласини ўртага қўйишга, унинг тасодифий эмас, балки қонуний бир ҳол эканлигини очишга (қиёсланг: тузук-дуруст-яхши-ажойиб; кулба-хужра-хона-уй-ҳовли-қаср-сарой-қошона; гулоби-пушти-қизғиш-қизил-қирмизи-алвон), жаҳон тилшунослигида биринчилардан бўлиб ўзбек тилшунослигида даражаланиш—градуонимия масаласини қўйишга асос бўлди. Ўзбек тилшунослигида яратилган бу атама ва тушунча ҳозирги кунда рус тилшунослигига ҳам қириб борди.

Меҳмонхона



ҳодисалари тадқиқи жараёнида амалий фойдаланиш зарурлигини ўқитди. Бу суҳбат менинг ҳаётимда тарихий воқеа бўлди. Шундан сўнг мазкур мавзу бўйича шугулланишга киришдим ва расмий илмий раҳбарим сифатида академик Андрей Кононов, амалий раҳбарим сифатида Сергей Ивановлар тайинландилар.

Мен эркин дарс жадвалига ўтдим—чет тилларни ва фалсафани ўқишга катта эътибор бердим. Диалектик мантик, диалектик категорияларнинг ўзаро муносабатлари, структурал тилшунослик асослари, VIII-X асрларда жуда ривожланган араб тилшунослиги ютуқларини ўрганиш, тил ҳодисаларини турли йўл ва усуллар билан тадқиқ этиш малакаларини ҳосил қилиш мен учун ўзбек тилшунослиги олдида турган катта вазифаларни кўра олиш имконини берди ва тилшунос бўлишим-

лимимиз ривожига туб бурилиш ясади. «Давлат тили тўғрисида»ги қонун она тилимизни ўчоқ боши ва кўча-гузар, бозор-ўчар тилидан Давлат тили даражасига кўтарди.

Аслида қонун тилнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеини ҳам ўзгартира олади. Тимсолан айтганда, жангчи ёки ишчи кўлига қуролни беради. Қурол қўлда бўлсаю, ундан унумли фойдаланиш малакаси ва кўникмаси бўлмаса, бундай қуролдан ҳеч қандай фойда йўқ. Отишни билмайдиган кимсанинг қўлида милтиқ бўлгандан кўра, оддий калтак бўлган афзал. Қонун тилшунослигимиз ва методикамиз олдида ижтимоий-сиёсий мафкуравий жуда зарур масалани қўйди. Биз миллий онг қуроли — она тилимизни ҳаётимизнинг барча жаҳаларида унумли ва гўзал қўллаш, тил амалиётини кенг оммага сингдиришимиз, ҳар бир фуқарога — ёшми, қарими, ишчиси, зиёлими ким бўлмасин, тилимизнинг чексиз имкониятларини, гўзал тасвирий воситаларини, бир фикрнинг минг усулда ифода қилиш қобилиятини очиб беришимиз, улардан баҳраманд бўлишга кенг йўл очишимиз зарур эди. Шунинг учун дастлабки режада кескин бурилиш ясалди—кун тартибига она тили таълимнинг янги мақсадга — ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва ижодий фикр маҳсулини нутқга мос равишда тўғри ва раво баён қилиш малакаларини ҳосил қилишга ёрдам бериш муаммоси қўйилди. Бу ўзбек миллатининг, ўзбек миллий онгининг, ўзлигининг қайта тирилиши эди. Бу йилда миллиятнинг энг сара кучлари, бутун имкониятлари жалб этилиши зарур эди. Шунинг

тижалари биз учун она тили таълими технологияси, усули, бунда ўқувчи-ўқитувчи муносабатини белгилашда манба бўлди.

Иккинчидан, ўзбек тили грамматик қурилишининг русча талқини тилшунослигимизда 50-йилларнинг охиридан бери танқид қилиниб келинади. Лекин бундай талқинлардан воз кечишга юқорида эслатиб ўтилган "таълим тизими бир хиллиги" монелик қилиб келарди. Истиқлол шарофати билан бундай тўсиқ барҳам топди ва грамматик талқинларни туркийла имконият яратилди.

Учинчидан, Истиқлол шарофати билан миллий кадрятларга муносабат тамоман янгиланди. Миллий истиқлол гоёси, миллий гуруҳ туйғуси, ватанпарварлик ҳисси, кадрятлар, аъёнлар, динимиз, удумларимизга ҳурмат, бу йўналишда Юртбошимиз Ислам Каримовнинг кўрсатмалари дарсликлардаги ўқув материалларини янгилашда яна бир муҳим манба бўлди.

Дарслик материалларини янгилашда яна бир манбалардан бири ўзбек тилшунослигининг ифода воситалари рангбаранглиги ва ички имкониятлари ҳақида қўлга киритган ютуқларидир.

— Халқда «Ҳамма нарса ни вақт кўрсатади», деган пурмаво ҳикमत бор. Сизлар яратган дарслик ва дастурлар ҳам ана шундай ҳаёт синовидан ўтмоқда. Табиийки, вақт инсоннинг тасаввурларини, қарашларини ҳам бойитиб, кенгайтириб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, яратган дастур ва дарсликларнинг сизни қониқтирадими?

—Қаътий ва қисқа жавоб берсам, "мутлақо йўқ!". Бунинг сабаби, аввало, бу дарсликлар эски дарсликлардан позитивистик таълим усулидан когнитив таълим усулига ўтиш даври дарсликлари. Биз жуда кўп ҳолларда "орқага қараб ишлаш"га мажбур эдик. "Эски"нинг таъсири дарсликларимизда керагидан анча ортқача. Жумладан, илмий-грамматик материал. Уни яна ҳам қисқартириш зарур. Лекин ҳозир унинг мавзуде эмас. 60 йил давомида биз она тили дарсларида нуқул илмий грамматика билан шугулланиб келдик. Бирдангина ундан воз кечиш учун она тилимиз ҳақида етарли даражада тўпланган, сараланган ва ўқиш-ўрганиш жараёнига мослаштирилган ахборот банки (жамғармаси)га эга эмасмиз. Ҳозирда каттагина илмий-методик жамоа дарсликларни такомиллаштириш устида жиддий иш олиб бормоқда. 2003 йилда дарсликларнинг тузатиш ва тўлдирилган вариантларини тайёрлаш режалаштирилган.

Сўзламизни анъанавий савол—"Маърифат" ўқувчиларига истакларингиз билан якунласак.

— Муаллимларнинг ўзларига ва ўқувчиларига муносабатларини тамоман янгилашларини истар эдим. Ҳақ Таоло "Мен фарзандни ота-онадан, шогирдни устоздан устун қилиб яратман", деган экан. Ўқитувчилар шогирдлари улардан ўзиб кетиши шартлигини ва уни шунга тайёрлашлари лозимлигини ҳаммаша кўз олдиларида сақлашлари керак. Иккинчидан, тўхтаган сув жуда тез айни қолишни эсдан чиқармасликлар зарур. Ўқитувчи ҳаммаша оқар сув бўлмоғи зарур, чунки у ҳаёт—маънавий ҳаёт булоғи.

Газетхонларимиз асосан ўқитувчилар, мен уларга ҳеч қачон тўхтаб қолмасликни тиламан. Яна бир тилагим: ёшларимиз ижодий тафаккур маъшалага соҳибликни қўлларига берган истиқлолни асрашсин. Кадрятларимизни, тилимизни, ўзлигимизни қайтадан тирилтирган Миллий истиқлол гоёси ҳаммаша уларнинг ҳаётий йўллари ёритиб турсин!

Самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Фурсатдан фойдаланиб Сизни мушаррийлар номидан 60 ёшингиз билан табриқлаймиз.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ
суҳбатлашди

Ҳамид НЕЪМАТОВ:

ОЖА ТИЛИ — МИЛЛИЙ ОЖА МАЖЪАИ

Мен Ленинград университети талабаси бўлганимда адабиёт ва тил орасидаги фарқни билмас эдим. Мен учун бу иккиси бир нарса эди. Университетдагина мен тилшунослик ва адабиётшунослик фарқланганини тушуниб етдим ва тилшунос бўлишга қарор қилдим. Бунинг сабаби, шубҳасиз, шоир, таржимон, ўзбек тили билангина, файласуф ва мутафаккир Навоийнинг мафтуни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва маданият ходими, "Лисонут тайр"ни бевосита ўзбек тилидан рус тилига ўғиришга 20 йиллик умрини бағишлаган, унинг мураккаб фалсафасини рус китобхонига етказишга интилан, славянлар тери ёниб юрган пайларда ўзбеклар қанчалик мураккаб диалектик талқинларни олдинга сурганларини Европага кўз-кўз қилган фидойий олим Сергей Иванов таъсирига берилганлигим бўлди. Чунки С.Иванов суҳбати тимсолида мен отам атрофидаги орифлар суҳбатда ҳаммиша мунозара манбаи бўлган ҳодиса ва моҳият иштилофи инъикосини кўра ва сезар эдим. Университетда биринчи ўқув жараёнидан кейинги бўлган суҳбатда—устоз менга туркий тилшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослиги ҳодисалар тавсифи билан чекланиб қолганлиги, асосан, фаҳм асосида иш қўриши, шунинг учун мактабда ҳам, университетларда ҳам айни бир нарса—қуруқ грамматик ҳодисаларни зўрма-зўраки ёдлаш ҳукмронлик қилаётгани, бу мактаб болаларида тафаккур учунларини сундиришга, идрокнинг заифлашишига олиб келаётганилигини ўқитди. Фикрларини "Лисонут тайр"дан келтирилган "Қосир этди фаҳмдин идрокни (Фаҳм, зоҳирий билим идрокни қусурли, чекланган қилди)" байти билан асослаб, ўзбек тилшунослигини назарий жиҳатдан янгилаш зарурлигини, бунинг учун диалектикани чуқур ўрганиб, ундан тил

га туртки бўлди.

Лекин 70- ва 80-йилларгача менинг режаларимда мактаб дарсликлари ҳеч қачон турган эмас. Бунинг сабаблари бор эди. Биринчидан, мен ҳам, устозларим ҳам қатор илғор дидактлар (таълим назариячилари) ҳам шўро мактаби таълими оммавий саводсизликни тугатиш (ёки оммавий саводхонликни таъминлаш) мақсад, мазмун ва усули билан чекланиб қолганлигини, бу вазифалар 50-йилларга келиб бажарилишига қарамай, турғунлик қаъбият билан сақланаётганлигини, уни ўзгартаришга ҳаракат шўро тузумига қарши ҳаракат сифатида баҳолашганини жуда яхши тушунарди.

Иккинчидан, 30-йиллардан кейин шўро ҳукумати оммавий равишда бунёдкор шахс эмас, балки билимдон ижрочи керак бўлди. Жамиятга мустақил ва эркин фикрловчи шахс ортиқлик қилар эди: унга "Доим тайёр!" шioriга амал қилувчи роботлар зарур эди. Мактаб уларни етиштириб берарди. Мактаб соҳасидаги барча янгиликлар фақат мана шу йўналишда—яна ҳам яхшироқ, яна ҳам чаққонроқ роботларни, "ижрочи солдатлар"ни етиштириб чиқариш йўналишида бўлиши асосий мезон эди. Бу ҳаёт, диалектика талабларига зид сиёсат эди. Собиқ Иттифоқда қайта қуриш ҳаракати бошланиб, иктисодий, сиёсий, мафкуравий янгилаш зарурати расман тан олинган, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўзбек тилидан таълим мақсади, усули ва мазмунини янгилаш масаласини муҳокамага чиқарди. 1987-89 йилларда матбуот саҳифаларида қизгин мунозаралар бошланди. Бу орада Истиқлолга илк қадамнинг қўйилиши—1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фанимиз ва таъ-

учун Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузурида "Ўзбек тили" доимий анжумани таъсис этилди, унга барча олимлар, омилор, ўқитувчилар, таълим бошқармалари, нашриёт ходимлари, ижодкор, ташаббускор ўқитувчилар жалб қилинди. Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг энг катта байрами сифатида ҳар икки йилда ўтказиладиган бу анжуман йиғинларининг ҳар бирида мингдан ортиқ мутахассис иштирок этади, 500 тагача маъруза муҳокама қилинади, ўнлаб тавсиялар ва қўлланмалар нашр этилади, чигал муаммолар ечими биргалашиб ҳал қилинади. Ҳозирги кунгача бу анжуманнинг олти тантанали йиғини ўтказилди. Навбатдаги йиғинга эса жадал тайёргарлик бормоқда.

— Сизнинг она тили дастур ва дарсликларини янгилаш жараёнидаги ташаббускорлигингиз, фаол иштирокингиз газетхонларимизга яхши маълум. Дарсликлар муаллифи сифатида қандай манбаларга таяндингиз?

— Бу манбалар жуда кўп. Айрим харақтерлиларини санаб ўтаман. Биринчидан, Европанинг илғор давлатларида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилган 50-йиллардан кейин бу давлатларда таълимни дедуктив-позитивизм-билимдон ижрочини тайёрлашдан когнитив — онгли фикрловчи, тадбиркор шахсни тарбиялаш йўналишига ўтказиш зарурати сезилди. 60-70-йилларда Буюк Британия ва АКШда когнитив психология ва педагогика кенг ривожланди. Бу йўналишда Д.Приор, Ф.Робинсон каби инглиз ва америкалик олимларнинг қисман, академик В.Давидов, М.Львов, Л.Доблаев каби рус психолог ва дидактларнинг вербал ва муаммолар таълим йўналиши бўйича изланишлари на-

Адабиёт майдонига 60-йилларнинг иккинчи ярмида кириб келган Қалдибек оға Сейданов бугунги кунда таниқли адабиётшунос олим, таржимон ва журналист сифатида алоҳида кўзга тушган ижодкордир. У ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги ривожига, адабий-маданий алоқаларининг равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келаётган қалам соҳибидир. Шунинг учун ҳам уни дўстлик куйчиси десак, асло муболага бўлмас. Чунки у шу кунга қадар ҳар иккала халқ дўстлигини, адабий-маданий алоқаларини мадҳ этувчи "Адабий қардошлик" (1970 й.), "Мухтор Авезов ва қардош халқлар адабиёти" (1977 й.), "Адабий ҳамкорлик" (1978 й.), "Дўстлик оҳанглари" (1978 й.), "Дўстлик куйлари" (1980 й.), "Ўзбек-қозоқ ўзаро адабий алоқалари тарихидан" (1984 й.), "Ҳамза ва қардош халқлар адабиёти" (1988 й.), "Абай абадиёти" (1995 й.), "Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти" (1999 й.) каби илмий-оммабоп асарлар чоп эттириб, ўзбек-қозоқ адабиётшунослиги равнақиға ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам Қалдибек оға Сейданов ўзининг илмий излашларида ҳар иккала халқ дўстлигининг тарихий манбала-

Орағимдаги одамлар

лар ҳам бор", "Оққиз", "Каромат келин" каби бир неча насрий асарлари кенг китобхонлар томонидан алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди.

"Тақдирлар тўқнашуви" романида ҳозирги давр, яъни мустақиллик йилларидаги ўзбек ва қозоқ халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, улар орасидаги иноқлик, дўстлик, қардошлик, биродарлик алоқалари алоҳида меҳр билан ифодаланган. Асарда шу кунги ёшлар ҳаёти, гиёҳвандларнинг аянчли тақдири,

у республикаимизда қозоқ тилида чоп этилиб келаётган "Нурли жол" газетасининг бош муҳаррири сифатида ҳар иккала халқ дўстлигини мадҳ этиш билан бир қаторда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тўғрисида ҳам туркум мақолалар ёзиб, моҳир публицист сифатида танилиб келмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда туғилиб, вояга етган Қалдибек Сейданов 1964 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат Пе-



Дўстлик куйчиси

рини, илдизини алоҳида изчил билан ўрганиш баробарида "Навоий ва қозоқ адабиёти", "Навоий ва Абай", "Бир ота-она фарзандларимиз", "Мухтор Авезов ва ўзбек адабиёти" каби кўплаб асарларида икки халқ ижодкорлари ўрталаридаги дўстлик ришталарини, уларнинг ижодий ҳамкорликларини ўзбек ва қозоқ китобхонларига кенг тарғиб этиб келмоқда. Натияжада у шу кунга қадар юзлаб мақолалар чоп эттириб, ўзининг ажойиб тадқиқотчи эканлигини намояндалар этди. Унинг 12 жилдлик ўзбек Қомусида қозоқ, қирғиз халқларининг Абай, Мухтор Авезов, Сақен Сейфуллин, Тўқтағул Сотилганов, Аали Тўқомбоев, Дихон Абилов, Тахави Ахтамов, Жубон Молдағалиев каби буюк ёзувчи ва шоирлари ижодий фаолиятларини кенг ва мазмунли ёритиб берганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Қалдибек оға Сейданов ажойиб адабиётшунос олим бўлиш билан бир қаторда моҳир ёзувчи ҳамдир. Унинг "Тақдирлар тўқнашуви" романи билан "Муҳаббат машаққати", "Севмаганга суйқалма", "Она армони", "Йилиқ-йилиқ сўзласанг", "Шундай-

талабалар ҳаётидаги қизиқарли воқеалар ўз ифодасини толган.

Бундан ташқари, Қалдибек оға Сейданов шоир сифатида ҳам қатор шеърлар битиб, уларда соф муҳаббат, ҳақиқий инсонийлик, поклик, ҳалоллик масалаларини акс эттира олганлиги ҳам аҳамиятлидир.

Қалдибек оға ҳақида гап борганда, унинг таржимонлик фаолиятини ҳам тилга олмай иложимиз йўқ. Зеро, у қозоқ китобхонларига Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби ўзбек шоирларининг қатор шеърини, Одил Ёқубов, Ўткир Хошимов, Тоҳир Малик, В. Алимасов каби ёзувчиларнинг насрий асарларини қозоқ тилига таржима қилиб, қозоқ халқининг маданий мулкига айлантирган бўлса, 1960-1972 йиллари Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва маданияти кунлари муносабати билан қозоқ шоирларидан Абдулла Тожибоев, Тумонбой Молдағалиев, Қодир Мирзалиев, Қайрат Жумағалиев, Батиша Ботирбекова каби қозоқ шоирлари шеърларини ўзбек тилига ўғириб, қатор газета ва журналларда чоп эттирганлигини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Мана, сал кам 10 йилдирки,

дағогика институтини тамомлаб, шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли Тил ва Адабиёт институтининг "Адабий алоқалар" бўлимида меҳнат фаолиятини бошлаб, адабиётшунос олим Юсуф Султонов раҳбарлигида қатор йиллар давомида илмий излашлар олиб борди, сўнг қарийб 12 йил Тошкент Давлат Педагогика институтини "Қозоқ филологияси" кафедрасининг мудири, доцент лавозимларида талабаларга "Қозоқ адабиёти тарихи", "Адабиёт назарияси", "Адабиётшуносликка кириш" каби фанлардан чуқур билим берди. Айни кунда унинг шогирдлари республикаимизнинг турли шаҳар ва туманларида эл хизматидадир.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари
номзоди

Суратда: Қалдибек оға Сейданов Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевлар билан.

"Қўшиқлар ёрдамида бирдамлик"

Яқинда Республика Таълим Марказида ЮНЕСКО, ЮНФПА ва РТМ ҳамкорлигида ЮНЕСКО тасарруфидаги республикаимиз мактабларининг мусиқа ўқитувчилари ва истеъдодли ўқувчилар иштирокида "Ижтимоий маълумотларни беришда мусиқа ва қўшиқлардан фойдаланиш" мавзусидаги ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Ўқув-семинарнинг очилиш маросимида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов, ЮНФПА ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Константин Соколов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Майкл Барри Лейн, ЮНЕСКОнинг таълим тизими координатори Ребеллахоним, РТМ директори Гуландом Алимовалар сўзга чиқиб, мусиканинг инсон ҳаётидаги ўрнини қайд этдилар, ушбу соҳани таълим тизимида янада мустаҳкамлаш, расмий таълимни инновацион ёндошувлар асосида ташкил этиш, ночор болаларни қамраб олувчи бошланғич таълим бўйича муқобил тизим яратиш, муаллимлар тажриба ва кўникмаларини, маълумот алмашув доирасидаги халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида гапирдилар.

Маълумки, ЮНЕСКО фикр эркинлиги ва коммуникация имкониятларини мустаҳкамлаш, тинчлик ва бағрикенглик ҳолатларини тарғиб этишни таъминлашни ўз дастуридаги асосий вазифалар қилиб қўйган дунёдаги энг нуфузли ташкилотдир. У ўзининг бутунжаҳон таълим дастурида умуминсоний ҳаракатлар ва барча учун таълим ҳуқуқларини кафолатлайди.

Шундай экан, ЮНЕСКО тасарруфидаги республикаимиз мактабларининг асосий вазифаси ҳам унинг ҳолатларини тарғиб этиш ва унинг фаолиятидаги энг сўнгги, тезкор маълумотларни тарқатишдир.

Шунингдек, ўқув семинар қатнашчилари умумжаҳон умумий таълим ҳаракатларининг бешта расмий ҳамкорлари: ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, Жаҳон Банки фаолиятлари ҳақида, 1990 йил Таиланднинг Жомтиен шаҳрида қабул қилинган барча учун таълим (БУТ) дастури бўйича умумжаҳон декларацияси ҳақида фикр алмашдилар.

Семинарнинг иккинчи куни амалий машғулотларни ЮНЕСКО маориф тизими координатори, "Қўшиқлар ёрдамида бирдамлик" лойиҳасининг ташаббускори Ребеллахоним олиб борди. Маълумки, таълим тизимида мусиқа қучли тарбиявий воситадир, қизиқарли таълим стратегияси эса хилма-хил фольклор ва муайян мавзуга бағишланган мусиқа аъналарига бўриб тақалади, тингловчилар мусиқа ижросида жисмонан, руҳан қатнашишлари боис, маълумотларни етказишда унумли восита бўлиб хизмат қилади. Мусиқа инсонни ёмон йўللardan қайтариши, эзгуликка ундаши сабабли саломатлик масалаларида ҳам асосий роль ўйнайди ва у орқали кўплаб муаммоларни ҳал этиш ҳам мумкин эканлигини барча қатнашчилар қалбдан ҳис қилди.

"Қўшиқлар орқали бирдамлик" лойиҳаси болаларни ўз яратувчанликларини турмуш тарзини яхшилашга йўналтиришга ўргатиши боис, қатнашувчилар икки гуруҳга бўлиндилар, амалий машғулот мобайнида болалар ва катталар алоҳида ўзлари мустақил шеър ёздилар ва ўз тасаввурларидаги ижтимоий муаммоларни акс эттирдилар ва биргаликда куй яратдилар. Болаларнинг иш жараёнларини Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, композитор Ҳабибулла Раҳимов, Ўзбекистон Халқ шоири Нормурод Нарзуллаев кузатиб бордилар. Қўшиқлар ижроси ниҳоятда муваффақиятли чиққани боис Ребеллахоним кассетага ёздириб олди ва ҳаяжон билан дедикан, "яқин ўртада бизнинг лойиҳамиз асосида ўтказилади (6-11 ёшдаги болалар ўртасида) халқаро қўшиқ мусобақасида мустақил ва ўзгал Ўзбекистоннинг талантли болалари муносиб ўринни эгаллайдилар".

Ўқув-семинар сўнгида ўқитувчиларга сертификатлар, ўқувчиларга совғалар топширилди.

РТМ Услубий-таҳлилий ахборот бўлими.



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 51-ўрта мактаб таълим-тарбия соҳасида эришаётган ижобий натижалари билан тилга тушган. Бу натижаларга эришишда мактаб педагогик жамоасининг излашлари муҳим омил бўлмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга) мактаб илмий бўлим мудираси С.Қараева, директор М.Турдиева ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари В.Хусановалар иш жараёнида.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

МАКТАБНИНГ ИШОНЧЛИ ҲОМИЙСИ

Бугун кўпчилик ишбилармон, тадбиркор кишилар, миллатнинг эртасини, келажакни ўз фарзандларида, юртдошларининг жигарбандларида, деб билган маърифатли инсонлар қўлидан келганча таълим тизими ходимларига ёрдам бермоқда.

Ана шундай инсонлардан бири, Сурхондарё вилояти Сарисий туманидаги "Боғу-Бўстон" деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Носирхон ҳожи Тўрақуловдир. У киши 1999 йилдан буён тумандаги 69-умумий ўрта таълим мактабига ҳомийлик қилиб келмоқда.

Н.Тўрақуловнинг ташаббуси билан 1999 йилда 2 та синфхона қуриб берилди ва бу хоналар ўқув жихозлари билан тўлиқ таъминланди.

Бунинг учун 2 миллион

сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди.

245 нафар ўқувчи таълим оладиган бу билим даргоҳида ҳамма ўқувчилар учун арзонлаштирилган нарҳда мактаб формаси тикиб берилди. 33 нафар кам таъминланган оила фарзандларини ҳожи бобо бепул кийим-бош билан таъминлади.

2001-2002 ўқув йилининг бошида Н.Тўрақулов яна бир савоб ишга қўл урди. Мактаб учун замон талаблари асосида жиҳозланган, мактабнинг 1-9-синф ўқувчилари учун 1 тўпладан жами 100 минг сўмлик ўқув дарсликлари, янги нашр этилган бадиий ҳамда илмий китоблар билан бойитилган кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси фойдаланиш учун топширил-

ди. Маънавият ва маърифат хонаси эса Ватанимизнинг 10 йил ичида эришган ютуқлари акс эттирилган плакатлар, расмлар билан тўлдирилди.

Носирхон ҳожи Тўрақуловнинг мактаб билан ҳамкорликдаги ишлари юқоридагилар билан тугамайди. Ҳожи бобо мактаб ўқувчилари учун 2 хонали ошхона қуриб бермоқчи, ошхонада кам таъминланган оилалар фарзандларини ўз ҳисобидан бепул бир маҳал иссиқ овқат билан таъминламоқчи.

Санайверсак, "Боғу-Бўстон" деҳқон-фермер хўжалигининг 69-умумий ўрта таълим мактаби билан қилаётган ҳамкорликлари оз эмас. Бу ҳамкорликдан мактаб муаллимлари ҳам, ўқувчилар ҳам хурсанд.

Жамила ЭШОНКУЛОВА

Қадимий ва навқирон Қўқон шаҳри марказидаги замонавий ўқув биносида жойлашган Қўқон Давлат педагогика институтини нафақат Фарғона водийсида, балки республикада ҳам ўз нуфузига эга бўлган илм даргоҳларидан бири ҳисобланади. Институт энг янги ўқув жиҳозлари билан таъминланганлиги ва бу ерда малакали ўқитувчилар меҳнат қилаётганлиги билан обрў-этибор топаётир.

Куйидаги саҳифада берилаётган мақолалар ушбу институтнинг бугунги фаолияти хусусида ҳикоя қилади.

Мен, ҳозирда шу институтнинг IV курсида ўқийман. Ҳамма фанлардан баҳоларим аъло. Институтда ҳар йили ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларда уз илмий маърузаларим билан қатнашиб келмоқдам.

Республика буйича ўтказиладиган фан олимпиадаларида математика буйича иштирок этиб келаяпман. 2001 йил май ойида Тошкент шаҳрида

Менинг ўқиш ва изланишда эришаётган ютуқларимда устозларим Ш.Солиев, С.Носиров, Д.Акбаров, Ю.Жураев, М.Хантов, М.Мамажонов, У.Акбаров, С.Ҳайдарова, А.Тургунов қаби-ларнинг меҳнатлари жуда катта. Уларнинг берган уғитларига ҳаётим давомида амал қилиб, юзларини ерга қаратмасликка ҳаракат қиламан.

Келажак орзуларим — институтни тамомлагандан сунг магистратура, ас-

Инсоният тараққиётининг барча поғоналарида таълим тизимининг ҳал қилувчи асосий омили ўқитувчи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Уларни тайёрлашда эса педагогика институтлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтини ўз фаолиятини бошлаган 1931 йилда 60 нафар талаба қабул қилинган бўлиб, ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилган. Ўзбек тилида дарс берувчилар етишмаслигидан қатор фанлар таржимонлар ёрдамида ўқитилар эди.

1990-91 ўқув йилида эса талабалар сони 4605 нафарга етди. 200 ўринли институт кутубхонасининг фонди кескин ошди. Ҳамма имкониятларга эга бўлган футбол, во-



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

лейбол ўйингоҳлари, йирик спорт-соғломлаштириш комплекси, мусиқа зали талабалар хизматига.

Ҳозирга келиб институт эгаллаб турган майдонда 4 та ўқув биноси, 3 та талабалар уйи, 1 та кутубхона, спорт майдончалари мавжуд. Институтдаги 370 га яқин профессор-ўқитувчилардан 8 нафар фан доктори, 85 нафари эса фан номзодларидир. 2001 йилдан бошлаб институтдаги 9 та факультетда 15 турдаги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Барча таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва тасдиқланган дастурлар асосида ўқув жараёни ташкил қилинган.

Институтда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг касб маҳоратига, унинг ўз устида ишлаши ва малакасини оширишига боғлиқдир. Шунинг учун институтда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги 3 йил ичида 150 нафар ўқитувчи республикамиздаги нуфузли олий ўқув юртлари ва турли курсларда ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

Институтда чет эл таълим марказлари билан ҳар томонлама илмий-амалий алоқани мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Факультетлараро чет тиллар кафедраси мудири Ф.Тиллаҳўжаева бир неча мартаба Германияга сафарлари натижасида умумтаълим мактаблари учун қимматли дастур ва дарсликлар олиб келди ҳамда шулар асосида бир неча янги дарсликлар яратди. Шунингдек, Буюк Британия кенгаши билан шартнома асосида қиймати беш минг АҚШ доллари тенг бўлган ўқув адабиётлари келтирилди. Тинчлик корпуси вакилларида тўрт нафари сўнги уч йил ичида институтимизда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қирғизистон Республикасининг Ҳш Давлат университети ҳамда Тожикистон Республикасининг Хўжанд университети билан илмий ҳамкорлигимиз ҳам яхши натижа бермоқда. Сўнги вақтлар мобайнида ҳамкор-

ларимиз билан тил, адабиёт, тарих, социология, фалсафа муаммоларига бағишланган учта илмий мақолалар ва тезислар тўпламлари чоп этилди. Умумий биология кафедрасида мутахассисларимиз ўсимликлардан ноёб моддаларнинг бир неча турини ажратиб олишга муваффақ бўлишган. Уларни татбиқ этишга доир илмий ишларнинг тўлиқ матни АҚШ олимлари томонидан ҳам ўрганиб чиқилди ва мутахассисларимиз ЮНЕСКОнинг ташаккурномаси ва сертификатига сазовор бўлдилар.

Институт факультетларида талаба-ёшларга маънавий бойлигимиз бўлган миллий кадрларни, урф-одатларни, тарихимизни ўргатишга, маънавий баркамолликни шакллантиришга доир тадбирларга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ёшлар онгида Ватан, мустақилликни асраб-авайлаш, келажакка ишонч, бурч ва масъулият туйғуларини тарбияловчи "Ўзбекистон — муқаддас Ватан", "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Институтда иқтидорли талабаларни танлаб олиш учун махсус комиссия ташкил қилинган. Улар билан махсус кафедралар кўшимча машғулотлар олиб боради. Машғулотларни ўтказишга Тошкентдан етакчи олимлар таклиф қилинмоқда. Талабалар фан олимпиадаларида, нуфузли стипендиялар танловларида фаол қатнашмоқда. Иқтидорли талабаларнинг 80 фоизи институтни битиргандан сўнг ўқишни давом эттирмоқда ёки нуфузли ўқув юртларида намуна кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Институтда маркетинг бўлими ҳам ташкил қилинган бўлиб, олиб борилаётган ҳар хил хизмат турлари натижасида сўнги пайтда 750000 сўмга яқин маблағ ишланган, ундан ўқув жараёнига иқтисодий кўмаклашиш мақсадида фойдаланилди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда фундаментал илмий тадқиқот натижа-

ларини ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, юқори малакали мутахассисларни таклиф қилиб талабалар учун маърузалар ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда институт кафедралари билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда унинг институтлари ва лабораториялари ўртасида фундаментал тадқиқотларни биргаликда олиб бориш бўйича шартномалар тузилган. Жумладан, тарих-ҳуқуқшунослик факультети ЎзФА Тарих институти билан, кимё кафедраси ЎзФА ўсимлик моддалари кимёси институтининг гликозидлар кимёси лабораторияси билан, ўзбек тилшунослиги кафедраси ЎзФАнинг "Тил ва адабиёт институти" билан 2001-2005 йилларга мўлжал-

ланган илмий-амалий ҳамкорлик ҳақидаги шартномалар асосида иш олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, институтда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида дарслик ва услубий қўлланмалар яратиб, уларни таълим жараёнига тадбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бир гуруҳ олимларимиз олий ўқув юртлари учун "Ҳозирги ўзбек адабий тили" мавзуида дарслик, "Фалсафа", "Синтаксисшунослик асослари", "Мантук" фанларидан ўқув қўлланмаларини бакалавр йўналишига мослаб қайтадан яратиш билан шуғулланмоқдалар. 1999 йилдан бошлаб ўзбек тили ихтисослиги бўйича институт қошида аспирантура ташкил қилинган ва ҳозирда 9 нафар аспирант таҳсил олмоқда.

Қўқон ДПИнинг хорижий тиллар факультети АҚШнинг "Тинчлик корпуси" билан инглиз тилини мукамал ўрганишга қаратилган ўқув машғулотларини ва бошқа ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган. Бундан ташқари халқаро "ПЭРРЦА" ташкилоти билан алоқа ўрнатилиб, ушбу ташкилотдан беғараз ёрдам сифатида 10000 АҚШ доллари яқин миқдорда адабиётлар олиб келинди.

Таълим самарадорлигини оширишда амалий машғулотлар, айниқса, лаборатория дарсларининг аҳамияти катталлигини эътиборга олиб, институт ўқув лаборатория хоналарини жиҳозлашга ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Кимё, биология, география, физика, касб таълими йўналишлари бўйича лаборатория машғулотлари махсус жиҳозланган хоналарда ўтказилади. Институтда 5 та компьютер синфлари мавжуд бўлиб, замонавий ҳисоблаш техникалари билан жиҳозланган. Мазкур йилда компьютер тизими халқаро Интернет тармоғига улашиб, талаба ва ўқитувчилар ундан кенг фойдаланмоқдалар.

Иброҳим КАРИМОВ,
институт ректори,
физика-математика
фанлари доктори, профессор

УСТОЗЛАРИМДАН МИННАТДОРМАН

булиб утган II тур Республика фан олимпиадасида III уринни эгалладим.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан таъсис этилган "Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги" кўкрак нишонини билан тикдирландим ва бу менга гоят катта куч-қувват бағишлади.

Ўқиш давомида компьютер матахассислигини чуқур ургандим. Ҳозирда операторлик қилиш билан бирга купина амалий дастурларда бемалол ишлай оламан.

пирантура ва докторантураларда ўқиш ҳамда устозларим каби ёш авлодга билим беришдир.

"Функциялар назарияси" ва геометрия соҳаларида илмий изланишлар қилиб янгиликлар киритиш, Ўзбекистонда компьютер технологияси тараққий этишига уз хиссамни қўшиб, Internet тармоғида Республикамиз ютуқларини дунёга танитиш, купина илмий мақола ва китоблар ёзишни режалаштирганман.

**Ботирали
ЖАЛОЛОВ,**
институт талабаси

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга илч татбиқ этиш ва олий таълим тизимида кечаётган ислохотларни тезлаштиришда назоратнинг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун олий ўқув юртида ташкил қилинган ва кейинги 3-4 йил ичида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган "Ички назорат инспекцияси" зиммасига ўқув-тарбия жараёни устидан узлуксиз назоратни олиб бориш, олий таълимнинг долзарб масалалари ҳамда халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ва услубий кўрсатмаларини тезкорлик билан бажаришни ташкил этиш каби вазифалар юклатилган.

2000-2001 ўқув йилида ички назорат инспекцияси институт кенгаши режасига киритилган "Педагогика факультетида мутахассислик фанларини ўқитишнинг аҳоли", "Кимё-география факультети ва унинг кафедраларида давлат меъёрий ҳужжатларини бажаришнинг аҳоли", "Ўзбек тили ва адабиёти факультетида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бажарилишининг бориши ҳақида", "Тарих ва ҳуқуқшунослик факультетида мутахассислар тайёрлашнинг аҳоли", "Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда талабаларга миллий истиқлол мафқурасини сингдиришнинг

аҳоли" каби масалаларни тайёрлаб кенгаш муҳокамасига олиб чиқди.

Бундан ташқари, ёрдамчи-педагогик ходимлар фаолиятини ўрганиб, уларни ички аттестациядан ўтказди, эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас деб топилган ходимлар рўйхатини раҳбариятга тақдим этди. Инспекция аъзолари ва жалб қилинган мутахассислар иштирокида юздан ортик ўқитувчиларнинг маъруза ва амалий машғулотлари кузатилиб, таҳлил қилинди. Машғулотлар кузатилаётганда асосий эътибор дарсликнинг илмий-назарий савиясига, ўқитувчининг тайёргарлик даражаси ва педагогик маҳоратига, дарсда Президентимиз И.Каримов асарлари, нутқларидан фойдаланиш, мавзу мазмунини республикамизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларига боғлаш олиш, талаба-ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий қадриятлар ва аъналаримизга содиқлик, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва террорчиликка нафрат билан қараш туйғуларини шакллантириш масалалари қандай ҳал қилинганга қаратилмоқда, ёш ўқитувчиларга услубий маслаҳатлар берилди.

Ўқув йили давомида илғор тажрибалар ўрганилиб умумлаштириб борилди ва оммалаштиришга тақдим қилинди.

Ўқув йилининг биринчи ойида инспекция институт қошидаги педагогик лицей фаоли-

тини ўрганиш ва таҳлил қилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, лицей ўқув-тарбия ишини йилдан-йилга такомиллаштириб, дарс самарадорлигини ошириб бормоқда. Утган ўқув йилида лицейни тамомлаган ўқувчиларнинг 76 фоизи олий ўқув юртларига кирганилиги фикримизнинг далилидир.

"Соғлом авлод" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этаётган лицей жамоаси спорт соҳасида ҳам ютуқларни кўлга киритмоқда. Лицейнинг 10-синф ўқувчиси Сирожиiddин Назиров шу йил сентябрь ойида Самарқандда ёшлар ўртасида тазқиланган бўйича ўтказилган республика мусобақасида 1-ўринни эгаллаб, олтин медаль сохиби бўлган. Лазиз Аҳмедов, Мухаммад Ниёзов, Саиджон Фаниев каби ўқувчилар ҳам бокс, енгил атлетика, шахмат бўйича вилоят ва республика мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган.

Ўқув йилининг иккинчи ойи — октябрда эса, инспекция кимё-география факультети фаолиятини ўрганишга киришди.

Институтда ўқитувчилар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирга қадар рағбатлантиришга кафедра ва деканатларнинг тавсияси асос қилиб олинган бўлса, энди ўқитувчи ва ходимларни рағбатлантиришнинг янада такомиллашган, самарали ва одил усулини кўллашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ҳар

бир ўқитувчи, кафедра мудири, декан фаолиятида йигирмадан ортик кўрсаткичлар бўйича рейтинг баалари қўйилади. Ўқитувчи максимал балнинг 70 фоиздан ортигини тўплай олсагина, у рағбатлантиришга тавсия этилади. Бу усул сўзсиз ўқитувчининг янада самарали меҳнат қилишга ундайди. Ўқитувчилар меҳнати сифатини рейтинг тизимида баҳолаб бориш ҳам назорат инспекцияси зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 29 августдаги 207-сонли буйруғи билан ички назорат инспекцияси "Ички назорат ва мониторинг бўлими"га айлантирилди. Бу эса бизнинг олдимишга янада улкан вазифаларни қўяди. Бўлимимиз институт фаолиятининг барча соҳалари бўйича ички назоратни йўлга қўйиш билан бирга, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг мониторингини амалга ошириш лозим. Бу олий таълим ислохоти жараёнида юз бераётган янгиликларни ўрганиш, тўплаш, умумлаштириш ва институт ҳаётига тадбиқ этиш, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш бўйича таҳлилий материалларни текшириш, натижада аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш бўйича аниқ таклифларни илмий кенгашга олиб чиқиш ёки институт раҳбариятига ўз вақтида тақдим қилишликни тақозо этади.

Н.ЁҚУБОВ,
институт ички назорат ва
мониторинг бўлими бошлиғи

**НАЗОРАТ-ДАВР
ТАЛАБИ**

ЗўРАКИ ТАРЖИМАДАН НЕ НАФ?

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг миллий ғурурини тиклаш йўлида қўйилган қутлуғ қадамлардан бири бўлди.

Ўзбек тилини русча сўзлардан тозалаш мақсадида бир неча идора ва ташкилотлар, ёзувчи ва олимлар томонидан салмоқли, хайрли ва баракали меҳнат қилиндики, буни тан олмай иложимиз йўқ ва офаринлар айтамыз. «Вилоят», «туман», «жумҳурият», «истиклол», «хуррият», «ширкат», «муҳандис», «нозир» каби ота-боболаримиз ишлатиб келган анъанавий сўзлар тилимизга қайта кириб келди. Шу аснода баъзи шошма-шошарликларга ҳам йўл қўйилди деган фикрдамиз. Чунки ўзбек тилига оид бўлмаган бир қанча сўзлар зўрма-зўраки равишда тиқиштирилдики, бу сўзлар халқ тилига сингиб кетмади, ёки бошқача қилиб айтганда, халқ қабул қилмади. Масалан: «ноҳия», «муҳосиб» — (бухгалтерия), «ҳаким», «олийгоҳ», «куллийёт», «тайёра», «тайёрагоҳ» каби сўзлар.

Бизнинг фикри ожизимизга кўра, баъзи бир байналми-

Fikr

лал сўзлар бизга рус тили орқали кириб келган бўлиб, (ҳа, айнан рус тили орқали, чунки бошқа тилларни олимлар билса ҳам олдий халқ билмаган, тил эса олимларники эмас, балки халқникидир), баъзилари русча маъно берса-да, аслида байналмидал сўзлардир. «Институт», «факультет», «лицей», «академия», «аэропорт», «офицер», «самолёт» сўзлари ўз ҳолича қолгани маъқул деб ҳисоблаймиз. Нега деганда, биринчидан «велосипед», «помидор», «шифер», «картошка», «капитан», «банк», «мотор», «кран» каби сўзлар ўз аслида қоляпти ва уларни таржима қилишга ҳожат йўқлигини ўзингиз ҳам билиб турибсиз. Иккинчидан, уларни таржима қиламиз деб арабча ёки форсча сўзларнинг мазмунига пугур етказмаслигимиз керак. Учинчидан, ўқувчи ёшлар ўз тушунчаларини аввал араб ёки форс тилига буриб, сўнгра илм ошиб бориши жараёнида, юқоридаги сўзларни лугат ёрдамида ўрганиб, бир ишни икки қарра бажариб, оворай сарсон бўлиб юрмасин, деган фикрдамиз.

Колаверса, «нафақахўр» сўзи бироз гализ бўлиб, назаримизда, қилиб қўйган меҳнати учун нафақа олаётган шахсни бир қадар пастга уришдек туюлади. Чунки «хўр» сўзи тожик-форс тилида «емоқ» маъносини беради ва одатда «нохўр», «текинхўр», «арақхўр», «ҳаромхўр», «порахўр» каби нафрат ва жirkanлишни ифодаловчи сўзларда ишлатилади. Нафақахўр сўзи ҳам шу сўзларнинг бири бўлиб қолаётгандай, назаримизда. Пенсияга эришганларнинг маъқул эмаслигини?

Эҳтимол, баъзи фикрларимиз мунозаралидир? Нима бўлганда ҳам ниятимиз ҳолис: тилимиз тоза, бой, сермазмун ва ширали бўлишининг тарафдоримиз.

А.МАМАСОЛИЕВ,
Зарбдор туманидаги
иктидорли болалар
лицейининг рус тили
ва адабиёти ўқитувчиси

Ўрин-жой номлари (топонимлар)га қонунда ва унинг 1995 йил 21 декабрда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган ҳолда тасдиқланган янги тахрирдаги нусхасида ҳам алоҳида моддалар ажратилган. Уларда барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланиши ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши, улар давлат тилида ёзилиши белгилаб қўйилган. Оммавий ахборот воситалари орқали ўрин-жой номларининг аталиши, ёзилиши ва қўлланиши билан боғлиқ жуда кўп танқидий чиқишлардан сўнг бу борада ҳам сустроқ бўлса-да, анчагина ишлар қилинди. Уларни амалга оширишда, айниқса, 1996 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарор муҳим аҳамият касб этди. Ўрин-жой номларига алоҳида эътибор қаратилишининг сабаби жой номлари — бу халқнинг, миллатнинг ва давлатнинг юзини кўрсатадиган, шу номлар орқали жуда катта тасаввурга эга бўлиш имконини берадиган, бу билан республика фуқароси қалбида ғурур ҳамда ифтихор туйғусини уйғотадиган, чет элликларда эса ўзлари таъриф буюрган давлатнинг бой тарихи ва қудратига ҳурмат ва ҳайрат туйғусини уйғотадиган таъсирчан воситадир.

Эндиликда биз республикамиз ҳудуди бўйлаб юрганамизда шўролар сиёсатини мустаҳкамлашга хизмат қилган номларга эмас, балки ўзимизнинг мустақил ватанимизни дунёга танитадиган, миллатимизнинг кўркини намоен қиладиган номларга кўзимиз тушади ва албатта, бундан чексиз қувонамиз. Лекин кейинги пайтларда қонундан четга чиқиш ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймак деганларидек, айрим юқори ташкилот ва идораларда рус тилига қайтиш бошланди. Уларда расмий-идоравий ишлардан тортиб фуқаролар

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун гарии мустақилликка эришимиздан бироз илгарироқ қабул қилинган ва маълум маънода ўша давр руҳига мажбуран маслаштирилган бўлса-да, кейинроқ қайтадан, тақомиллашган ҳолда тасдиқланди ва бу камчиликдан ҳалос бўлди. Бундан кўринадик, қонунлар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар тўғрисида тобора тақомиллашиб боради. Бунда давлатнинг роли бағоят катта, яъни давлат тили миллатни бирлаштирувчи, давлатни ҳимоя қилувчи муҳим воситалардан саналади, шунинг учун у давлат ҳимоясида туради.

Тўғри, ҳар бир соҳада миллий, маҳаллий ва тарихий анъаналаримиз тиклангани ва уларнинг ўзбекона аталаётгани кишини қувонтиради. Лекин асосий вазифа уларга маҳлиё бўлиб, бепарволикка берилмаслик, эришилган ютуқ ва муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ва тақомиллаштиришда. Жумладан, ўтган ўқув йилидан бошлаб барча олий ўқув юртларида ўзбек тилидан давлат аттестациясини ўтказиш жорий қилингани ҳукуматимизнинг давлат тилини ўз ҳимоясига олгани ва унинг равнақи учун тинмай гамхурлик қилаётганидан нишондир.

Ўтган йиллар мобайнида эришилган оламшумул ютуқлардан энг муҳими тилимизнинг жаҳон миқёсида танилиб, ўзга халқлар диққатини жалб этгани, хорижий давлат фуқаролари томонидан иштиёқ билан ўрганилишидир. Талай хорижликларнинг 2-3 ой мобайнида ўзбек тилини ўрганиб олаётганига ўзимиз гувоҳимиз. Масалан, япониялик ёш оlima Ая Сузуки хоним соф ўзбек тилида берган телесуҳбатида икки йилда ўзбек тилини мукамал ўрга-

билан бўладиган оғзаки мулоқотларга рус тилида юритилаётгани кузатишмоқда. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмаётгани эса не машаққатлар билан етишган қонунимизни ҳурмат қилмасликдан бошқа нарса эмас. Зотан тил ҳақидаги қонундан ташқари давлатимизнинг асосий қонуни — Конституциянинг 4-моддасида ҳам «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», — деб белгилаб қўйилган. Мана шунга суянсақ, орқа қилсақ бизни ҳимоя қилдиган, республикада яшовчи барча фуқаролар сўзсиз бўйсунушлари лозим бўлган қонунларимиз бўла туриб ўз тилимиз эмас, рус тилини қўллаш ҳамон давом этаётганига ўзимиз ҳам айбдоримиз. Илгарилари буни тушуниш мумкин эди.

Яқинда равиш туркумини ўтдим ва шу тоифага мансуб сўзлардан мисоллар келтирдим. «Хиёл» деган сўзни айтганимда бирорта ҳам талаба бу сўзни тушунмади ва биринчи бор эшитаётганликларини айтишди. Мен «хиёл»нинг маънодошлари — «сал», «озгина», «пича» каби сўзларни келтирдим ва «хиёл» сўзи гарчи арабий бўлса-да, узоқ асрлардан бери тилимизда ишлатилиб, унинг луғат қатламига сингиб кетганини, бадий адабиётда ва оғзаки нутқда кўп қўлланишини таъкидлаб ўтдим. Лекин бу ҳол тиллар ўқитишга ихтисослашган университетнинг учинчи босқич ўзбек гуруҳида ўқиётган талабалар орасида бўлганидан жуда афсусландим.

Талабаларга мен тез-тез А.Қаҳ-

Мен пойтахтимиздаги энг кўзга кўринган нуфузли мактаблардан бири 24-мактабда тахсил олганман. Бизга 5-синфдан бошлаб она тили ва адабиёт фанидан Ғофир Азимов сабоқ берган. У биринчи дарсида бизга А.Ориповнинг «Она тилимга» шеърини ўқиб берган ва дафтаримизнинг илк саҳифасига ёздирган ҳамда ёд олишимизни тайинлаган. Шеър она тили билан фахрланиш, уни асраш руҳида ёзилган эди. Шеърни мен ўша кунгидек ёдлаб олган эдим ва ҳануз хотирамда.

Домлаимиз бизга доимо «азизим» деб мууроаат қилардилар. Кейин билсақ, у ҳамма инсонларга нисбатан меҳр билан бу сўзни қўллар экан. Ҳозирда Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» телеканалори қалби намойиш этиладиган «Азизим» кўрсатувининг бошловчиси Умида Усмонова ўзининг муаллифлик кўрсатувининг номини оталари хотирасига бағишлаб, уларнинг гўзал лутфлари билан «Азизим» деб атаган.

Буларни эслашдан мақсадим, инсонлар қалбида барча эзуликларга, шу жумладан, она тилига муҳаббат, ҳурмат туйғусини ҳам жуда ёшлиқда уйғотиш керак экан. Бу биз ўқитувчиларнинг, келажақда ўқитувчилик касбинини эгаллайдиган талабаларнинг ва ота-оналарнинг бурчидир.

Тилимизни асрайлик, авайлайлик, унинг учун жон қуйдирайлик, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни турмушга татбиқ этишда барчамиз фаол бўлайлик, ундан чекинмишга, четга чиқишга йўл қўймайлик.

Президентимизнинг: «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки у — халқнинг хоҳиш-иродаси. Уни бузган, менсиманган одам халқ юзига оёқ қўйган кишидир», деган гапларини унутмайлик. Давлат тили мақомини олган ўзбек тилимиз келгусида халқроқ даражага ҳам эришиши учун курашайлик.

Мунира ШАРИПОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети
ўзбек тили кафедраси
ўқитувчиси

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳозирги шароитда биздан фақат озгина эътибор, масъулият ва ҳаракат талаб қилинмоқда, холос.

Баъзан талабалар орасида ҳам ўзбек тилига нописандлик билан қаровчилар йўқ эмаслиги маълум бўлиб қолади. Улар хорижий тилларни ўрганишга аҳамият берадилару, аммо ўз она тиллари — ўзбек тилини иккинчи даражага қўядилар. Ҳолбуки, ҳар қандай ғайри тилни ўрганиш она тили асосида бўлишини улар яхши тушунмайдилар. Юртбошимиз И.А.Каримов бир нутқларида шундай деган эди: «Аммо шунга алоҳида ургу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим».

Айрим талабаларнинг сўз бўйликлари ниҳоятда қашшоқлиги, нўқ маданиятига эътиборсизликлари, бадий асарлар ўқимасликлари, ўзбек мумтоз адабиёти намуналаридан беҳабарликлари жуда ачинар-

хорнинг бир гапларини эслатиб турарман. Атоқли ёзувчимизнинг бундан ўттиз беш йил муқаддам собиқ Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти талабалари билан учрашувлари ўтказилган экан. Ўша кечада ҳассос адибимиз институт талабаларига қарата шундай деган эканлар: «Сизлар ҳар қаердан келгансизлар. Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингизга чет тиллар билан бирга (балки биринчи навбатда) ўз она тилимиз — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб бориңлар. Ўзбек тили гоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғунини ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатиңлар; қаерда ва қандай шароитда ишланмаңлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлиңлар».

ниб, ҳамкорликда ўзбекча-японча лугат яратганини маълум қилди. Бир неча хорижлик олимларнинг, жумладан, немис олимиси Ингеборг Балдауф, француз олимиси Шантал Лемерсье-Келкежеларнинг Тошкентта ташриф буюриши, халқроқ анжуманда ўзбек тилида яқин ўтмишимиз ҳақида илмий маъруза қилишгани ҳам кўпчиликка аён. 2000-2001 ўқув йилида Украинанинг Т.Шевченко номи Миллий университетиде махсус ўзбек тили гуруҳи очилиб, танловда бир ўринга 4 тадан ариза тушгани ҳам диққатга сазовор.

садир. Жумладан, ёшларнинг кичкинтойлар ўртасида ўтказиладиган «Олтин тож» телемусобақаси бунинг далилидир. Лекин сир эмаски, кейинги йилларда Қонун талабаларидан чекиниш ҳоллари ҳам кўзга ташланмоқда. Дарвоқе, таржима учун етуқ мутахассис таржимонлар ҳам керак, акс ҳолда турли муаммолар тугилавради. Масалан, илм-фан етакчиларидан булган Олий аттестация комиссияси берган бир ҳужжатда «ОАК ...ни профессор илмий унвонида тасдиқлади», дейилади. Куринадик, бу жумла русчадан

Шунингдек, юқоридаги ҳужжатда миллий, адабиёт сўзлари миллий, адабиёт шаклларида ёзилибди. Бундай таржима давлат тилининг амалий қўлланишига тўсиқдир.

Фаргона давлат университети қонуннинг 11 йиллиги муносабати билан 2000 йил 18-19 октябрь кунлари тил ва адабиёт ўқитиш масалаларига бағишлаб ўтказиладиган республика илмий-назарий анжуманига «Приглашаем участвовать...» сўзлари билан бошланган таклифнома йўллаган эди.

Сўзсиз, қонун ижросининг амалий кўринишларидан бири ўрин-

БЕПАРВОЛИККА

Булар Президентимиз И.Каримов айтган қўйидаги фикрларнинг амалий кўринишидир: «Амир Темурни бутун дунё танийди, энди унинг халқи, тилини ҳам жаҳон танисин» («Маърифат», 1999, 7 август). Ҳа, ўзбек тили ҳуснияларини яхши билган машҳур туркийшунос олим Ю.Д.Дешпериев собиқ шўро давридаёқ қўйидаги сўзларни бекорга айтмаган эди: «Ўзбек тили нисбатан қисқа вақт ичида кишилик жамияти маданияти, моддий ва маънавий тараққиётининг энг муҳим ютуқларини муайян даражада акс эттирувчи дунёдаги санокли тилларнинг бирига айланди».

Юқорида келтирилган далиллар хорижда мустақиллигимиз сўзсиз тан олинганининг амалий кўриниши, тилимизга, халқимизга, давлатимизга ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Айни чоғда давлат тилига қизиқиш русийзабон маҳаллий ёшларда ҳам орта бораётгани қувончли ҳоди-

сўзма-сўз таржимадир. Аслида ўзбекчаси «ОАК ...га профессор илмий унвонини берди» ёки «ОАК томонидан ...га профессор илмий унвони берилди» тарзида бўлади.



жой номларининг ёзилишидир. Қонунда ўрин-жой, яъни топонимик объект номларининг биргана давлат тилида ёзилиши қайта-қайта таъкидланганига қарамай, амалда кўпроқ 2, ҳатто 3 тилда ёзилган лавҳаларни, республика ҳудудида ҳамон шўро даврини эслатувчи Спутник қўргони, «Водная», «Прикарпатская», «Заводская», «Экскаваторная», «Фабричная» каби кўча номлари, ТАПО им. В.Чкалова каби жой номлари мавжудлигини кўрамыз. Вазирлар Маҳкамасининг ўрин-жой номларини тартибга солиш тўғрисида 1996 йил 31 майда чиқарган 203-сон қарориде Қонун ижросидаги оқша сабаблари шундай изоҳланган эди: «Булар истиқлол мазмун-моҳиятини тушунмасликдан, миллий мафкура ва миллий ғурур сустлигидан, баъзан эса масъулиятсизлик ва лоқайдликдан келиб чиқмоқда».

Пойтахтимизнинг янги қиёфа касб этаётгани маълум, айниқса,

ЖАНОБ ПИЙЧ ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДА

Ушбу йилнинг сентябрь ойида Олмоннинг Мюнхен шаҳридаги Украин Озод Университети профессори, унтадан куп тилларни биладиган диншунос, тилшунос ва файласуф олим жаноб Пийч Ўзбекистонда меҳмон будди. Мана шу қисқа муддатли ташриф мобайнида профессор Роланд Пийч Ўзбекистон Ислам университетида ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг олмон филологияси факультетида маърузалар қилди, республикамиз фуқаролари, илм аҳли, шунингдек, юртимиз билан яқиндан танишди. Жаноб Пийч китоб дуконларига бориб, ўзбек тилини ўрганишга оид китоблар харид қилиш нияти борлигини билдирган экан. Мен меҳмонни Чорсу яқинидаги ва Алишер Навоий кучасидаги китоб дуконларига олиб бордим. У китоб дуконларидан узига маъқул бўлган айрим китобларни харид қилди.

“Мен тилларни ўрганишим жараёнида, худди дам олаётгандай бўлман”, — деди суҳбатдошим Алишер Навоий кучаси бўйлаб қайтаётганимизда. Йул-йўлакка жаноб Пийч билан цирк биноси ва Ўзбекистон Миллий Академик драма театри ёнидан ўтдик. Жаноб Пийч уларни куздан кечириб, эсадик учун суратга туширди. “Ўзбек тилини ўрганишга Ўзбекистонга келишимдан бир оз олдин киришганман. Ўзбекча сўзларнинг маъноларини, тил грамматикасини озгина биламан холос. Аммо, ҳозирча ўзбек тилини ўзбеклар билан эркин мулоқот қила оладиган даражада эгаллашганим йўқ. Мабоодо, “Ўзбекистонга яна келадиган бўлсам, ўзбеклар билан ўзбек тилида сузлашишни хоҳлайман”, — деди жаноб Пийч қатъий оҳангда. Кейинги суҳбатларимиз чоғида у ўз она (олмон-

ча) тилидан ташқари, инглиз, италиян, япон, араб, украин ва ҳоказо тилларни, шунингдек, рус тилини ҳам яхши билишидан хабардор булдим. Натижада, профессор Пийчга, — “Сиз бошқа тиллар қатори рус тилини ҳам биларкансиз, ўзбеклар билан фикр алмашишингиз учун, мана шу тилини билишингиз кифоя эмасми?” — дея савол бердим. Жаноб Пийч жавоб сифатида шундай деди: “Тил — маданият. Тегинли тилни билмайдиган киши шу тилда сузлашувчиларнинг миллий ва маънавий қадриятларининг моҳиятини атрофлича англай олмайди. Масалан, бурунги замонларда, Австрия ҳукмдорлари бирор бир мамлакатта ўз вакиллари юбормоқчи бўлсалар, албатта ўша вакил ўзга юрликлар тилини билиши, маданияти билан яқиндан таниш бўлиши шарт ҳисобланган. Ҳатто бундай вакил ўзга юрликлар тилидаги бир ёки бир нечта китобни ўқиб чиққан бўлиши ҳам талаб қилинган. Айни пайтда халқаро муносабатларга оид бундай ҳол бутунлай ўзгарган демоқчи эмасман. Бироқ бу масалага эътибор аввалгига нисбатан бир оз сусайган бўлса, ажаб эмас. Албатта, рус тили орқали мен ўзбекистонликлар билан муайян даражада мулоқот қила олишим мумкин. Бироқ бу тил орқали мен ўзбек тилидаги газета, журнал ёки китобни ўқий олмайман, бу ердаги телекурсулар пайтида гап нима ҳақида кетаётганини ҳам англай олмаслигим табиий”.

Мен Берлиндаги ўзбек тили мутахассислари — Озод Университетининг туркшунослик институти (факультети) доценти Зигрид Клайнмихел ва Хумболдт Университетининг Урта Осиё ва Исламшунослик институти профессори Ингеборг Балдауф ҳақида оғиз очганимда, суҳбатдошим



улар ҳақида куп марта эшитганини, ҳатто ўзи Клайнмихел хоним томонидан тайёрланган ўзбек тили дарслигига эга эканлигини, ўзбекчани дастлаб айнан шу китобдан ўрганишга бошлаганини маълум қилди. Шу пайт бир воқеа беихтиёр ёдимга тушди: XX аср эллигинчи йилларнинг урталарида Москвада ўтказилган ёзувчиларнинг халқаро анжуманида бир хорижлик адиб сузга чиқиб, жаҳон миқёсида бешта романчилик мактабини библиши, улар инглиз, олмон, француз, рус ҳамда Абдулла Қодирий асос солган ўзбек романчилик мактаблари эканлиги ҳақида зур ҳаяжон билан гапирган экан. Бинобарин, биз роман яратоладиган адибларимиз борлиги билангина эмас, балки уни яратиш имконини бера оладиган тилимиз борлиги билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Олмон тилшуноси Макс Мюллер, “Туркий тиллар шу қадар мукамал ва қондалари ҳам шу даражада

қийиндирки, бу тилларни гуё лисоният олимлари вужудга келтиргандек”, деган экан. Жумладан, ўзбек туркий тили ҳам бошқа ҳар қандай тил сингари лисоният олимлари, яъни, тилшунослар томонидан яратилган эмас. Бироқ айни пайтда унга тилшуносларимиз қумаги албатта керак. Шу нуқтаи назардан республикамизнинг қўлаб тилшунос олимлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ишончим комилки, ўзбек тилининг тарих тўзонлари таъсирида хиралашган асл қиёфаси тикланавергани сайин, унинг олмон профессори Роланд Пийч каби дуствари сафи тобора қўлаб кўрилади. Зеро, бундан роппа-роса беш аср илгари бобомиз Алишер Навоий томонидан олам аҳлига куз-куз қилинган ўзбек тили алоҳида ҳурмату эътиборга ва меҳр билан ўрганишга лойиқдир.

Одилжон САФАРОВ

ҳашаматли осмонупар биноларни ҳавас билан томоша қиласиз. Улар шахримиз кўркига кўрк қўшиб турибди ва албатта, келгуси авлодларга мустақиллик давридан меъморий ёдгорлик бўлиб қолади. Аммо шундай иморатлар тепасида турган ягона инглизча NBU ёзувларига нима дейсиз. Ахир, бу инглиз тилида иш юритувчи хорижий давлатлар ҳолатини акс эттирмайдими? “Intraoil”, “Kay-Kay International” (ёқилғи қуйиш шахобчалари), “Billiard Club”, “Dental Clinic” каби жой номлари ҳам пайдо бўлаёттир.

ланди. Шунингдек, “Золотое кольцо”, “Экстра”, “Sun Wine” каби ичимлик ёки “Оазис”, “Учкудук” сувларининг ёрлиқлари ҳам рус тилида ёки инглиз ва рус тилида тайёрланган. Сижжак қишлоғи номи билан аталган “Sizjak” ичимлиги ёрлиғи эса фақат инглиз тилида “безатилган”. Баъзиларнинг бу ҳодисани оқлаш учун келтирган сабаби давлат тилини четлаб ўтиш учун баҳона, холос.

Демоқчимизки, инглиз ва рус тиллари БМТнинг расмий тилларидан, уларда сузлашувчилар сонини ҳам, халқаро миқёсдаги сал-

ган суз ва атамалар олингани маъқул. Ёки турли хилдаги айрим савдо нуқталарида “Fast-food”, “Tashkent-Fast city”, иш вақтининг кўрсатувчи “ореп-открыто” кабиларини ҳам бирор мажбур қилиб ёздирмаган бўлса керак, уларда хизмат қилувчилар эса ўзимизнинг уғил-қизлар. Теннис буйича “Америка очик чемпионати” деб хабар берилгани ҳолда, ўзимизда ўтказилган шундай чемпионатни “Tashkent-open 2000” деймиз.

Давлат тилини ўрганиш ва кент

салан, биргина Маҳмуд сузининг қўшимча равишда Маҳмуд, Mahmud, Makhmud шаклларида ёзилиши кузатилади. Бунга сабаб бир-бирига ўхшашган турли тилларга хос миллий хусусиятларнинг узаро туқнаш келиб қолишидир. Дейлик, ўзбек тилига хос ж (портловчи товуш), ў, қ, г, х товуш (харфли) номларини инглиз ва рус тилларида аниқ акс эттириб бўладими, боз устига, биз ҳозир 4 хил — инглиз, рус, янги ўзбек ва кириллица асосидаги мавжуд ўзбек алифболарида фойдаланаётган булсак! Расмий ҳужжатларда хато бўлмаслиги учун ҳар бир идорада 3 та тил ва 4 хил ёзувни мукамал биладиган ходимлар етарлича бўлиши керак. Аён бўладики, куп тили расмий ҳужжатлар савдохонликка путур етказиши мумкин, чунки улар, айниқса, савдохонлиги юқори бўлмаган ва дунёқарашли шаклланиб улгурмаган ёшлар онгига тез таъсир қилади, шунинг учун бола ёшлиқдан оқ давлат тилини ҳар соҳада ҳис қилмоғи керак. Бунинг учун барча ўқув қуроллари, тегинли ҳужжатлар ягона давлат тилида ёзилиши лозим. Халқнинг оммавий савдохонлиги азалдан она тили ва ягона ёзув асосида белгилашиб келган.

2005 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат идоралари ва барча корхоналарда фақат давлат тили амал қилиши лозимлигини ҳамма англаши лозим. Афсуски, ҳозирнинг ўзидаёқ Қонунин эсдан чиқарган, ҳатто уни билмайдиганлар топилади. Давлат идораларида иш юритувчи раҳбарлар ва халққа бевосита хизмат қилувчи шахсларнинг Қонун устуворлигига сўзсиз амал қилишлари она тилимизнинг обрў-эътибори янада ошишида гоётада аҳамиятлидир.

2005 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат идоралари ва барча корхоналарда фақат давлат тили амал қилиши лозимлигини ҳамма англаши лозим. Афсуски, ҳозирнинг ўзидаёқ Қонунин эсдан чиқарган, ҳатто уни билмайдиганлар топилади. Давлат идораларида иш юритувчи раҳбарлар ва халққа бевосита хизмат қилувчи шахсларнинг Қонун устуворлигига сўзсиз амал қилишлари она тилимизнинг обрў-эътибори янада ошишида гоётада аҳамиятлидир.

А.МАМАТОВ
доцент, филология фанлари
номзоди

Хиндистонда 1652 тил ва шева мавжуд экан. Ўрта мактабларда ўқиш 61 тилда олиб борилади. Хиндистон Конституциясига кўра, 13 та тил асосий ҳисобланади.

Папуа-Янги Гвинея мамлакатада юзга яқин қабила бўлиб, улар 700 тилда сўзлашар экан.

Филиппиндаги маҳаллий тиллардан бирида атиги 26 киши гаплашади, холос.

Дунёда номи бир ҳарфдан иборат бўлган тил ҳам мавжуд. У “И” деб номланади. Бу тилда Хитой вилоятларида истиқомат қиладиган 3,2 миллионга яқин киши гаплашади.

Нигерияда 400 тил бўлиб, шулардан учтаси расмий тил сифатида қабул қилинган.

Кичик Антиль ороллари таркибидаги Доминака оролида эркаклар билан аёллар бошқа-бошқа тилда гаплашишади. Шарқий Ҳимолайда яшовчи Табшу қабиласида ҳам шундай тартиб мавжуд.

Фарбий Австралиядаги қабилалардан бирининг тилида “қўл” маъносини ифодаловчи сўз йўқ. Шу каби венгер тилида “ака” ва “опа”, Бразилиядаги хиндуслар тилида “тўтикуш” сўзлари мавжуд эмас.

Ҳозирча энг узун сўз Таи-

ТИЛЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚА САРАТЛАРДА

ланд давлатининг маркази Бангкок шаҳридир. Тай тилидан бу сўзни русчага таржима қилинса, ун икки сўз ҳосил бўлади. 147 ҳарфдан иборат бу жумла газетанда 7 қатор жой эгаллайди.

Агар барча феъл майллари, замонлари ва нисбатлари ҳисобга олинса, лотин тилидаги феъллар камида 120 шаклга эга бўлар экан.

Тарихда юзга яқин тилни ўрганган Эрон подшоси Митридат биринчи полиглот (кўп тил билувчи) ҳисобланади.

Дастлабки алифбелари ёзувни гиксослар яратган экан. “Алиф” сўзи гиксос тилида “хўкиз” деган маънони билдиради.

Дунёдаги ўрганиш энг қийин бўлган тил япон тили бўлса керак. Чунки, биргина кундалик газетани мутолаа қилиш учун 1500 дан зиёд иероглифни билиш керак.

Ҳозирги замон инглиз тили луғат бойлигининг фақат 30 фоизи соф инглизча сўзлардан иборат. Қолганлари роман ва шарқ тилларидан ўтган.

1887 йилда поляк Л.Заменгоф томонидан яратилган сунъий эсперанто тилида 40 дан ортқ дунё радиостанцияларида эшитиришлар олиб борилмоқда.

«Internet» хабарлари асосида Азизжон ЭРМАТОВ тайёрлади

БЕРИЛМАЙЛИК

Қонуннинг 19-моддасига кўра, республика тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг иш қозғолари матни давлат тилида бўлиши лозим, фақат халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, миллий маданият жамиятлари ва марказларининг матни бошқа тилда бўлиб, давлат тилида тақдорланиши таъкидланган. Бу талаб кўпчилик жойларда амалга оширилган эди, бироқ кейинчалик инглиз ёки рус тиллари қўшилиб, матнлар икки тили бўла бошлади. Охири Қонуннинг бош талабидан кўра чекланган ташкилотларга берилган имтиёз голиб келди.

Юқоридаги каби ҳошлар республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни номлаш ва уларнинг ёрлиқларида ҳам учрайди. Масалан, озиқ-овқат, ичимлик ва ширинлик орасида, дейлик, “Копченая”, “Дорожная”, “Докторская” каби колбасаларни курамит. Айниқса, сўнгги пайтларда лотин ёзувидаги “Neobuykovenpaуа” деган умумий ном билан чиқарилаган “Новый город”, “Champion” каби ичимлик ёрлиқлари, янги ўзбек илмосида Uzbek vodka, Vodka сўзлари ёзила бош-

моғи ҳам юқори ва у тилларнинг ўз эгалари бор. Биз ҳам дунёга ўз тилимиз билан чиқамиз ва шу билан бошқалардан ажралиб турамыз. Агар ўзбек тили Ўзбекистон доирасида икки улкан тил билан расман истеъмолда бўлар экан, бора-бора улар устунликка эга бўлади ва чиндан ҳам сўнгги йилларда мазкур икки тилни расмий тилга айлантиришга интилиш сезилмоқда.

Мустақиллик боис ташқи омилар орқали тилимизга янгидан-янги сўзлар кириб келгани аниқ, аммо дастлаб улардан баъзиларининг зарур-нозаруригини англаб етмадик. Хўш, кеча дўкон ёки магазин деб юритилган жойини бугун market деб аташ билан нима ўзгарди, ҳаммасида ўша товар, ўша нарх-ку ёки market жиҳозларини дўконда ўрнатиб ва маҳсулот турини қўлайтириб бўлмайди-ми? Бу фикрларни бошқа талайгина “янги” сўз ва атамалар, жумладан, аввалдан маълум бўлган, бироқ ҳозирча қўлланмаган department ҳақида ҳам айтиш мумкин. Четдан муқоҳам бўлма-

ган сўз ва атамалар олингани маъқул. Ёки турли хилдаги айрим савдо нуқталарида “Fast-food”, “Tashkent-Fast city”, иш вақтининг кўрсатувчи “ореп-открыто” кабиларини ҳам бирор мажбур қилиб ёздирмаган бўлса керак, уларда хизмат қилувчилар эса ўзимизнинг уғил-қизлар. Теннис буйича “Америка очик чемпионати” деб хабар берилгани ҳолда, ўзимизда ўтказилган шундай чемпионатни “Tashkent-open 2000” деймиз.

Давлат тилини ўрганиш ва кент салан, биргина Маҳмуд сузининг қўшимча равишда Маҳмуд, Mahmud, Makhmud шаклларида ёзилиши кузатилади. Бунга сабаб бир-бирига ўхшашган турли тилларга хос миллий хусусиятларнинг узаро туқнаш келиб қолишидир. Дейлик, ўзбек тилига хос ж (портловчи товуш), ў, қ, г, х товуш (харфли) номларини инглиз ва рус тилларида аниқ акс эттириб бўладими, боз устига, биз ҳозир 4 хил — инглиз, рус, янги ўзбек ва кириллица асосидаги мавжуд ўзбек алифболарида фойдаланаётган булсак! Расмий ҳужжатларда хато бўлмаслиги учун ҳар бир идорада 3 та тил ва 4 хил ёзувни мукамал биладиган ходимлар етарлича бўлиши керак. Аён бўладики, куп тили расмий ҳужжатлар савдохонликка путур етказиши мумкин, чунки улар, айниқса, савдохонлиги юқори бўлмаган ва дунёқарашли шаклланиб улгурмаган ёшлар онгига тез таъсир қилади, шунинг учун бола ёшлиқдан оқ давлат тилини ҳар соҳада ҳис қилмоғи керак. Бунинг учун барча ўқув қуроллари, тегинли ҳужжатлар ягона давлат тилида ёзилиши лозим. Халқнинг оммавий савдохонлиги азалдан она тили ва ягона ёзув асосида белгилашиб келган.

2005 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат идоралари ва барча корхоналарда фақат давлат тили амал қилиши лозимлигини ҳамма англаши лозим. Афсуски, ҳозирнинг ўзидаёқ Қонунин эсдан чиқарган, ҳатто уни билмайдиганлар топилади. Давлат идораларида иш юритувчи раҳбарлар ва халққа бевосита хизмат қилувчи шахсларнинг Қонун устуворлигига сўзсиз амал қилишлари она тилимизнинг обрў-эътибори янада ошишида гоётада аҳамиятлидир.

А.МАМАТОВ
доцент, филология фанлари
номзоди



ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР — АМАЛИЁТГА

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" барча фанлар қатори ўзбек тили фанини ўқитишда ҳам туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, латин ёзуви асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши эса юқоридаги масалаларга ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Яқинда А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида мактабгача таълим ходимларининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуннинг 12 йиллиги ҳамда янги алифбода, янги бир йўналиш ва таълим асосида яратилган, умумий ўрта таълим муассасаларининг 2,3,4,5,6-синфларида мўлжалланган

"Ўзбек тили" дарсликлари ва таълим бошқа тилларда олиб борилган мактабларнинг 2, 4-синфлари учун "Ўзбек тили" дарсликларига методик қўлланманинг тақдими тўғрисида бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.


Тақдимот маросимида Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати О.Мусурмонова ҳамда дарсликлар муаллифлари иштирок этдилар.

— Таълим соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни ҳеч шубҳасиз, буюк бунёдкорлик ишлари деб биламан,— деди ўз нутқида Р.Аҳлиддинов. — Шу жумладан, халқ таълими ходимлари томонидан яратилаётган дарсликлар, методик қўлланмалар ҳам замон талабларига мос равишда олиб берилмоқда.

— Қонун ва қарорларда айtilган фикрларнинг амалиётга тадбиқ этилаётганлигини кўриб турибмиз. Бу шубҳасиз, истиқлол берган буюк неъматлардан биридир, — деди учрашувда сўзга чиққан Ойниса Мусурмонова ва дарсликлар муаллифларини эришган муваффақиятлари билан табриклади.

Шунингдек, йиғилишда "Тил ва адабиёт таълими" журналы бош муҳаррири, Педагогика фанлари доктори, профессор Раъно Толипова раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи аъзолари ҳам сўзга чиқишиб, дарсликларнинг яратилиш жараёни, унинг дизайни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Жумладан, Р.Толипова бу ишларнинг бевосита давоми сифатида қолган 7, 8, 9-синфлар учун мўлжалланган дарсликлар, лугатлар,



қўлланмалар ҳамда ўқув аудио ва видео кассеталари яратишни мақсад қилиб қўйганликлари ҳақида ҳам гапириб ўтди.

Акмал ИСЛОМОВ

"САМАРҚАНДИЯ"

Яқинда "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти Насафийнинг "Самарқандия" номли китобини босмадан чиқарди. Ушбу асар, асосан самарқандлик машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган бўлиб, унда Мовароуннахр тарихи, географияси, топонимикаси ҳамда ислом

Yangi kitob

тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машҳур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибда жойлаштирилган бўлиб, унинг бизгача тўлиқ етиб келмаган кўлөзма нусхасининг "ҳо" дан "қоф" харфларигача бўлган қисмларигина сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, бу асар мустақил юртимиз ўтмишига доир бошқа манбаларда учрамайдиган нодир маълумотларга эга эканлиги боисдан ниҳоятда муҳимдир.

Мазкур кўлөзма XI асрга мансуб бўлиб, 98 варақдан иборат. У Туркиядаги "Тархон волидаси" номли кутубхонада 70-рақам остида сақланади.

Кенг китобхоналар оммасига айниқса, шарқшунослик билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга мўлжалланган китобнинг нашр этилишига Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси беминнат молиявий ёрдам кўрсатди.




рида кўрамыз. Ўқув қўлланмасида таъкидланишича: "Ҳар бир мамлакатнинг таълим соҳасини кўпдан-кўп ўзгарувчи мураккаб система тарзида, ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, ҳам миллий ва тарихий анъаналарини яхлит равишда қамраган ҳолда тасаввур қилиш мумкин".

Ўзгалар тажрибасини амалда тўғридан-тўғри ўзлаштириш мумкин эмас. Уни механик тарзда ўзга ижтимо-

Профессор Юсуф Абдуллаевнинг "Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил" ўқув қўлланмаси ўзининг долзарблиги ва амалий аҳамияти билан диққат-эътиборга сазовордир. Зеро, бу илмий тадқиқот таълим тизимида миллий моделни яратиш ва янада ривожлантириш борасида янгича ёндашув, изланиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

Дунё мамлакатларининг олий таълим тизими қандай? Улардан биз нимани ўрганишимиз мумкин? Биз бундан муаллифнинг қатор илмий-назарий хулосаларида таъкидланишича: "Ҳар бир мамлакатнинг таълим соҳасини кўпдан-кўп ўзгарувчи мураккаб система тарзида, ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, ҳам миллий ва тарихий анъаналарини яхлит равишда қамраган ҳолда тасаввур қилиш мумкин".

Ўзгалар тажрибасини амалда тўғридан-тўғри ўзлаштириш мумкин эмас. Уни механик тарзда ўзга ижтимо-



МАДАНИЙ МЕРОСЛАР ОЛИМ ҚАЛАМИДА

Ўз насллари, ота-боболари тилини, тарихини, улар қолдирган маданий ва маънавий меросни қадрламаган, она халқ ўтмишидан беҳабар, бебаҳра кимсалар ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларидан ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар жараёнидан йироқдирлар. Демак, ўтмиш маънавий ва маданий меросини холисона, ҳар томонлама илмий нуқтаи назардан ёритиш жамият маънавий камолотини тезлаштиришнинг ҳозирги кундаги вазифаларини ҳал этиш билан ҳам бевосита алоқадордир. Ана шу мақсадда таникли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Кўрғон Бўронов XIX асрда яшаб, миллий маданиятимиз ва маънавиятимизга ўз хисасини қўшган атоқли олим Сатторхон Абдуғафоровнинг ҳаёти ва маърифат йўлидаги хизмати ҳақида "Атоқли ўзбек маърифатпарвар олими Сатторхон" номли рисоласини Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида чоп эттирди. Ушбу рисолада Сатторхон Абдуғафоровнинг фаолияти ва маърифатпарварлик қарашлари-

нинг шаклланиши ҳамда ана шу қарашларнинг турли ижтимоий воқеа-ҳодисаларда намоён бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Истиқлол қайтарган ушбу ном билан яқиндан танишишни истасангиз, марҳамат, рисола қўлингиз.

Яқинда фалсафа фанлари доктори, профессор Кўрғон Бўроновнинг "Тасаввуф фалсафаси хусусида" номли рисоласи ҳам нашрдан чиқди ("Ёзувчи" нашриёти). Ушбу рисолада тасаввуфнинг ғоявий ва ижтимоий илдилари, турли тасаввуфий тариқатларнинг ривожланишида умумийлик ва алоҳидлик жиҳатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, бу рисолада тасаввуф ва шариятнинг бирлиги, уларнинг ўртасидаги умумийлик ва алоҳидлик диалектикаси, тасаввуфнинг социологик қарашлари ҳақида фикр юритилади.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу рисола тасаввуф фалсафаси билан қизиқувчи барча китобхоналарга мўлжалланган.



ДУНЁ ПЕДАГОГИКАСИГА БИР НАЗАР

ий-маданий шароитларга кўчириш ҳеч қачон қўтилган натижаларни бермаган ва бериши ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга дунёдаги ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган, таълимнинг ҳолати ва тадрижий ривожланишини билиш нафақат фойдали, балки ўта зарур эканлиги бирор-бир кишида шубҳа уйғотмайди.

Муаллиф бир неча ривожланган мамлакатлардаги олий таълим тизимини аниқ факт ва рақамлар асосида таҳлил қилиб, уларни қиёслади, хулосалар чиқаради.

Олий ўқув юр்தларнинг бошқарув органлари фаолиятини таҳлил этаркан, муаллиф бу таълим даргоҳларида раҳбар кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, шунингдек, ўқув жараёнининг ташкил этилиши масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллифнинг ушбу масалаларга бағишланган алоҳида рисолаларидан бир нечтаси нашр этилган.

Профессор Ю.Абдуллаев ривожланган мамлакатларнинг олий таълим тизими ҳақида фикр юритиб, уларнинг таркибий тузилиши, ижтимоий-сиёсий муҳити, талабаларга қўйиладиган талабларни ҳикоя қилади. Ушбу рисола хориж олий таълим тизими тадқиқи бўйича дастлабки илмий изланиш бўлиб, республикамизда бу соҳани ислоҳ этиш ва янада ривожлантиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Ўзимизга мос таълим шакли вужудга келган бўлса-да, ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳам бохабар бўлишимиз керак. Бунда Ю.Абдуллаевнинг китоби жуда қўл келади.

Р.ШОДИЕВ,
Х.САМИБОЕВ

ШОИР АЙТГАН ҚЎШИҚЛАР



Қулимга "Мен айтган қушиқлар" номли шеърлар тўплами тушдию кунглим бир хурсинди. "Ҳа, укагинам" дейдиган кунгироқдай, самимий овоз қулоғимда жаранлагандай булди шу тоб. Шу алфозда "Ҳа, укагинам" деган сўзни эшитмаганимга ҳам бир йилдан ошганлигини эсладим...

...Абдулла Турдиев "Қишлоқ ҳаёти" газетаси тахририятида хизмат қилаётган пайтлари эди. Мен шундоққина хонаси эшиги олтидан утиб кетаётганимда чақириб қолди: "Ҳа, укагинам, бу ёққа кирчи?" Кириб саломлашгач, олати бўйича бир пиёла иссиқ чой узатди-да "Ҳозир" тандирдан уздим" қулоқ сола" дедию ушбу туртликни айта бошлади:

Мен утқир пичоқнинг тигини... ўтдим,
Рухимдаги отриқ...йғини ўтдим.

"Ҳуш, ўндинг?!"—сўрагис...
Сўнг эса нетдим?—
Улиб...шу музаффар кунларга етдим!!

Бугун уйлаб қарасам, ҳар қандай кунларни Вақт албатта интиҳосига яқинлаштиришини бандаси билар экану, аммо уша куннинг қачон келишини билмайди экан...

"Мен — китоби чиқмаган шоир" шеърини кўп ўқирди Абдулла ака. Қимдигидан қатъи назар, инсон жони омонат эканлигини ҳис қилгандир, балки, ушбу шеърни айтаётган чоғлариди.

...Кетсам ҳам танилмай сўнгги йўлимга,
Алоҳиш ёлғизим—Ҳақ деб юрибман.
Тириклик мангудир бундай ўлимга,
Умиримнинг давоми—Халқ деб юрибман—
Мен—китоби чиқмаган шоир...

"Мен айтган қушиқлар" китобини қулимга олдим, тилимда "Эзуликнинг кечи йўқ" деганча, дилимда бу эзуликнинг бирозгина кечикканлигини туйдим. Ҳечқиси йўқ, Шоир айтган қушиқлар бугун умрининг давомчиси—Халқ тилида қуйланаётир.

Шерали НИШОНОВ

Beg'ubor bolalik hayratlarga boy fasl. Ushbu hayratlar qog'ozga to'kilsa, bu fasl yanada chiroy ochadi. Iqtidorli bolalarning "Nafosat" deb nomlanmish ijodiy gurunglari an'anaga aylanib qolgan. Til bayrami arafasida go'zallikka, nafosatga oshno murg'ak qalblar yana bir joyda to'planib, nafis majlislar qurdilar. 18-19 oktabr kunlari poytaxtimizda an'anaviy "Nafosat" yosh qalamkashlar anjumani bo'lib o'tdi. Anjuman haqida kelgusi sonda o'qiysiz. Quyida esa uning ishtirokchilari mashqlaridan namunalar bermoqdamiz.



MENING BAHORIM

Yomg'ir savalaydi sekin, ohista,
Yashillik rangini tuyadi dunyo,
Borliqni go'zallik chirmaydi doim,
Bu mening bahorim, mening bahorim.

Ma'rashar uloqlar, bo'taloq toy-toy,
Bulbullar chuldirab aytadi qo'shiq.
Yam-yashil ko'klamdir, ko'klamdir hoy-hoy,
Bu mening bahorim, mening bahorim.

Zangori osmonga termulib to'yamay,
Istiqlol quchgan yurt bag'rida o'ynay.
Subhi sabo bilan quvna b yuguray,
Bu mening bahorim, mening bahorim.

Nilufarxon SHAROPOVA,
Qarshi shahridagi 26-maktabning
7-sinf o'quvchisi



YOMG'IR

Qora tun bag'rida cho'milib
Ma'yusgina yomg'ir yog'adi.
Xayollarga asta ko'milib
Yashil zaminga bu yoqadi.

U kamlarni ham olib ketar.

Sen yig'lamagin moviy osmon,
Yosh to'kmagin bekordan bekor.
Lekin yomg'ir tinmadi hamon,
Berar sabot qolsa kim nochor.

Shahnoza QURBONOVA,
Baliqchi tumanidagi
5-gimnaziya
o'quvchisi

Ajib yomg'ir insonlarga ham,
Umidxash tunlarni kashf etar.
Ma'yus yomg'ir qancha
yog'sa kam,

SHE'RIMGA


Abadiy bahorsan men uchun, she'rim,
Nozli gullar ichra yuz ochgan dilim,
Orzusan, armonsan, umid va yana
Men unib o'sganim, tug'ilgan yerim.

Yolvoray men senga oyog'ing o'pib,
Olov bo'l, kul bo'lay men kuyib-kuyib.
Bir bora farzandim, deya atagin,
Boshimni silagin erkalab, suyib.

Hijron sari yetakla, boraman, mayli,
O'ynoqi yellarga oshno qil, she'rim.
Xazonlar bag'riga ota qol, mayli,
O'shal dam yonimda bo'lsang bas, she'rim.

Sen axir bahorsan, xazon bo'lmagin,
O'zgarar qo'lida arzon bo'lmagin,
Men uchun dunyoda armon bo'lmagin,
Abadiy bahorsan, bahorsan she'rim.

Naima Abdurahmonova,
Parkent tumanidagi
10-maktab o'quvchisi



Darslarimni qilib bo'lib, hovliga chiqdim. Biz ko'p qavatli uyda yashaymiz. Bu uyda yashovchi bolalar hammamiz bir-birimizni tanaymiz, bir-birimizga do'st-ortoqimiz.

Nogahon ko'zim bir chetda xayol surib o'tirgan qizga tushdi. Uning yoniga bordim. Bir oy burun bu yerga, ya'ni xolasinikiga ko'chib kelgan ekan. Biz yaxshigina o'rtoq bo'lib oldik.

Har kuni hovliga chiqib suhbatlashib o'tirardik.

Uning ismi Yodgora ekan. Tanishganimizga bir hafta bo'libdiki, biror marta uning kulganini ko'rmadim. Doim ma'yus, nimadandir cho'chib, o'ylanib yuradi. Bir kuni suhbatimiz ismlar haqida bo'ldi. —O'rtoqjon, nega isming Yodgora?

Yodgora jimib qoldi. Bir ozdan so'ng o'tmishini so'zlab berdi.

— Munisa, dardimni, alamimni kimgadir aytishim kerak-ku, to'g'rimi? Eshit, shu vaqtgacha hech kimga aytmagan o'tmishim haqida senga so'zlab beray. Men qishloqda dadam va onam, o'gay akam bilan yashardim. Na opasimgilim, na aka-ukam bor, hatto o'z onam kim ekanini bilmayman. O'gay onam qiynagan paytlarida o'z onam haqida o'ylandim, shu bilan ko'nglimga taskin berardim. O'z dardlarimni qog'ozga to'kardim. Bir kuni onam haqida she'r yoza boshladim:

**Nega ismim Yodgora?
Yaqinlarim kim o'zi?
Savol ustiga savol.
Topolmasman javobin,
Mening onam kim o'zi.
Yaxshilarmi yo yomon?
Xayolimda faqat u.
Tushlarimga kiradi.
Bag'riga otilib men
Erkalangim keladi...**

She'r yozishga shunchalik berilib ketibmanki, o'gay onam kirib kelib she'rimni o'qiganini sezmay qolibman.

Seni kiyintirib, yedirib-ichirganimga rahmating shumi? — deb meni ura boshladi. Qanday qilib Sevaralarnikiga borganimni bilmayman (Sevara sirdosh dugonam). Meni bir ahvolda ko'rgan Sevaraning oyisi Nasiba xola uyga boshlab kirdi. Bor gapni eshitgach, dedi:

— Bugun shu yerda qola qol, qizim.
O'sha kuni Sevaraning xolasi Nargiza opa mehmon bo'lib kelgan edi. Biz birga tamaddi qildik. Kechqurun dadam ishdan kelsalar, meni olib ketadilar, deb kutdim, lekin dadamdan darak

berdim. Bir kuni kasalxonaga borsam, Gulsara yig'lab o'tiribdi. Shifokorlar uning turmush o'rtog'iga farzandini saqlab qolish mumkinligi, ammo o'zi tuzalmas dardga chalinganini aytishibdi. Gulsara buni eshik ortidan turib eshitgan ekan. Bizlarga vasiyat qila boshladi.

— Yolg'izgina o'tinchim bor. Farzandim qiz bo'lsa, nomini Yodgora, o'g'il bo'lsa Yodgor qo'yinglar. Mendan yodgorlik bo'lsin, deb yig'ladi.

U qiz ko'rdi. O'zi ham omon qoldi. Lekin shifokorlar qo'rgan tashxisini sira unuta olmadi. Ba'zan qizini bag'riga bosib, soatlab

berdim. Bir kuni kasalxonaga borsam, Gulsara yig'lab o'tiribdi. Shifokorlar uning turmush o'rtog'iga farzandini saqlab qolish mumkinligi, ammo o'zi tuzalmas dardga chalinganini aytishibdi. Gulsara buni eshik ortidan turib eshitgan ekan. Bizlarga vasiyat qila boshladi.

— Yolg'izgina o'tinchim bor. Farzandim qiz bo'lsa, nomini Yodgora, o'g'il bo'lsa Yodgor qo'yinglar. Mendan yodgorlik bo'lsin, deb yig'ladi.

— Yolg'izgina o'tinchim bor. Farzandim qiz bo'lsa, nomini Yodgora, o'g'il bo'lsa Yodgor qo'yinglar. Mendan yodgorlik bo'lsin, deb yig'ladi.

U qiz ko'rdi. O'zi ham omon qoldi. Lekin shifokorlar qo'rgan tashxisini sira unuta olmadi. Ba'zan qizini bag'riga bosib, soatlab

berdim. Bir kuni kasalxonaga borsam, Gulsara yig'lab o'tiribdi. Shifokorlar uning turmush o'rtog'iga farzandini saqlab qolish mumkinligi, ammo o'zi tuzalmas dardga chalinganini aytishibdi. Gulsara buni eshik ortidan turib eshitgan ekan. Bizlarga vasiyat qila boshladi.

— Yolg'izgina o'tinchim bor. Farzandim qiz bo'lsa, nomini Yodgora, o'g'il bo'lsa Yodgor qo'yinglar. Mendan yodgorlik bo'lsin, deb yig'ladi.

U qiz ko'rdi. O'zi ham omon qoldi. Lekin shifokorlar qo'rgan tashxisini sira unuta olmadi. Ba'zan qizini bag'riga bosib, soatlab

berdim. Bir kuni kasalxonaga borsam, Gulsara yig'lab o'tiribdi. Shifokorlar uning turmush o'rtog'iga farzandini saqlab qolish mumkinligi, ammo o'zi tuzalmas dardga chalinganini aytishibdi. Gulsara buni eshik ortidan turib eshitgan ekan. Bizlarga vasiyat qila boshladi.

— Yolg'izgina o'tinchim bor. Farzandim qiz bo'lsa, nomini Yodgora, o'g'il bo'lsa Yodgor qo'yinglar. Mendan yodgorlik bo'lsin, deb yig'ladi.

YODGORA
(Hikoya)

Ertasiga Nasiba xolam darsliklarimni olib chiqib berdilar. Sevara bilan maktabga ketdim. Darsdan keyin Sevaralarnikiga keldik, Nasiba xolam bizni xush kayfiyatda kutib oldilar.

— Yodgora, xursand bo'l, qizim. Nodira xolang bilan gaplashdim. Ishdan chiqib, seni olib ketgani keladi.

Kunni qanday kech qilganimni bilmayman. Kechga yaqin xolam keldilar. Meni quchoqlab rosa yig'ladilar. Ikkovimiz ancha payt suhbatlashib o'tirdik. Xolam yolg'iz yashar ekanlar, farzandlari yo'qligi sababli turmushlari buzilib ketibdi. Bir kam dunyo ekan-da.

— Yodgora, men seni olib ketaman, — dedilar.

— Dadam-chi? — dedim men.
— Dadang... Dadang bilan o'zim gaplashaman.
Nasiba xolam va Sevara bilan yig'lab xayrlashdim.

— Yig'lama, qizim, o'rtog'ingni tez-tez yuborib turaman. Sen ham kelib turarsan, — dedilar Nasiba xolam. Ikki kundan keyin dadamga xabar qildik. Ammo dadamdan hamon darak yo'q. Sevaraga tez-tez xat yozib turaman. Dadam hech narsa bo'lmagandek ishlab yurgan ekanlar.

Yodgoraning o'tmishini eshitib, ta'sirlanib ketdim. Esingdami, Yodgora, men, albatta, shifokor bo'lishim kerak, degan eding. Bu qaroringni endi tushungan-dayman.

— Ha, men shifokor bo'lmoqchiman. Bo'lganda ham bemorlarni dori-darmon bilan emas, shirin so'z bilan davolaydigan shifokor bo'laman.

— Dugonajon, orzularingga yetishishingga tilakdoshman. Shuncha qiyinchiliklarni boshidan kechirgan bu dugonamga ichimdan baxt va omad tilab, uning jaji yuragidagi bardoshiga tahsinlar o'qdim.


SOG'INCH

**Kechalari tun bedor,
Ko'zlarim yo'lda xumor,
Kelsangiz deya bir bor,
Sog'inaman onajon.**

**Xayollarim parishon,
Sizni eslagan zamon,
Tipirchilab tanda jon,
Sog'inaman onajon.**

**Tushda sizla o'ynayman,
Yuzingizga to'ymayman,
Har dam sizni o'ylayman,
Sog'inaman onajon.**

Umida Abdurahmonova,
Dang'ara tumanidagi 5-
maktab o'quvchisi



USTOZIMIZ

Misoli bir nihol edik,
Parvarishdan bo'ldik tetik,
Bizlar agar nihol bo'lsak,
Siz-chi — bog'bon,
ustozimiz.

Yuzingizdan yog'ilar nur,
Poyingizdan gullar unur,
Siz shundayin tabarruk, hur,
Toza iymon, ustozimiz.

Go'zal BO'RIYEVA,
Uzun tumanidagi
4-litsey o'quvchisi

Ёзувчи Адҳам Даминнинг “Ҳаёт ва ўлим” романида давр руҳи оддий муаллим Самин домла ҳаёти орқали драматик руҳ ва шаклда ёритилган. Муаллиф ўз қахрамонлари ички кечинмаларини ортиқча безакларсиз рўйи рост, ўзига хос ички бир тугёнга йўғрилган рангин бўёқларда таъсирчан талқин этишга уринган. Ҳаёт ва ўлим, онийлик ва мангулик, инсон ва замон, эзгулик ва ёвузлик, Ватан каби азалий тушунчалар ҳам қахрамонлар тақдирини четлаб ўтмайди.

Адиб ўзининг 50 ёшини нишонламоқда. Ёзувчимизни ушбу муборак кун билан қутлаган ҳолда ижодий парвозлар тилаб, “Ҳаёт ва ўлим” романидан парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Домланинг аҳволи баттар оғирлашди. Ўғлига зўрма-зўраки, ўзидаги бор куч-қувватни тўплаб, ҳақиқий аҳволини билдирмай юрганиданми, ишқилиб нима бўлгани ўзига ҳам қоронғию, энди ҳатто ёстиқдан бош кўтаришга ҳам мадори етмай қолди. Овқат вақтида Толибжон кўш ёстиқ қўйиб бошини кўтаради. Шунда ҳам иштаҳаси йўқ, бир-икки қошиқ томоғидан аранг ўтади, холос. Шундай кунларнинг бирида ҳамкасблари Холмат билан Машраб домлалар келганини айтиб қолишди. Иккиси ҳам институтни тугатиб, мактабга ишга келганда кўп йўл-йўриқ кўрсатарди уларга. Шогирдлари эди улар. Мактабнинг юқори синфларида ўзи ўқитган уларни.

Домлани чарчатиб кўясизлар, деб докторлар битта-битта киришга рухсат беришди. Холмат хонага ҳарсиллаганича кириб келди. Самин домла ҳамма нарсага кундан-кун бефарқ бўлиб бораётган нигоҳларини унга маҳзун қадади.

— Яхшимисиз, устоз? — Холмат юраги пора-пора бўлиб устозига тикилди. — Сизга нима бўлди ўзи, Самин ака?!

Домла бўйни қадар ёпилган одеял остидан қоксуяк кўллари чиқариб Холматга чўзди. Холмат нима бўлганини ҳамон тузукроқ англамай, кўш-кўллаб устозининг кўллари олиб сўрашди. Кўл эмас, гўё узун-узун суяклар кафтига ботди. У Самин домланинг ич-ичига ботган кўзларига, туртиб чиққан яноқларига, қилтириқ бўйнию, ўйноқлаган суякларига қараб ғалати бўлиб кетди, тили базўр калимага айланди.

— Мен... сира бунчалик деб ўйламагандим. Ахир туппа-тузук юргандингиз-ку, устоз.

— Шунақа бўп қолди, Холмат! Мени кўй, мактаблардан гапир, тинчми? Нима гаплар?

Домла унинг қизарган юзларига синчков қаради, нафасидан келаётган ароқ ҳидини ҳам аниқ пайқади.

— Нима, ичиб олганмисан?

— Э, устоз, мени кечиринг! Биласизми, иккита енгил машинада ўн киши бўлиб тушдан бурун келгандик. Машраб ҳам бор. Йўл-йўлакай иккимиздан бир фикр чиқди, устозга “сюрприз” қилайлик, депмиз. Йўлда Риштоннинг бозоридан ошнинг ҳаражатига қўшиб бўйни узундан ҳам олгандик. Аввал парқдаги самоварда кўй ёғи, кўй гўштига бошлаб девзирадан қўлинг ўргилсин паловни қиламиз, кейин гиз этиб бориб устоз-

ни олиб келамиз, дедик. Хозиргина ошни дамладигу Машраб иккимиз мошинада сизнинг олдингизга учиб келдик. Келсак, докторлар аввалига қўймади. Кейин зўрға биттамитга рухсат беришди. Самин домланинг чехраси ёришди. Холматнинг шошиб-пишиб айтган гаплари унга қандайдир ҳузур бағишлади. Ҳаёлан улар билан бирга чойхонада мириқиб ош егандай бўлди. Гўё бу еган ошнинг кучи унга қувват бахш этиб, оёққа туриб кетаётгандек сез-

ди ўзини.

— Раҳмат, шунчалик эслаганларинг учун!

— Ия, нима деяпсиз, устоз! Ҳар куни минг марта эслаймиз, лекин биз сира бунақа этиб қолгандирсиз, деб ўйламагандик. Толибжондан ҳам неча марта сўрадим, ҳар гал яхши дейди. Келин бувим ҳам “дуруст, яқинда кўриб келдим” деди. Шунинг учун кўнглимиз тинч, ана келиб қоласиз, мана келиб қоласиз деб юрибмиз. Синфингиздаги қолган дарсларни ҳам ўзим ўтдим. Йил якунини ҳам ўзингиз қўйган баҳолар бўйича чиқардим.

— Э, яша. Сенлардек шогирдларим бор экан, ўлиб кетишимдан ҳам кўрқмайман.

— Ия, Самин ака, унақа деманг! Хали кўп яшайсиз. Тузалиб чиқсангиз, яна даврамизда ўзингиз бош бўп юрасиз.

— Ҳаммаси учун раҳмат, Холмат! Умуман, ёмон ишламадик, а? Ёмон яшамадик ҳам... — домла маъюс гапир бошлади. — Биз алғов-далғов даврда яшадик, сенлар эса ёш авлод учун ҳали кўп ишлар қиласанлар. Лекин яна сенларга айтган гапларимни такрорлайман: бировнинг олдига бошим қуйи, тилим қисқа бўлмасин десанг, ҳалол ишла, бировнинг ҳақини ема, ёлғон гапирма. Шунда ҳаммаша юзинг ёруғ бўлади. Шунда ўлиб кетишдан ҳам кўрқмас экансан. Фақат амалга ошмай қолган ишлару бола-чақанинг ташвишидан ўзга армон қолмасакан юракда.

Устозининг гапларидан

Холмат домланинг кўнгли тўлиб кетди. Кўзларидан дув ёш тўкилди.

— Ака, кечиринг, мен худобехабар аҳмоқни, олдингизга шу аҳволда келганим учун...

— Э қўйсанг-чи, — домла базўр кулимсиради, — ёш болага ўхшайсан-а. Эслаб, келганларинг учун раҳмат! Шунинг ўзи бир давлат! Энди эшит — сенга бир илтимосим бор эди.

— Нимаиди? — Холмат чўнтагидан рўмолча олиб кўз ёшларини артди.

— Иложини қилиб, янги ўқув йилидан менинг синфимни ўзинг ўқит. Ҳаммаси бўладиган болалар. Хозир кўплар найрангбоз бўлиб кетган, номигагина дарс ўтади. Ҳатто “конспект” ёзишга эришади. Улар ўқитган болалардан нимани ҳам кутиш мумкин? Ҳали сен билан биз ўқитган болалардан “мана мен” деган ўзбекнинг олимлари, шоирлари, ёзувчилари, дунё кезар ишбилармонлари чиқса, ажабмас. Ўшанда улар сену мени бошланғич синфда ўқитган эди, деб ёдга олишса, шунинг ўзи кифоя.

Шундай деди-да домла

борсангиз яхши бўларди” деб ўзича қистаб ҳам қўйди. Кейин ақли равшан тортди-ми, барчасини бирдан тушунгандек сергакланди, хиёл бўшашиб, хомуш бош эгиб чиқиб кетди...

Шогирдларини кўриб домланинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Одам тафтини одам олади, деганлари шу-да. Иккаласи ҳам ёшлиқдан жуда шўх, бир-биридан ўтадиган ўйинқароқ болалар эди.

...Олтмишинчи йиллар бошида у колхоздаги ўн икки қишлоқ ичида ёлғиз Чуваланчидаги 22-ўрта мактабда уларга физкультурадан дарс берарди. Шўх бўлса-да, иккиси ҳам аълога ўқир эди. Айниқса волейболни зўр ўйнашарди. Район олимпиадаларида мактаб шарафини ҳимоя қилишарди. Ҳатто ўн биринчини битираётган йили (у вақтларда ўқиш 11 йиллик эди), район терма жамоаси таркибида вилоят биринчилигида қатнашиб биринчи ўринни олишган. Иккиси ҳам доим унга сиздек муаллим бўламиз дейишарди. Жони бирдек нуқул бирга юришарди. Машрабнинг

отангиз Ҳамдам ака билан ўқий олмадик, оми одамлармиз. Лекин сизларга раҳмат! Менинг ҳам мана шу шўх-шаддод Холматимни сал эгиб беринг, ўйинқароқ бўлиб кетмасин. Биргина орзуим — у ҳам сизга ўхшаб кўлтиғига тўртта китобни қистириб олиб, мактабга бориб болаларнинг саводини чиқарса. Шу кунни кўриб ўлсам, дунёда армоним қолмасди. Ҳа, барака топинг! Илоё, сизни хар ишда худонинг ўзи қўлласин!“. Мактабни битиришгач, бу эгизакмисол Холмат билан Машрабни етаклаб Фарғонага — муаллимлар тайёрлайдиган олийгоҳга ўзи олиб борганди. У вақтлар қишлоқ болаларининг шаҳарга ўқишга кириши ҳамманинг обрўси эди. Бахтлари бор экан, иккиси ҳам ўқишга кирди. Ҳаш-паш дегунча беш йил ҳам ўтиб кетди. Улар битираётган йили у қўшни қишлоқдаги 23-саккиз йиллик мактабга директор бўлиб келганди. Районга ўзи бориб, иккаласини ҳам ўзи сўраб, мактабга ишга олиб келди. Ўзи ҳам физкультурадан дарс бериб юрса-да, аслида бошланғич синф муаллими эди. Раҳбар бўлишига қарамай дарс ҳам берарди. Иккисини ёнига олиб иш ўргатди, одам қилди. Хуллас, улар ҳам меҳнатдан қочмай мактабнинг энг олди ўқитувчиларига айланди. Шунинг учун дарс соатларини ҳам уларга сўраганларича берарди. Ишига қараб, маошлари ҳам бошқалардан юқори бўларди.

Мана, шогирдлари уни — устозларини эслаб, йўқлаб келишибди. Ортингда фарзандларинг қатори сени йўқлайдиган шундай шогирдларнинг борлиги қанчалик бахт. Муаллимга бундан ортиқ яна нима керак? Нима бўлганда ҳам ўша эллигинчи-олтмишинчи йиллари ўзи ўқитган болаларнинг бари — кўрса, устоз деб қуллук қилиб сўрашади. Ҳолбуки, у оддий бир физрук эди, холос. Лекин талабчан эди. Салкам йигирма йил физруклик қилган бўлса, ҳар гал ўтиладиган дарс машқини аввало ўзи кўрсатиб берарди. Машқ кўрсатишга ярамаган физрукнинг бу соҳада ишлашга ҳақи йўқ. Бу — унинг “олтин қойдаси” эди. Нимжон, машқларни бажара олмайдиган болалар билан дарсдан кейин қўшимча машғулот ўтказарди. Бунинг учун унга ҳеч ким бир тийин ҳақ тўламасди. Ҳозиргилар бўлса, баъзан қирқ беш минутни ҳаром-ҳариш қилиб ўтади. Бир соатлик дарсига ҳам аввал пулдан келади. Ё. алҳазар, дейсан, киши... Дарвоқе, Эргаш нимага келмади? У — ҳам шогирди, ҳам ўқувчиси эди-ку! Бир томондан қариндош, амалчи Теша Абсаланинг ўғли. Лекин бу боланинг қонидан азалдан одамгарчиликдан кўра шухратпарастлик, лаганбардорлик иллоти устун эди. Агар ҳозир унинг ўрнида рай-ОНО мудири ётганидами, дарҳол машинасида учиб келиб, танда қўйган бўларди, кунни муҳтарам беморнинг бир оғиз сўзига маҳтал бўлиб, касалхона эшиги тағидан ўтказарди. Чунки у ҳозир ўша 23-мактабнинг директори. Бу амалга ҳам уни ўзи тавсия этганди. Ҳа, майли, ҳар ким қилса ўзига...

«ҲАЁТ ВА ЎЛИМ»

(РОМАНДАН ПАРЧА)

кўзларини катта-катта очиб, шогирдига тикилди ва пича тин олди, сўнг одатича “тушундингми?” деб қўшиб қўйди. Холмат устозига бош силтаб “ҳа” ишорасини қилди.

Шу пайт хонага ҳамшира киз кириб келди.

— Ҳулақолинг, беморни чарчатиб кўясиз.

Холмат ҳозир бир нарсадан айрилиб қоладигандек, ёш бола мисол Самин домланинг кўлларига ёпишди.

— Келганлар кимлар эди?— деди домла. — Эргаш ҳам бормиди?

— Келмоқчи эди, райОНО қақриб қолди.

— Ҳаммасига салом айт! Раҳмат, дегин.

— Хайр, устоз! Тезроқ шифо топинг!

Холмат энгашиб Самин домланинг юзларидан чўлп-чўлп ўпди-ю, шаҳдам туриб ортига қарамай палатадан чиқиб кета бошлади. Эшик олдига етгач, ҳамшира қизга ялинди.

— Машраб дўстим ҳам бир минутга кирсин.

— Доктор уришади! — ҳамшира кескин жавоб қилди.

— Кирсин, қизим! — деди Самин домла ҳам розилик билдириб. — Узоқдан келишган. У ҳам шогирдим.

— Майли, фақат бир минутга!

Машраб билан ҳам бир дақиқага бўлса-да, ҳол-аҳвол сўрашиб, дийдорлашиб олди. Унинг ҳам сал-пал кайфи бор экан, сўйлоқ тишларини кўрсатиб, “ўзимнинг акам”, дея атрофида парвона бўлиб эси кетди. “Чойхонага

отаси қишлоқ магазинини очар, ўғлининг дўкондор бўлишини жуда-жуда истарди.

— Бу Машраб жиннига биров насихат қилиб қўй, Самин, — деганди бир куни уни катта кўчада тўхтатиб. — Доим ўқитувчи бўламан, дейди. Дўкон туганмас хазина — баракаси бор, ҳам элни боқади, ҳам сени, десам ҳеч тушунмайди. Доим сени рўқач қилади, қаранг — Самин домлани, қишлоқнинг энг билимдон, зиёли одами, ҳамманинг ҳаваси келади, ҳамма унга маслаҳат солади, дейди. Бир илож қилиб, уни йўлга солиб бергин!

У Мадумар дўкончининг гапидан қулганча:

— Мадумар ака, боланинг кўнглига қаранг, — дея бошқа ҳеч гап айтмай велосипедига миниб жўнаб қолганди. Билдики, Мадумар ака гапини маъқулламаган одамни бўралаб сўқиш одати бор. Лекин уни сўқишга ҳам улгурмай қолди. Аммо барибир кейинги икки ўғлини савдо техникумида ўқитди. Райондаги базада ишлашади. Икковининг ҳам тағидан шахсий “Жигули”. Бечора ёлғиз Машрабига — домла, тўтидек сайраб оила боқади. Ҳамон пиёда. Балки ўшанда Мадумар аканинг гапига кирмай хато қилганмикан?... Ҳозир Машрабнинг ҳам тағидан машинаси бўлармиди...

Холмат эса отасининг жонанон улфати Мустафоқул буванинг ўртанчаси. Мустафоқул бува қачон қарамасин, уни кўрса тўхтатиб, албатта, дуо қиларди: “Ҳа, умрингдан барака топ, ўғлим. Илм олмақнинг савоби улғу. Биз-ку

АФГНИСТОНДА АВСТРАЛИЯ АСКАРЛАРИ

Австралия бош вазири Жон Ховарднинг маълум қилишича, мамлакат қуроли кучларининг 1500 аскардан иборат ҳарбий бўлинмаси яқин кунларда Афғонистонда олиб борилаётган антитеррор кампаниясида иштирок эта бошлайдилар. Бундан ташқари жанговар техникалар ҳам юбориладилар.

Ҳозирда эса Америка ҳамда Британия ҳаво кучлари Қобул, Қандаҳор, Мозори Шариф ва бошқа шаҳарларни кечаю кундуз бомбардимон қилмоқда. Шунингдек, Афғонистондаги ҳарбий операцияларда қуруқликда ҳаракат қилувчи махсус бўлинмалар ҳам иштирок этмоқда, дея хабар беради Рейтер агентлиги.

Нобел жамғармасига асос солинган сўнгги дастлабки йиллар Каролина институти томонидан тайёрланган мукофотга талабгорлар рўйхатида бир олимнинг исми тез-тез учраб турарди. Бу Петербург тиббиёт институти профессори, таниқли олим Иван Петрович Павлов эди.

И.П.Павлов одам ва ҳайвон организми қандай ишламини ўргатувчи фан — физиология ривожига улкан ҳисса қўшди, олий нерв системаси фаолияти тўғрисидаги таълимотни яратди.

Павлов ишлари физиология ривожланишида янги давр очиб берди, деб ҳисобланади. Унинг асосий иш усули сурункали тажриба деб аталмиш усул эди. Павлов ўз олдига ҳайвонлар организми фаолиятига бирозгина арашган ҳолда турли орган ва тизимлар фаолиятини ўрганишни мақсад қилиб қўйган эди. Унинг тажрибаларига қадар овқат ҳазм қилиш жараёни тўғрисида фанга кўп нарса маълум эмас эди. Чунончи, овқат ҳазм қилиш органидаги безлар овқат ҳазм қилиниши учун зарур бўлган шира ажратади, лекин бунда нерв системасининг иштироки бўлмайди, деб ҳисобланар эди. Павлов эса, мия барча органлар, жумладан, овқат ҳазм қилиш органлари ишини ҳам бошқаради, дея фикрлар эди.

И.П.Павловнинг итлар устида ўтказган тажрибалари тўғрисида эшитмаган, билмаган одам топилмас керак. Павлов мана шу тажрибалари орқали сўлак ёки бошқа овқат ҳазм қилувчи шираларнинг ажралиши оддий рефлекс (кўзгатувчиға жавоб) эканлигини исботлади.

Павлов ва унинг издошлари томонидан кўлланилган тадқиқот усуллари натижасида овқат ҳазм қилиш органлари фаолияти тўғрисида қисқа муддат ичида маълумот олиш мумкин эди. Бу тажрибалар ошқозон ширасини ўрганишга ҳамда уни кимёвий таҳлил қилишга имкон берарди. Шунингдек, овқат ҳазм қилиш тизимини нервлар тартибга солиб туриши ҳам аниқланди. Бу физиология оламидаги улкан кашфиёт эди. И.П.Павлов томонидан давом эттирилган тажрибалар кейинчалик нейрофизиологияга катта улуш бўлиб қўшилди.

Павлов ва унинг ходимлари ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш жараёнининг сезги органлари ҳаракати ва нерв системаси ҳолатига, овқат сифати ва бошқа

кўпгина омилларга боғлиқлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар тўпладилар. Ходимлар томонидан эълон қилинган илмий ахборот ва мақолалар бутун дунёга тарқалди.

Илк мақолаларимиздан биринчи айрим ҳолларда мукофотга тақдим этишдан аввал махсус тадқиқотлар ўтказишга ҳам тўғри келганлиги хусусида гапириб ўтган эдик. И.П.Павловга нисбатан ҳам шундай текширув ишлари ўтказилган. Аср бошида олим раҳбарлик қилган лаборатория иши билан қизиқиб қолган Каролина институти Карл Тигерстендни Петербургга жўнатишга мажбур бўлди. Унга жамоанинг шундай сермахсул илмий фаолиятига ким бошчилик қилаётганини аниқлаш вазифаси топширилган эди. Бунга сабаб мақолаларда Павлов номи ҳаммуаллиф сифатида жуда кам учрарди. Ва ниҳоят, текшир-текширлардан сўнг 1904 йили Иван Петрович Павлов овқат ҳазм қилиш физиоло-

ФИЗИОЛОГЛАР
РАҲНАМОСИ

гияси соҳасидаги ишлари учун Нобел мукофотиға сазовор бўлди.

Бу вақтда Павлов 55 ёшни уриб қўйган бўлса-да, ижодий камолот ёшида эди. У яна уч ўн йиллик давомида хормай-толмай меҳнат қилди. Эндиликда Павлов ўз диққат-эътиборини олий нерв фаолияти физиологиясига қаратди.

Павлов бутун бир илмий мактаб яратди. Унинг институти физиология соҳасидаги дунёнинг энг йирик тадқиқот марказларидан бирига айланди. Нейрофизиология соҳасидаги катта муваффақиятлари учун 20-йилларда И.П.Павлов яна Нобел мукофотиға талабгорлар рўйхатиға киритилди. Бу сафар унинг номзоди ўлмаган бўлса-да, бу ҳол олимнинг нуфузи қанчалик юқори бўлганлигидан далолат бериб турарди.

1935 йили Халқаро физиологлар конгрессида Павлов бир овоздан "Жаҳон физиологлари-



Nobel mukofoti sohiblari

нинг раҳнамоси" деб эълон қилинди. Аини шу йили ёшларга қилган мурожаатида Павлов: "Шуни ёдингизда тутинки, фан кишидан бутун ҳаётини бағишлашни талаб этади", деб ёзган эди.

Физиология соҳасида кўплаб И.П.Павлов каби фидокор олимлар меҳнат қилишган. Улардан бир нечтаси юксак мукофотга лойиқ деб топилган.

XX аср бошларида даниялик физиолог Август Крог тўқималардаги газ алмашинуви жараёнини ўрганишга киришди ва кутилмаган натижаларга эришди. Масалан, ҳатто жуда оғир жисмоний юк тушганда ҳам мушаклардаги газ миқдори капиллярлардагидек қолар экан. Шу сабабли Крог микроскоп ёрдамида бевосита капиллярларни ўргана бошлади. Капилляр қон айланиш физиологиясини тадқиқ этишда-

бўлиб қолди.

Эйнтховен фаолияти фақатгина техник мосламалар яратиш билан чеклиниб қолмади. У 1906 йили турли юрак хасталиқларида электрокардиограммада ўзига хос четга чиқишлар бўлишини кузатди. Бу ҳол ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга эди.

Эйнтховен ишлари Каролина институти назарига тушган вақтда ускуна яратилгани учун мукофот бериш мумкинми, деган савол кўндаланг туриб қолди. 1924 йили Нобел мукофоти кўмитасининг мукофотлаш тўғрисида қабул қилган қарорига электрокардиограмма усулининг яратилиши асос қилиб олинди.

1929 йилга қадар инсон юрагини ўзгача бир усулда текшириб кўриш мумкинлиги бирор олимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Шу йили эберсвалдлик ёш хирург Вернер Форсман ўз устида кўз кўриб қулоқ эшитмаган тажриба ўтказди. У қўл вена томириға 65 см узунликдаги катетер киритиб, рентген кабинети томон йўл олди. Форсманнинг мақсади катетернинг учи юракнинг олд бўлмасига етиб борадими-йўқми, аниқлаш эди. Бу тажриба тиббиёт оламида қаттиқ қаршиликка учради. Касалхона раҳбарияти Форсманга бундай тажрибалар ўтказишни таъқиқлаб қўйди. Буни қарангки, 1940 йили нью-йорклик врачлар Дикинсон Ричардс ва Андре Фредерик Курнонлар ҳам бир қатор худди шунга ўхшаш тажрибалар ўтказиб кўрдилар. 1941 йили эса Ричардс ва Курнонлар ўз тадқиқотлари натижаларини эълон қилдилар.

Юрак хирургияси соҳасидаги муваффақиятлари Каролина институти ҳам эътиборини қаратди. Ўзининг ажойиб тажрибасидан 27 йил ўтгач, В.Форсман тиббиётга қўшган улкан ҳиссаси учун Нобел мукофоти соҳибинини олишга муваффақ бўлди. Форсман билан бир қаторда Д.Ричардс ва А.Курнон ҳам юксак мукофот совриндорли бўлиш насиб этди.

Абдумажит ТўРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди, Ўзбекистон Физика жамияти аъзоси
Захро ИЛЁСОВА,
математик

ГУМОНДОРЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Яқин Шарқдаги вазият бугун тобора кескин тус олмоқда. Сабаби, куни кеча "Хайатт" меҳмонхонасига кираверишда Исроил сайёҳлик вазири Рехавам Зеевига нисбатан уюштирилган суиқасд туфайли у касалхонада вафот этди. Шундан сўнг шошилиш мажлиси ўтказган мамлакат бош вазири Ариэл Шарон Исроил қуроли кучлари эгаллаб турган Фаластин худудларидан чиқарилмаслигини билдирди.

Август ойида Исроилнинг ракета ҳужуми сабабли ҳалок бўлган Фаластин Халқ Озодлик Фронти раҳбари Абу Али Мустафо учун қасос олинди, дея суиқасд жавобгарлигини ўз зиммасига олди Халқ Озодлик Фронти. Вазир ўлиmidан сўнг Исроил кўшинлари Иоардан дарёсининг Ғарбий қирғоғидаги Фаластин худудларига бостириб кирганлар. Ҳужум натижасида бир мактаб ўқувчиси ҳамда полиция ходими ҳалок бўлди. Фаластин хавфсизлик хизмати эса Фаластин Халқ Озодлик Фронтининг бир неча аъзоларини ҳибсга олди.

ҲАММАСИГА
ЖАНГАРИЛАР САБАБЧИ

Кашмир теварағида кечаётган вазият ҳам жиддийлашиб бормоқда. Сабаби, Покистон Ҳиндистонни ушбу минтақада ўз қуроли кучларини ва самолётларини қайтадан жойлаштиришда айблади. Расмий Исломободнинг билдиришича, Покистон бундай яширин хавф сифатидаги кўшин жойлаштирилишини кўриб чиқарди. Ҳарбий раҳбарларнинг айтишича, Покистон армияси Ҳиндистон тарафидан уюштирилажак ҳар қандай ҳужумни қайтара олади.

Расмий Дехли эса Покистондаги жангариларни чегарани бузиб ўтишларининг олдини олиш учун Кашмирдаги кўшинлар шай ҳолатга келтирилганлигини маълум қилди.

ЧЕГАРА БУЗИЛМОҚДА

Расмий Тбилиси вакилининг билдиришича, Россия самолётлари Кодор дараси яқинидаги Грузия худудларини бомбардимон қилган. Телевидение орқали чиқиш қилар экан, мамлакат раҳбари Эдуард Шеварднадзе бундай ҳаракатни давлат чегараларини бузиш дея баҳолади. Шунингдек, Грузия тарафининг тасдиқлашича, бир ҳафта аввал ушбу дара яқинидаги қишлоққа ҳам рус самолётлари бомба ташлаган.

Аммо, Россия ҳарбий ҳаво кучлари вакили, мазкур худудларда ҳеч қандай рус ҳаво ўчоқлари парвоз қилмаганлигини ҳамда Грузия ҳаво сарҳадлари бузилмаганлигини айтди.

ТЕЗРОК ТАСДИҚЛАШ
КЕРАК

Македония парламенти тинчлик шартномаси лойиҳаси бўйича якуний ҳулоса қабул қилишни рад этди. Шундан сўнг мамлакатга ташриф буюрган НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон ҳамда Европа Иттифоқи вакили Хавьер Соланалар албанлар ҳуқуқларини кенгайтириш имконини берувчи шартноманинг тезроқ тасдиқланишини Македония ҳукуматидан талаб этишди.

ЖАЗО ЧОРАЛАРИ БЕКОР
ЭТИЛИШИ МУМКИН

Президент Жорж Буш маъмурияти терроризмга қарши қурашувчи халқаро коалицияни кенгайтириш мақсадида Хитойга нисбатан жорий этилган жазо чораларининг бир нечтасини бекор этишни қайта кўриб чиқади. Бу ҳақда "Вашингтон Пост" газетаси президент Жорж Бушнинг Шанхай форумида иштирок этиш учун Хитойга жўнаб кетишидан бир оз аввалроқ хабар берди. Газетанинг фикрича, жазо чораларининг бир нечтасини бекор этилиши натижасида америкаликлар Хитой қуроли кучлари таркибидаги АҚШда ишлаб чиқарилган самолётлар учун эҳтиёт қисмлар сотиш имконини ҳам қўлга киритадилар.

Россия Бош штаби бошлиғи Анатолий Квашин Тожикистонда Афғонистондаги Шимолий Иттифоқ ҳарбий кўмондони генерал Муҳаммад Фаҳимхон билан музокара ўтказди.

ДУШАНБЕДА УЧРАШУВ

Тахминларга кўра, ёпиқ эшиклар ортида ўтган учрашувда Фаҳимхон Квашинни сўнгги жанглар натижасидан хабардор этди. 1997 йилдан буюн Шимолий Иттифоқни қўллаб келаётган Россия Федерацияси аини дамда кўмак беришни кучайтирди.

ҚИММАТГА ТУШГАН ТЕРРОР

Европа Комиссияси Белгия давлатининг "Sabena" авиакомпаниясига 100 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз беришга қарор қилди, дея хабар беради Би-Би-СИ. Маълум бўлишича, "Sabena" 11 сентябрдаги Америка фожеаси туфайли инқирозга юз тутган Европа авиакомпанияларидан бири ҳисобланади.

Экспертларнинг фикрича, ажратилажак қарз маблағи компанияни қайта тузиш режасини ишлаб чиқиш имкониятини яратади ва келгуси мақсадлар учун сарфланади. Нью-Йорк ҳамда Вашингтондаги терактлар вақтида икита самолёти ўғирланган АҚШнинг "United Airlines" компанияси эса, агарда ўзининг йўқолишларини қоплай олмаса, келгуси йили фаолиятини тўхтатиши мумкин.

Хар бир инсон ўз болалик дунёсида кўпгина мўъжизалар билан рўбарў бўлади. Илк бор ёмғир ёққанда, илк бор боғчага борганда, илк бор мультфильмда қайсидир ҳайвоннинг гапирганини кўрганда... Бундай биринчи бор ҳайратланмишга асос бўладиган воқеаларни кўп санаш мумкин.

Менимча, ҳар қандай бола ҳам кўғирчоқларни яхши кўради. Агар ўша кўғирчоқлар ҳаракатга келса ёки гапирса ундан ҳам қизиқарли ва ундан ҳам севимли ўйинчоқ бола учун бўлмаса керак.

Куни кеча Республика кўғирчоқ театрида ажойиб бир тadbир яқунланди.

Ушбу тadbирни кириш сўзи билан очган Республика Маданият ишлари вазири ўринбосари, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Мухаммадали Абдуқундузов Республикада маданият ва маърифат ишларига бўлган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик келажакда ўз мевасини беришини таъкидлади. Республикада фаолият олиб бораётган "Кўғирчоқ театри" ишини ривожлантириш, уни оммалаштириш, театрга болаларни кўпроқ жалб этиш



мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларидан бошланишини қайд этди. Шунингдек, тadbирда Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусавев иштирок этди.

Кўрик-танлов қатнашчилари республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри босқичларида голиб чиққан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, уларнинг ота-оналари, тарбиячилар эди. Бу қандай тadbир

фаларни бажариш ниятида Республика "Кўғирчоқ театри" биносида ушбу тadbирнинг яқунловчи босқичини ўтказдик.

14 та жамоа иштирок этаётган танловнинг асосий мақсади болаларда кўғирчоқ театри, эртак қаҳрамонлари орқали ҳаётга бўлган қизиқишни кучайтириш, болаларга ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг таъсирини кўрсатиш билан улар онгида яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва



кистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсупов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати намойиш этилган томошаларни баҳолаб борди.

Кўрик-танлов давомида театр биносига ташриф буюрган барча ёшдаги томошабинлар профессионал бўлмаган, кўғирчоқларни ҳаракатга келтиришни бирор олий даргоҳда ўрганмаган иштирокчиларнинг маҳоратларини кўриб завқланишди. Қатнашувчилар қаҳрамонларга овоз бериш, гапирётганда кўл, бош, оёқ ҳаракатларини сўз оҳангига мослаш каби бир қанча мураккаб вазифаларни бажаришди.

Танловдан сўнг ҳар бир голиб, ҳар бир қатнашувчи ҳомийлар — Республика Халқ таълими вазири, Маданият ишлари вазири, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика таълим маркази, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, Республика хотин-қизлар кўмитасининг дипломлари, фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари, турли-туман ўйинчоқлар билан тақдирланишди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat"нинг
махсус мухбири

«КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ» ТАНЛОВИ

бир, уни ўтказишдан кўзланган мақсад-муддао нималардан иборат эди ва кўрик-танлов ўз олдига қўйган мақсадга эришдимиз? Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш ниятида биз кўрик-танлов ташкилотчиларидан бири бўлган Республика Таълим Марказининг мактабгача ва бошланғич таълим бўлими бошлиғи Гулчеҳра Мусурмонқуловани суҳбатга тортдик.

— "Она ва бола" Давлат дастурининг 67-моддасида "Она-жоним, суратингни чизаман" ва "Кўғирчоқ театри" кўрик-танловларини мактабгача таълим ёшидаги болалар иштирокида ўтказиш белгиланган эди. Мазкур дастурда кўзда тутилган вази-

бу курашда яхшилик ва ҳалоллик, садоқат ва ватанпарварлик галаба қилишини болалар қалбига жо этишдир. Бундан ташқари мактабгача таълим муассасаларида "Кўғирчоқ театр"га бўлган муносабатни яхшилаш ҳам кўзда тутилган мақсадлардан бири. Бу танловнинг диққатга сазовор жойи шундаки, унда узвийлик таъминланган. Яъни биз доимо таъкидлаётган таълим муассасаси, тарбияланувчиси ва уларнинг ота-онасининг ҳамкорлиги яна ҳам ривожланади.

Кўрик-танлов уч кун давом этди. Республика "Кўғирчоқ театри" бош режиссёри, Ўзбе-

ёш истеъдодли актриса, "Офарин" мукофоти соvrиндори Мадина Мухторова яратган образлар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, "Афандининг беш хотини", "Чимилдиқ" каби спетаклардаги у яратган образлар, "Обид-шоу" кўрсатувидаги "ҳинд қизи" роли тақсинга сазовордир. Биз Мадина Мухторова билан ижодий фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Санъат соҳасини танлашингизга нима сабаб бўлган? Ва санъат оламига қандай кириб келгансиз?

— Ёшлигимдан адабиётга қизиқиб, кўплаб шеърлар ёд олардим. Ҳамма жойда шу шеърларни айтиб юрардим. Мактабда ўқиб юрган вақтларимда эса, телевидение кўрсатувлари учун кичик-кичик ролларни ижро этганман. Шуларнинг натижаси бўлса керак, санъатга болалигимдан қизиқиш уйғонган.

Биринчи марта "Юр, кинога борамиз" фильмида роль ижро этганман. Ундан ташқари болалар ва ўсмирлар ижодкорлик марказида Учқун Раҳмонов раҳбарлигидаги санъат тўғарагига қатнашиб юрганман. Айнан шулар

санъат оламига кириб келишимга таъсир кўрсатган.

Булардан ташқари оилामизда ҳам санъаткорлар бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хамидулла Наримонов бувам бўлади. Улар санъатга алоҳида хизматларини қўшган деб ўйлайман.

— Саҳнага биринчи марта чиққанингизни қандай эслайсиз?

— Биринчи бор Ўзбекистон Миллий академик драма театрига ишга қабул қилишганида менга бир йилча роль ижро этишга рухсат берилмаган. Саҳнада ролларни қандай ижро



вақтларда театрга кириб келганман. Саид Аҳмаднинг "Келинлар кўзғолони" спектаклидаги Нигора ролини ижро этаётганимни эслайман. Ҳақиқатда тўрт-беш нафар томошабин залда ўтирарди. Ўшанда аудио-видеолар кириб келди. Энди театрлар нима қилади, деб айтишарди. Лекин бундай гаплар нотўғри эканлиги ҳаммага аён бўлди. Бир оз вақт ўтгандан сўнг "Афандининг беш хотини" спектакли қўйилди. Унга томошабинлар жуда кўп келишдики, уларни кўриб, хайрият яна томошабин театрга қайтди,

анчагина шов-шувга сабаб бўлди. Шу образга ўзингиз қандай қарайсиз?

— Ҳақиқатдан фильмга сўёмка бўлаётган вақтда ўзимнинг ҳамма вақт ўйнайдиган ролимни ижро этаётганлигимни сезгандим. Фильмдан сўнг мухлисларим хатто мендан хафа ҳам бўлишди. Лекин бир томони борки, фақат енгил-елпи роллардан ташқари жиддийроқ образни ярата олишимни томошабинга кўрсатишга ҳаракат қилгандим.

— Санъатдаги устозларингизга ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Санъатда барча санъаткорлар бир-бирига устоз. Улар ҳамнафас бўлиб яшашди. Менга санъат сирларини Турғун Азизов ва Дилбар Абдулаевалар чуқур ўргатган.

— Шу кунларда мухлисларингизга қандай янги ижод намуналарини тақдим этмоқчисиз.

— Болалар учун спектаклда роль ўйнаб болажонлар учун тақдим этиш ниятидаман. Бу масала устида жамоамиз билан келишиб ҳам қўйдик. Менимча, янги йил арафаларида бу ниятимизни амалга оширамиз.

Шерзод АҲМАТОВ
суҳбатлашди.

«БАРЧА САНЪАТКОРЛАР БИР-БИРИГА УСТОЗ»

этишни кузатиб юрганман. Ҳақиқатда шу вақт ичида кўп нарсани ўргандим. Бир сафар спектаклда роль ижро этадиган актриса негадир келмай қолган экан. Менга шу ролни қандай ижро этишни тушунтиришди.

Ўшанда ролни яхши ижро этганман. Шундан кейин эса "Алишер Навоий" спектак-

лидаги Гули образини яратганман. Шундан бошлаб катта саҳналарга чиқа бошлаганман.

— Ёдингизда бўлса, театрга томошабин тушмай қўйган вақтлар ҳам бўлди. Лекин ҳозир театрлар гавжумлашгандай... Сизнингча бу вазият нима учун юзага келганди?

— Биласизми, айти ўша

деб ўйлаганман. Шунда, жамоа бир ёқадан бош чиқармаса томошабинни театрга жалб қилиш мушкул эканлигини сезганман.

— Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асарига ишланган фильмда салбий бўёққа эга бўлган кичкина образ яратдингиз. Бу образ кичкина бўлишига қарамасдан

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Қорақўл туманида касаба уюшмалари томонидан ёшларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Касаба уюшмалари томонидан ҳар йили ўн миллион сўм атрофида бадал йиғилади, — деди Қорақўл туман агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Нурмухаммад Юсупов “Туркистон-пресс” мухбирига.

Н.Юсуповнинг айтишича, ўтган йили 1 миллион 700 минг сўм пул кам таъминланган оилаларнинг биттадан фарзандига халқ банкида 2 минг сўмлик ҳисоблар очишга сарфланди. Тумандаги 50 нафар болаларнинг мучал, 20 нафар болаларнинг эса суннат тўйлари ҳам касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан ўтказилди.

— Туманда 72 та спорт мар-

казлари ёшлар хизматида. Ба-лоғатга етган 21 минг ўсмир-дан 18 минг нафари айни кун-да кураш билан шуғулланап-ти. Уларнинг турли оқимларга кириб кетмаслиги ва гиёҳванд-лик, бузғунчилик каби ишлар-га қўл урмаслиги учун турли спорт ўйинларини ташкил эта-ямиз, — деди сўзининг якуни-да Н.Юсупов.

“Туркистон-пресс”



ОМАДИ ЮРИШМАДИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги теннис турнири-да ҳамюртимиз Ирода Тўла-ганова 1-даврада россиялик Елена Красноруцкаяни ма-глуб этиб, 2-даврага йўл ол-ган эди. Аммо, 2-даврада Ирода турнирнинг 5-ракетка-си, франциялик Наталья Тозьяга 6/2, 6/4 ҳисобида ўйинни бой бериб, мусобақа-ни тўхтатишга мажбур бўлди.

“МАШЪАЛ” — ОЛИЙ ЛИГАДА

Бундан бирмунча аввал Кўқоннинг “Темирийўлчи” жа-моаси мuddатидан олдин олий лигага йўлланма олган эди. Биринчи лига жамоа-ларининг кеча ўтказилган тур учрашувларида Муборакнинг “Машъал” жамоаси рақиби “Шўрчи”ни маглуб этиб, ке-ласи йил “элита”да тўп су-риш ҳуқуқини қўлга киритди.




МУДДАТИ НОМАЪЛУМ

Шу йилнинг ноябрь ойида Ашгабатда Марказий Осиё ўйинлари ўтказилиши лозим эди. Бироқ, Афғонистондаги бугунги вазият сабаб ушбу ўйинлар қачон ўтказилиши номаълум бўлиб турибди. Баъзи маълумотларга кўра, бу мусобақа бу йил ўтказил-маслиги ҳам мумкин.

4 ТА ПАСТГА, 2 ТА ТЕПАГА

Шу ҳафта Ўзбекисто футбол федерациясида ўтказил-ган йиғилишда 2002 йилги мавсумда олий лигада 16 жамоа иштирок этиши маъ-лум қилинди. Демак, бу йил олий лигани тўрт жамоа тарк этади. Биринчи лигада 1-2 ўринни эгаллаган жамоалар (улар маълум) билан “элита”-дагилар сони 16 та бўлади.



ЧЎҚҚИ САРИ ИНТИЛИШ

Яқинда интернет тармоғининг Clubkasparov сайтида жа-ҳондаги энг кучли шохмотчиларнинг профессионал рейтинг-ни эълон қилинди. Мазкур рейтинг 251 нафар гроссмейстер-нинг октябрь ойигача бўлган натижаларига мувофиқ тузил-ган. Рўйхатни, сўзсиз, дунёнинг 13 ва 14-чемпионлари Гарри Каспаров ҳамда Владимир Крамниклар бошқариб бориш-моқда. Хамюртимиз Рустам Қосимжонов бу сафар 15-поғо-надан ўрин олди. Ёш гроссмейстеримиз ўтган йили ҳозирги-дан икки поғона юқорида қайд этилганди.

Демак, бугунги кундаги жаҳоннинг энг кучли 20 нафар шохмотчиси қуйидагича кўринишда:

1. Гарри Каспаров	(Россия)	— 2798 очко
2. Владимир Крамник	(Россия)	— 2793
3. Вишванатан Ананд	(Хиндистон)	— 2732
4. Веселин Топалов	(Болгария)	— 2706
5. Петер Лeko	(Венгрия)	— 2699.
6. Александр Морозев	(Россия)	— 2699
7. Василий Иванчук	(Украина)	— 2692
8. Александр Халифман	(Россия)	— 2676
9. Майкл Адамс	(Англия)	— 2670
10. Борис Гельфанд	(Исроил)	— 2665
11. Евгений Бареев	(Россия)	— 2659
12. Люк ван Вели	(Голландия)	— 2657
13. Алексей Широв	(Россия)	— 2656
14. Руслан Пономарев	(Украина)	— 2651
15. Рустам Қосимжонов	(ЎЗБЕКИСТОН)	— 2642
16. Илья Смирин	(Исроил)	— 2639
17. Анатолий Карпов	(Россия)	— 2638
18. Кирил Георгиев	(Болгария)	— 2638
19. Е.Цзянчуан	(Хитой)	— 2629
20. Петр Свидлер	(Россия)	— 2628



РИНГДА ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ

Озарбайжоннинг Боку шаҳри-да бокс бўйича ўсмирлар ўрта-сидаги Жаҳон чемпионати баҳс-лари давом этаётганидан хабарин-гиз бор. Сўнгги маълумотларга қараганда вакилларимиздан Ком-рон Қосимов (45), Баҳодир Сул-тонов (51), Элшод Расулов (54), Илҳом Соатов (57), Азиз Раҳмо-нов (81)лар ярим финал жангла-рида иштирок этадиган бўлишди. Шу ўринда айтиш керакки, ярим финалда Озарбайжондан 10 на-

фар, Россиядан 9, Украина ва Туркиядан 6, Ўзбекистондан 5, Кубадан 4, Қозоғистондан 2 на-фар боксчилар ярим финалда ўз юрглари шарафини ҳимоя эта-ди.

Ўзбекистон бокс федерация-сидан олинган маълумотга кўра, ярим финалда Қосимов Украина, Султонов Озарбайжон, Расулов Украина, Соатов Озарбайжон, Раҳмонов россиялик боксчилар-га қарши рингга чиқишади.



Республикамызда ўсиб келаётган авлодни соғлом кишилар қилиб тарбиялашга катта эъти-бор берилаяпти. Мустақиллик йилларида энг кичик ёшдаги болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли-туман мусоба-қаларнинг ташкил этилишини бунга мисол қилиб айтишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда республикамыз мактаблари-да “Умид ниҳоллари” спартакиадасининг дастлабки босқичи бошланди. Яқинда Хонобод шаҳридаги 4-ўрта мактабда спартакиаданинг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Биз спартаки-адани бошқариб бораётган республика тои-фасидаги ҳакам Содикжон Сиддиқовдан му-

АВЛОДЛАРИМИЗ БАРКАМОЛ БЎЛСИН

собақаларга тайёргарлик ва ўтиши ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Бу йил халқ таълими тизимида вазирлик томонидан ташкил этилган “Умид ниҳоллари” деб номланган спартакиада дастурига кири-тилган турлар бўйича мусобақалар вилоят-миз шаҳар, туманларида бошланди. Мана бу-гун 4-мактабда ана шу мусобақанинг дастлабки босқичи ҳам биз кутгандек якунланди.

Мана, кўриб турибсиз, ҳозир спортнинг мил-лий ва эркин кураш турлари бўйича мусоба-қалар ўтаёттир. Бир ой давомида болалар ўза-ро беллашдилар. Мусобақаларга 700 нафар дан ортиқ ўқувчилар жалб қилинган. Ана шу-ларнинг голиблари шаҳар биринчилигида ўз мактабларининг шарафини ҳимоя қиладилар.

У.САКСОНБОВ
Андижон вилояти

НАТИЖА: ИМКОНИЯТДАН ПАСТ

Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида терма жамо-алар ўртасида шахмат бўйича навбатдаги жаҳон чем-пионати давом этмоқда. Бўлиб ўтган 4-тур учрашуви-да Арманистон терма жамоаси россиялик шахматчи-ларни мағлубиятга учратишди. Россиялик Гришку ва Мотилевлар рақиблири билан дурангга эришган бўлса, Петер Свидлер Акоюнцга, Сакаев эса Лпутянга имко-ниятни бой берди. Қолган учрашувларда эса Куба тер-ма жамоаси эронлик шахматчиларни 2,5-1,5 ҳисоби-да, германиялик шахматчилар эса македонияликларни 3,5-0,5 ҳисобида маглуб этишди. Ўзбекистон ва Венг-рия терма жамоалари учрашувида томонларнинг кучи тенг келган — 2:2.

Айтиш мумкинки, шахматчиларимиз имконият даражасида дона суриша олишмаяпти.

Жамоаларнинг 4-турдан кейинги мавқеи қуйида-гича:

Арманистон	3	11 очко
Россия	4	11 очко
Германия	4	10,5
Украина	3	8,5
Куба	4	7,5
Венгрия	4	6,5
Ўзбекистон	3	5
Эрон	3	4
Македония	3	1

Эслатиб ўтадим, бугун охириги тур учрашувлари бўлиб ўтади.

Кеча вакилларимиз 4-тур учрашувини Македония терма жамоаси билан ўтказиб, мағлубиятга учраган.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбария-ти ва касаба уюшмаси жамоаси институт “Тил-лар” кафедраси катта ўқитувчиси

Озода НАЗИРОВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради ва чуқур таъ-зия изҳор қилади.

Ta'kid

Келинойим билан бозордан қайтаётган эдик. Автобусда одам кўп. Ёнимда турган онахоннинг гапи қулогимга чалинди. "Қизларимизнинг чет элликлардан фарқи қолмаяпти. Бундай кийинишлар ва юриш-туришлар ўзбекларга хосмикан? Яқинда ўзимнинг неварам ҳам икки ёни йиртиқ юбка кийиб келиб қолди. "Ҳа, болам сени бир сафар худойимнинг ўзи асрабди. Сенга ташланган кучук кутурмаган экан, кутурган ит бўлса сени соғ кўймасди. Шунинг учун у юбканинг икки ёнини йиртибди" дедим. Неварам ҳазил гапдан

ҲАР НАРСАНИНГ
МЕЪЕРИ БОР

уялиб кетди. Шундан бери у бунақа бачкана кийимларни эгнига илмайдиган бўлди. Дашномим нишонга тегди-да".

Мен йўлда кетяпману, кўз ўнгимда курсдошларим — 1-Тошкент педагогика коллежининг қизлари турарди. "Беш кўл баробар эмас" деганларидек, баъзи қизларга қараб туриб кўнглинг яйраса, айримларини кўриб таъбинг хира тортади. Кўпчилик қизларнинг кийиниши, чапланиб олишидан ташқари бармоқларига қўша-қўша узук, бўйнига тилла занжир тақиб олишлари уларни талабага эмас, кўпроқ отарчиларга ўхшатиб кўяди. Наҳотки, тилла буюмларга ўчликларни билан улар ён-атрофдаги кишиларга ёқаман деб, ўйлашса? Зеб-зийнатни ўз ўрнида ва меъёри билан тақиш ҳар қандай аёл зотига ярашиғлик белги эмасмикан?


Нигора САЛИМОВА,
1-Тошкент педагогика
коллежи талабаси

Shaklda belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida: 1. "Tilga e'tibor — elga e'tibor" hikmatini yozib qoldirgan mumtoz mutafakkir shoir, badiiy tilimiz asoschisi. 2. So'z san'ati sifatida tan olingan soha. 3. O'z davrida turkiy tilni davlat tili miqyosida ekanligi maqomini ta'minlab farmon bergan temuriyozda hukmdor. 4. Ustoz adib: "Yo'sinsiz ravishda xotiraga kelgan har bir so'zdan jumlar to'qimoq fazilat sanalmaydir, — so'z — qolip, fikr uning ichiga quyilgan g'isht bo'lsin, ko'pchilik xumdonidan pishib chiqqach, yangi hayot ayvoniga asos bo'lib yotsin..." so'zlari muallifi. 5. Alisher Navoiy hikmatidan: "Ko'ngil mahza-ning qulfi til va mahzanning... so'z bil". 6. Adib, rassom yoki san'atkorlar an'anaga ko'ra o'ziga o'zi qo'yib olgan boshqa nom. 7. Tildagi yozuvning ma'lum tartibda joylashgan harflar majmui. 8. Talaffuzi jihatidan boshqaboshqa, ammo ma'nosi bir, o'xshash so'zlardan har biri. 9. O'zbek lug'atshunosligiga muhim hissa qo'shgan olim, ommaviy tarzda qo'llanishga mo'ljallangan nashrlar muallifi. 10. Tovush yoki belgilarning yozma yoki bosma shakli. 11. Hifzi lisonga oid quyidagi misralar muallifi:

Ey ona til,
aziz qadrdomim,
iltifoti ruhim,
rahmonim,
Tug'dig'im kundan
aylading ulfat,
O'lguncha aylama,
ey jonim.

AYLANMA
KROSSVORD

"O'zbek tilshunosligi" aylanma
krossvord va muammonoma test



Menga ilmu adab san o'rgatding,
Chin adib, muallim shonim.
Millating ruhini ko'rsatuvchisan
Eng muqaddas qarashli sultonim.
12. "O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi" tadqiqot nashri

mualliflaridan biri. 13. O'quv qo'llanma nashri. 14. "Ona tilim" she'ri muallifi, O'zbekiston Qahramoni. 15. So'zlashuv vositasi qonuniyatlarini o'rganuvchi mutaxassis. 16. Til, tilga oid so'zning kitobiy atamasi. 17. Tilshunoslikda jo'g'rofiy nomlar majmui. 18. Alisher Navoiy asarlari tilining fonetikasini

tadqiq etgan o'zbek olimi, lug'at mualliflaridan biri. 19. Gap va gap bo'laklaridagi yordamchi so'z. 20. O'zbekiston viloyati nomi bilan ataluvchi sheva. 21. Atoqli tilshunos, "O'zbek tilida kelishiklar", "O'zbek tilshunosligi tarixidan" kabi asarlar muallifi. 22. O'rta asr tilshunos olimi, "Devonu lug'otit turk" qomusiy asari muallifi. 23. O'ning boshqa gap bo'laklariga munosabatini ko'rsatuvchi so'z turlovchi daraja, turkum. 24. Til yoki shevadagi so'zlar majmui. 25. XIX asr oxiri — XX asr boshlarida tilimiz so'zining, uning taraqqiyoti borasida ma'lum vazifalarni amalga oshirgan milliy-ma'rifiy oqim. 26. Vodiyya xos tilimizdagi sheva.

MUAMMONOMA

Avvalo shakl markazining ochqich qismidagi quyida ta'rifi bayon etilgan so'zlarni topib, belgilar ustiga qatorlar bo'yicha yozing.

1. Ma'lum tartibda satr, katak va ustunlarga joylashtirib aks ettirilgan ma'lumotlar. 2. Sharq badiiy ijodiga xos topishmoq she'r. 3. Tinish belgilardan biri. 4. Yil fasli, ma'lum davr. 5. Qimmatbaho, rangdor sim qo'shib kashta tikuvchi chevar.

Endi shakldagi quyidagi belgilarni "ochqich" javoblari asosida taalluqli harflar bilan almashtirib muammonomani toping. Ularni qatorlar bo'yicha o'qish bilan vatandoshimiz, buyuk alloma Abu Rayhon Beruniy merosiga mansub hikmatni bilib olasiz.

Foziljon ORIPOV

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ

Кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади:

1. Кафедра мудир:

Ўзбекистон тарихи, фалсафа, иқтисодий назария, ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, физика, химия, олий математика, информацион технологиялар, механика, иқтисодиёт, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, ҳуқуқшунослик, ёнгин хавфсизлиги, қурилиш механикаси, автоматика ва алоқа, жисмоний тайёргарлик, ҳарбий тайёргарлик.

2. Доцент, катта ўқитувчи (фан номзоди ёки аспирантуранга тамомлаганлар), ўқитувчи:

Ҳужжатларни (ариза, шахсий варақа расми билан, илмий даража, илмий унвон ва маълумоти ҳақидаги дипломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати) қуйидаги манзилга тақдим этиш мумкин: 700017, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 23.

Телефонлар: 133-84-37, 133-45-07, 34-65-38.

фалсафа, иқтисодий назария, ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, педагогика, информатика ва ҳисоблаш техникаси, физика, химия, олий математика, ёнгиш жараёнлари, экология, механика, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, автоматика ва алоқа, кимё саноати жараёнлари ва аппаратлари, экстремал медицина, қурилиш механикаси, ҳарбий тайёргарлик, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, патентшунослик, ёнгин хавфсизлиги, жисмоний тайёргарлик.

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифаллади.

Навбатчи муҳаррир: Хулкар ТҮЙМАНОВА.
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2917. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 8 босма табоқ, офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00